

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ҒАЙБУЛЛОҲ АС-САЛОМ  
САЙДИ УМР

ТОЛИБНОМА  
(СЕНИ ҮЙЛАЙМАН, БОЛАМ)

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИНИНГ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 1997 ЙИЛ

© «Шарқ» нашриёт - матбаа  
концернининг Бош таҳририяти  
1997

*Маънавий ва ахлоқий покланиш, имон, инсоф, диёнат, орномус, меҳр-оқибат ва шу каби чинакам инсоний фазилатлар ўз-ўзидан келмайди. Ҳаммаси-нинг заминида тарбия ётади.*

*И. КАРИМОВ*

— Омилкор мутахассис ва тажрибали мураббий деб Сизларни бу даргоҳга чорладик, азизлар. Бизнинг хоҳишистагимиз Сизнинг чекингизга тушди,— дейишиди бизга Республика Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигида. Илтимосимиз: жонли тиlda яйраб бир мароқли китоб ёзib беринглар. Ўзига хос толибнома мақомида. Фақат ёшлар эмас, кошкийди барча бирдек мириқиб ўқийдиган бўлса. Тўгрисини айтганда, яхши китоб ҳеч қачон чанг босиб ётмайди. Қўлмақўл булиб кетади, ўқилади... Яхши китоб деганда китобхоннинг қалбига етиб борадиган, уни ўйлантирган муаммоларга жавоб топишга ёрдам берадиган, айниқса талаба ёшларга, уларнинг билим олиш, касбхунар орттириш, юқори малакали мутахассис бўлиб етишишида йўл-йўриқлар кўрсата оладиган нашрлар назарда тутилади. Не ҳасратда эришилган Истиқлолнинг залворли юки, даъвати, давр руҳини, талабларини, янгича таълим-таҳсил ва тадқиқотлар мантиқини, янги турмуш тарзини ёшларга содда ва тушунарли қилиб, муҳими, уларни қизиқтирадиган, эътиборини тортадиган жозибали бир услубда баён қилиб бериш зарур. Эл-юртимиз ҳамда давлатимиз, одамларимиз улардан нималарни кутаётганини, «ёшлар бизнинг келажагимиз» ибораси остида ёттан чуқур мазмуннинг масъулиятини турмушдан, ҳаётдан олинган оддий ва ибратли воқеа-ҳодисалар мисолида тушунтириб бериш зарурати тугилмоқда. Бугунги ёшлар ўз касбининг моҳир устаси булиш билан бирга, миллий ва умуминсоний қадриялар, юксак ахлоқ, одоб, тамиз, сиполик ва хушмуомалалик каби фазилатларга эга бўлган Комил Инсон булиш зарурлигини ҳам дастлабки мустақил қадамларимизданоқ тушуниб етса, деб ўйлаймиз. Сизлар ёзадиган китоб шу маънода ҳам жуда зарур ва долзарбdir.

Рост. Етук мутахассис: муҳандис, шифокор, фазогир (космонавт), авиасоз-конструктор, дидли муҳарриру мусаввир булиш қанчалик душвор бўлса, шунга мос ҳазрати одам булиш ҳаддан ташқари оғир.

Инсонлар борки, олим эмас. Бұлмаса бұлмас. Олим-лар борки, инсон эмас... Буниси оғир. Билагон мутахассис, комил зоти шариф бұлиш учун нима қилиш керак? Құлингиздаги мана бу китобни ўқинг, муҳтарам биродар. У ана шу хусусда баҳс очади. Икки муаллиф Сизни ўйлаб, Сизни деб, Сиз учун ёзишди. Ўттиз йил ва ўттиз күн ичида.

«Толибнома (Сени ўйлайман, болам)» китобининг номи Сизни чалғитмасин, ҳурматли ўқувчи. Ҳа, даставвал бу биринчи курс талабаларига мурожаатни на-зарда тутади, албатта. Амалда эса унда барча босқич студентлари учун фойдалы гаплар бор. Бугина эмас. Китобни «Мураббийнома» маъносида ҳам қабул қилиш мумкин. Тарбиячининг ўзи тарбияланган бұлиши керак. Бинобарин, ҳали илмий даражаси бұлмаган оддий домладан — профессоргача, аспирантдан — академиккача барча муаллим ва мударрислар ҳам бу китобдан нималардир олса ажаб эмас. Ўқиб күринг-а. Ундаги ҳар бир фасл, мавзу ҳамда мулоҳазалар, умид қиласызки. Сизда қизиқиш уйготади ва доимий ҳамроҳингиз бұлыб қолади. Истагимиз: «Сени ўйлайман, болам»ни бот-бот ўқинг. Бұш вақтингизда, зерикіб турганингизда эмас, бош қашлашга имкон топмаган чөгларингизда ҳам мутолаа қилинг. Енгил тортасиз. Ўзингизни қийнаб турган ҳаёт жумбоқларига қалит топғандай бұласиз.

Марҳамат қилинг...

## ИККИ ЭШИК ОРАСИ

### БИРИНЧИ КУРС ТОЛИБЛАРИГА

Сизларни ўзингиз истаган, интилган ўқув юрти биринчи босқич толиби ёки толибаси бўлганлигингиз билан чин кўнгилдан табриклаймиз. Баракалла.

Тасаввур этамиз: тест синовларига узоқ муддат тайёрландингиз, кейинги бир-икки ойда, айниқса, зўр бердингиз. Кунни тунга улаб ўқишлиар, маҳсус сабоқлар, баҳс-мунозаралар... Ниҳоят, синов куни ҳам етиб келди. Машқда қанча оғир бўлса, жангда шунчак енгил бўлади. Қозонда бори чўмичга чиқади. Саволларга ишонч билан жавоб бердингиз, тўрт-беш-тасининг тўғрилигига сал шубҳа қилмасангиз, қолган жавоблардан кўнглингиз тўқ. Билган одамга қийин эмас экан: компьютерга рўбарў бўласизми, қоғоздаги катакларни тўлдирасизми, барибир. Бошқа талабгорлар ҳам қўл қовуштириб турмаган, жиддий тайёргарлик кўрган, албатта. Демак, талабгор тақдирини умумий баллар, балким гоҳида бир баллнинг ўндан бир улуши ҳал этади. Яна ҳафта, ўн кун орзиқиб кутиш керак. Мана, ниҳоят, рўйхат ҳам осилди. Юрагингизни ҳовучлаганча одамлар орасини ёриб кириб, ўзингизга таниш рақам (код)лар, тўплаган балларингизни қидирасиз. Бошда ҳаяжондан кўзларингиз жи-мирлаб, керакли рақамларни илгай олмайди. Кейин... қадрдан рақамларга кўзингиз тушади. Улар тортилган қалин чизиқнинг устида эканлигини кўриб (хайрият!), юрагингиз «жиг» этиб кетади. Беихтиёр кўзингиз намланади: менинг рақамларим, бу — Менман! Қанчалик хурсанд бўлганингиз ёлғиз ўзингизга аён! Бир неча кун утиб, қабул қилинганлар рўйхатида — кодингиз қаршисида исми шарифингиз чиқади. Мана энди Сиз голибсиз, толибсиз!

*Профессор Гайбулла Саломов (Гайбуллох ас-Салом) бобо куйманиб насиҳат қилади, тажрибалари, кузатишлари, ўз бошидан кечиргандар, кўрган-бигланларидан сўзлади. Шогирди, доцент Сайди Умр, садоқат юзасидан унинг ёзганларини оқча кучиради, тўлдиради, давом эттиради, янги фаслар қўшади... Шу тариқа ўзига хос елкадошлик («тандем») юзага келади.*

## 1 - фасл

### ЧОРРАҲА

Самарқанд вилоятида Каттақўргон деган шаҳар бор. Билсангиз керак. Лаббай? «Мен каттақўргонликман» дейсизми? Жуда соз. Ўтиринг, марҳамат. Уруш арафасида (30-40 йиллар бўлса керак) ўзим туғилиб ўстган Хатирчи туманидан ана шу шаҳарга келиб-кетиб турадик. Раҳматли дадам мулла Тожи мактаб-маърака кўрган (эски мактабда ўқиган) зукко киши эдилар. Каттақўргонга савдо-сотиқ ишлари билан қатнардилар. Ёлгиз болам дунёни кўрсин деб, мени ҳам ўзлари билан олиб юрардилар гоҳи вақтларда. Ушанда етти-саккиз ёшли болакай эдим. Ёдимда қолгани: 30 чақиримлар келадиган йўлни уззу кун босиб утардик. Боришу келиши билан 60 чақиримдан зиёд масофа. Аравада!.. Сиз, ёш мусоҳиб (суҳбатдош) дўстим, биламан, нақлиёт (транспорт)-нинг бу турида «саёҳат» қилиб кўрмагансиз. Ҳеч кимнинг бошига солмасин у йўлларда юришни. Тизза бўйи чанг, ўнқир-чўнқир. Ҳали араванинг гупчаги, ҳали ўқи синиб қоладими-еъ... Бирда гилдирак бирон чўнқирга тушиб кетади. Бирда ҳолдан тойган от аравакаш минг ургани билан юрмайди. Тихирлик қилиб, оёқ тираб туриб олади... Чунонам зерикарлики, бундан «зерикиш» туйгусининг ўзи ҳам зерикса керак. Тиниб-тинчимаган, дарёдай шовуллаб, тинимсиз оқиб турган Вақт, менинг назаримда, тўхтаб, бир нуқтада қотиб қолгандай туйиларди...

Мана, Каттақўргонга етиб келдик ҳам дейлик. Карвонсаройга тушардик. Буёги ит ётиш, мирза туриш. Тагин ҳаваски, нотавон кўнгилга қўтир жомашов. Кечқурун базми жамшид бўлар, жувонлар (отар-

чилар) келишар, ашулахонлик , рақс, бешқарсак бошлиниб кетарди.

От-арава, аравакаш, гупчак, юган, қуишиңғон, ўқ, жилов, қамчи, карвонсарой, базм, бешқарсак, жувон, қистир-қистир... нималигини ҳам, ҳойнаҳой, билмайсиз, дүстим.

Мен ҳозир бу воқеаларни нима учун эслаётиман? Сабаби, нақлиёт инсоннинг ҳаёт йўлидир. Босиб ўтилган йўл. Сафарга чиқаётган одамга «оқ йўл» тилаймиз. Умр фасллари, аждодлару авлодлар ўтмиш билан келажак туташган жонли чорраҳа деса бўлади. Йул! Қабристонга элтадиган масофани — «сўнгги йўл» дейдилар. Менинг ҳаёт йўлимнинг нақлий қиёфасини шундай белгилаш мумкин: жонли улов (от, эшак) — арава — машина — автобус — трамвай — троллейбус — поезд — метро — узоқ (самолёт). Қисқаси, фазогирлик (космонавтика) билан сувости кемасидан бўлак ҳамма «кўчаларда» юриб кўрганман. Дарё ва денгизларда суздим, кўллар, тоглар, довонлар, мамлакатлар, қитъалар, иқлиmlар устидан учиб ўтдим. Девлар, фаришталар, малоиклар янглиг. Бир неча маротаба йўл фалокатларига дуч келдим. Ўлмадим. Ерда юрдим, сувда суздим, ҳавода учдим. Ўлмадим... ТУ, ИЛ, АН, Боинг... Бу уchoқларнинг бари менга таниш. От-аравадан — Боинггача босиб ўтилган умр манзараларини тасаввур қилинг. Мен учун «кўҳна» дунёдан — бутунги Йистиқлол аталмиш янги олам остонасигача ярим асрлик онгли умрнинг деярли ҳаммаси роҳат-фароғатда эмас, таҳлика, хавф-хатар, ўзни таниш, ўзни излаш ташвишлари билан кечди. Ўзим учун 65 йиллик ҳаётимнинг ҳаммаси бўлиб ақалли ўн йилини ҳам доруломон, беташвиш яшамаган бўлсан керак. Ўнқир-чўнқир заминий ҳаётни яёв одимлаб ўтдим...

Матлабим— «пиёда аскарлик». Агар қандайдир ёргуғ бир маънавий камолот пайдо қилган, яхшиларнинг ҳурмат-эътиборини қозонган бўлсан, бу тинибтингимаслик, ҳалол меҳнат, ота-боболар ва холисларнинг дуоси, қаноат, нафсни тиийиш, камсуқумлик ва шукроналик орқасидан деб биламан.

Шундай бир изтиробли далилни келтирайин. 1950 йилда туман марказидаги 20-сон ўрта мактабни аъло баҳоларга битирганман. Ўқиши огир эди. Ўзим ўқувчиману, гоҳи вақтларда дарсга келмай қолган муаллимларнинг ўрнига кириб, сабоқ берардим. Уруш йилла-

ри, ўқишдан ортиб, мактаб ҳаваскорлик тұғараги қатнашчилари гузарға, далаларға, қишлоқ әулие жамоа хұжаликтерінде қызмет көтеді, мемлекеттік мектептерде, сағна томошалардың құйиб берардік. Мен гижак чалардым. Домла Құдрат Маъдий, Жалол Ражабийлар бизге устозлик қилишган. Шу зайл учтұрт йил камонда үзимни синаганман. Үнинчи синфни тутатаёттанды босим ниҳоятта ортиб кетди. Имтиҳон ва топшириқтар бир-бирига минди-минди... Рұхан қаттиқ, әртүрлі, сокит ҳолда тұрса-да, бошим худди «тушиб кетаёттандай!» Үзимча бунинг ҳам чорасини топғанман: шифтта ипдан дор бөглаб, бошимни ҳалқага илдириб құйиб үқирилдім ва өзардым.

Чамамда, менинг ҳаёттим шундай холосага келишга имкон беради: инсон боласи темирдан қаттиқ, гулдан нозик. Парвардигордан нимани тиласанғ — шунга эришасан, башарты, иймон-эътиқоды одам бұлсанғ. Моддий муҳтожлик баъзан жонға теккан кезларда ҳам үксинмаганман. Зоро, кимга зорланайин? Ахир, Тангри таолодан, пиrimiz ҳазрат Гавсул Аъзамдан тилаганим шу: фарзандларим бұлсın; ҳалол-покиза ҳаёт насиб этсін; ақыл-идроқдан қисмасын; фақыдан йироқ бұлайин; ақыл уламолар қаторидан жой ато эт; ногақон үлем, қуруқ туҳматлардан арасын; лафзи ҳалол инсон бұлайин; одамларға нағым тегсін. Холос! Мол-давлат, бойлық, пул, лавозим—бари құлнинг кири... Гарчи! Ҳалол мәҳнат әвазига келған ва ҳалол ишларға сарфланадиган бойлық, маблаг, мулк, мансаб ҳам ҳеч кимга ортиқчалик қылмаскан аслида.

Ижтимоий ҳаёттаги үрним шундай бұлды: мактаб үқувчиси — дорилфунун студенти—муҳаррір—ілмий ходим—толибул ілм (аспирант) —ғанлар номзоди—қомусшунос—ғанлар доктори — профессор — фан арбоби. Масканим: оила — мактаб — икки дорилфунун — икки ақадемия. Улуг одамлар, машхұр олимлар, давлат ва жамоат арбобларининг хизматида юрдым, уларнинг мұлозими сиғатида жавлон урдым. Менинг баҳту омадым шулки, майдың қызында юмушлар билан алаңсыз, умргузаронлық қылмадым. Аксинча, милят тақдирауда из қолдирадиган ишларни бажариш менга ҳам насиб этди. Катта олимларимизнинг дуосыни олдым, оғирини енгіл қылдым. 20 дан зиёд китоблар, дарсلىклар, рисолалар, 200 га яқын мақолалар мұаллифи бұлдым. Илмий раҳбарларға да мутасад-

дийлигимда 67 киши фанлар номзоди, жумладан 8 киши фанлар докторлиги илмий даражаларини хатт қилишди. Агар уларнинг барини бир жойга йигишининг иложи бўлса, бу бутун бошлиқ олий мактабнинг профессор - ўқитувчилар жамоасини ташкил этган бўларди.

Ҳозир ҳам мен Сизга, ёш толиб дўстларим, алҳамдулилоҳ, замондош, сафдош, нафасдош ва елкадошман. Баъзи бирорлар каминага «насиҳат» қилган бўлади:

—Домла, Сиз шунча меҳнат қилдингиз. Қандингизни уринг. Фанда мактаб яратдингиз. Елдингиз югурдингиз. Хўп тер тўқдингиз. Ҳеч кимдан қарзингиз йўқ. Сизга ҳам ҳаёт икки марта берилмайди. Энди буёғига ўзингизни парваришлаб, даволаниб, кириб-чиқиб, маошни олиб, бизнинг дуойи-жонимизни қилииб юринг. Ўзингиз учун ҳам яшанг-да бироз бўлсаям, тақсир.

Нима десам экан... Бир ҳисобда — хуб гап! Қанийди. Гоҳида илмий жамоаларни, профессор-ўқитувчилар сафларини ёшартириш ҳақида гапирадилар. Бу ҳам чирсиллаб турган муаммо. Ҳар бир олим ўз ҳурматини билсин... Мен ҳам худди шундай фикрдаман. Таассуфлар бўлсинки, бозор иқтисодиётiga ўта бошлишимиз билан жуда кўп ёш истеъоддлар, қилни қирқ ёрадиган мутахассислар, навжувон олимлар, муҳандислар, тил билгичлар олий мактаб даргоҳидан жуфтакни ростладилар. «Ёглиқ» жойларга ўтиб кетишиди. Иккинчи томондан... Рост-да, илм-фан маскани, олий мактаб худойихона ёинки ижтимоий таъминотхона эмас. Менга қолса, илму ирфон, таҳсил соҳасида одамларни шафқатсизларча нафақа-хўрликка чиқазиб юборган бўлардим. Кимларни дейсизми? 60-70 ёшга кириб, фидойиларча тўла қувват билан ишлаётган, олий мактаб даргоҳини ўз елкасида кўтариб турган даргаларни эмас, балки бурнидан нарини кўрмайдиган ўз шахсий манфаатидан бошقا манфаатни тушунмайдиган, ўн йиллар давомида ўз билимини, малакасини ошириш устида ишламай қўйган, фан, техника, маданий қурилиш тараққиётига ҳеч нарса бермаётган, сабаби тирикчилик йўлида юрган... айрим ёшларни бетўхтов нафақага кузатиб қўйган бўлардим! Ҳа, танбал, даққи ёшларни!! Бугун кечаги кун билан, ҳатто бугунги кун билан ҳам яшаб бўлмайди. Ёшларимиз ўзларини келажак истиқболига

чоглашлари, туяга миниб, узоқни кўзлай билишлари даркор. Келажак Сиз ёшларники, бўталарим. Келажакнинг юки эса ҳар қачонгидан ҳам оғир ва салдами. Шунинг учун ўткир зеҳн, бақувват ягрин, толмас билак керак. Сиз бугундан бошлаб (агар кечадан бошлаб бўлмаса ҳам) катта ҳаёт истиқболига чиқиши жиддий бир тарзда йўлашингиз зарур. Мен келажакнинг Файзулла Хўжалари, Акмал Икромлари, Маҳмудхўжа Беҳбудийлари, Мунаввар Қорилари, Абдулла Авлонийлари, Шароф Рашидлари, Ҳабиб Абдуллолари, Обид Содиқлари, Музаффар Ҳомумудхонлари, Саъдиҳон Сироҷиддинлари, Қодир Зокирлари, Иброҳим Мўминлари, Тошмуҳаммад Саримсоқовлари, Абдулло Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпонларини кўраман Сиз ёшларнинг сиймонгизда. Аммо бунга лоқайдлик, хомаки омад, таваккал билан эришиб бўлмайди. Ҳозирдан бошлаб, пешонани маҳкам тангигиб, ўқишига киришиш лозим. Агар талаба ўз устида қунт билан ишламас экан, умр бўйи фақат маъруза тинглаб, ўнта академикнинг етовида юрганда ҳам, бирон натижага эриша олмайди. Филдай бақувват отадан ҳам наф йўқ. Зоро, Қуёш нурлари бизга самодан ризқ-рўз, самарадор ҳосил юбормайди, балки Ернинг ўзида мавжуд ҳаётни уйготади, қитиқлаб ҳаракатта келтиради. Ана шунда жараён бошланади. Бир эмас, қирқта Қуёш нурини яйдоқ тош сатҳига йўналтирганингиз тақдирда ҳам, унда кўкат кўкармайди, гул унмайди.

Ўз беҳаловат умрим давомида мен бир ҳолатни кузатдим. Кекса авлод кишилари ёшларга домангирлик қилишади. Биз ёшлик чогларимизда ундоқ бўлганмиз, бундоқ қилганмиз, маъносида. Бу бир ўзига хос қонуниятта ўхшайди. Менимча, табиий ҳол. Зоро, ҳар бир даврнинг ўз қиёфаси, маслаги, вазифаси, дарди, орзу-армонлари, муаммоси, чигалликлари ва зиддиятлари бўлади. Буни ҳаёт дейдилар. Ҳаёт эса бир жойда турмайди... Кечаги гап — бугунга, уйдаги гап — кўчага тўгри келмаслигининг боиси шундан. Ўша собиқ СССРда ҳам ҳар беш ийлилкнинг ўз вазифалари бўлган. Бирида — саноат, иккинчисида қишлоқ хўжалиги, учинчисида маданий қурилиш муаммолари илгари сурилган. Гарчи жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий негизи бир хилда носоғлом бўлса ҳам. Ҳозир эса, Ўзбекистон ўз мустақил тараққиёт мақомини қўлга кириттач, иқтисодий негиз

ҳам, ижтимоий-сиёсий устқуртма ҳам, миллый ва маданий тараққиёт истиқболи ҳам жиiddий бир тарзда тағ-туғи билан ўзгарди. Илм-фан, маданият, маърифат, мағфура, маънавият бошқа негизларга кўчди. Улар ўртасида тафовут шу қадар каттаки, олдинги ижтимоий-сиёсий тафаккур тарзи моҳият зътибори билан 180 даража ўзгармоқда. Чунончи, мулк, мулкдорлик, сармоя, пул, мол, миллат, тил, меҳнат, ҳақ тўлаш, фойда, тарбия-таълим, мактаб-маориф, динга қараш тамомила ўзгача қадрият касб этди. Бас, ана шу иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва мағкуравий иқдимга мослашмай туриб, бир қадам ҳам илгари силжиш мумкин эмас. Айтайлик, бугунги қудратли локомотив ўрнига кечаги бурқсиб-тутаб ишлайдиган паровозни қўшиб бўлмаганидай. От-увов ёки эшак арава ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Мен олтмиш йил давомида қизил мустабидлик, буйруқбозлиқ, миллый инқироз даврини бошидан ўтказган кишиман. Аммо сочимдан тирногимгача «совет кишиси» бўлганим рост. Ким бўлмаган?... Балиқнинг ҳаёти сув билан. Сувдан ташқарида балиқ йўқ. Совет кишисига хос барча сифатлар менда ҳам муҳайё эди. Бизнинг назаримизда, совет кишиси гүё қандайдир мумтоз ва нодир инсон, алоҳида фазилат ва инсоний имтиёзларга эга бўлган хилқат эди. Халқа шундай гояни тинмай сингдиришарди. Лекин, туюни яширсанг, ўркачи кўриниади, деган гап бор. Эсхуши жойида бўлган соглом одам англамасдан иложи йўқ эдики, собиқ мамлакат ва дунё миқёсида олиб борилган коммунистик сиёсат мавжуд воқеликни ва келажак истиқболини дуруст акс эттирмасди.

...1951 йилда Самарқанд давлат университетида тинглаганим биринчи сабоқ сўзма-сўз ёдимда турибди. Тилшуносликка кириш фанидан раҳматлик профессор Ҳамдам Бердиёр дарсга кирганди. Бу дилкаш ва қувноқ зот жуда мароқли маъруза қилган. Унда ёрқин артистик қобилияти ҳам бўлса керак эди. Домлани жон қулогимиз билан тинглаганимиз. Ўшанда у сталинча тилшунослик қарашларидан баҳс очар экан, академик Н.Я.Марр ва унинг тўрт унсур (сал, бер, йон, рош) ҳақидағи назарий қарашларини танқид қилганди. Биз унинг нутқига лол анграйиб қолганимиз.

У ҳаммамизнинг қулфи-дилимизни очиб юборган, онг-шууримизни забт этган эди. Не ажабким, домласи тушмагур биз ёшларни гайриинсоний қарашларга...

ишонтирганди. Эмишки, келажақда миллатлар таг-томири билан қурийди. Миллий тиллар тамомила бар-ҳам топади. Миллий маданиятлар үлади. Ўрнига аввал «зонал» (туркум) тиллар пайдо бўлади. Бориб-бориб улар ҳам йўқолиб кетадио, ягона умуминсоний тил юзага келади. Миллий маданиятлар ўрнига муштарак умуминсоний маданият қарор топади. Ва ҳоказо. Мен бегубор бу гапларни тинглар эканман, аъзойи баданимни барқ (электр) ургандай бўлган эди. Галат. Бундан чиқадики, мен ўз миллий моҳиятим, миллий қадриятларим, миллий ӯзлигим, миллий тилимни йўқотишга даъват этилган эканман-да. Бундай тақдирда «Мен»дан асар ҳам қолмаскан-да.

Дорилфунун таҳсилини ўтаганимдан кейинги қирқ йиллик фаолиятим давомида менда даврнинг шунга ухшаш пучак расмий иddaolariга шубҳа, ишончсизлик муттасил чуқурлашиб борди. Бугун мен ўзимни жабрдийда, тургунлик даврининг қурбони қилиб кўрсатишга ва қандайдир миллий қаҳрамонликка даъвогар эмасман. Шу билан бирга, жуда кўп ишларга сарфланган вақтимга ачиниб, эсиз умр, эсиз рагбат, дейман. Умрим славянча-русиёна шовинизм ақидаларига, маҳаллийчилик майларига, фармонбардорлик сиёсатига нисбатан норозилик билан ўтди. Ана шу эсанкирашлиқ ва алгов-далговлар орасида бутун умримга татигулик анча тадқиқотларни яратишга улгурдим. Ҳаёлот оламидан бир гапни айтайн. Биздаги ҳозирги Истиқлолият қиргингарот урущдан кейинги ўша 50-йилларда амалга ошганидами, эндиликда, ҳозир бутунлай бошқача манзарага эришган бўлардик. Гарчи нокамтарлик бўлса ҳам айтаман. Мен фан, маданият, илмий қурилиш, миллий камолот соҳасида ўн йилдан то буёғи эллик йилгача кейин амалга ошадиган ёхуд мана энди рўёбга чиқаришга киришилаётган гояларни илгари сурғанларданман. Башарти, агар бизда чин демократия, чин тенглик, чин инсонпарварлик тузуми мавжуд бўлганида, ҳозирги қийинчиликлар, муаммоларнинг кўпи бўлmas эди. Ўзбекистон аллақачонлар дунёning олдинги сафларида бораёттан бақувват давлатлар қаторидан ўрин олган бўларди. Бунга шубҳа йўқ. Шунинг учун ҳам ўтмишда кечган дудмалу гунгалик ҳолатимиз кўз ўнгимизда ястанар экан, Н.В.Гогол куйиб-ঁниб айтган ўшал мақол ёдимга келади: Башаранг қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкалама («Ревизор»). Аммо менинг собиқ Шуролар даврида кечган ҳаётим

шуни тақозо этардикى, мазкур мақолга раддия беришга журъат этаман: Ойна қийшиқ бұлса, башаранғдан үпкалама. Ҳа, башарам-ку туппа-тузук, аммо ойнанинг үзи қийшиқ әди!

Икки-уч йил муқаддам камина собиқ Рус тили ва адабиети институтида давлат имтиҳон комиссиясининг раиси сифатида Ўзбекистон тарихи имтиҳонида қатнашган әдим. Битибувчилар халқымиз тарихи ҳақида эски, курақда турмайдиган гапларни айтib ётишибди. Чунончи, шавкатли соҳибқирон Амир Темур ҳақида «босқинчи», «қонхўр», «золим» сингари таъбирларни қўллашарди. Мен домладан нега бундай деб сўраганимда, у рус тилида чоп этилган кўхна дарслувлар асосида таҳсил олиб борганига иқрор бўлди. Бу гаплар эски иғво, ўтун бир халқ тарихига нописандлик ва тұхмат эканини айтдим. Ҳозир ўзбек тилида Амир Темур Курагон шахси ва фаолиятига доир кўплаб бирламчи тарихий, илмий манбалар эълон қилинганини эслаттанимда, домла без бўлиб, «мен ўзбек тилини билмайман», деди. А? Билмайман? Билмасанг — бил.

Яна шундай ҳоллар ҳам учраб турадики, талабалар орасида халқымиз томонидан бутун яқдиллик билан рад этилаётган қизил империячиллик васвасаларини, «анов ёқдан» зўр бериб тарқатилаётган янги мустамлакачилик хархашаларини, рўйрост тұхмат ва бўғтондан иборат алаҳсирашларни айрим талабалар такрорлашга ва қўллаб-қувватлашга уринади. Энди буни қандай тушуниш керак? Аслида, жамиятнинг айнан ёш қатлами адолат, ҳақиқат ва холис янгича қараашларга мойил бўлиши керак эмасми? Гап шундаки, менимча, бундай ёшлар бузуқ, биқиқ ижтимоий муҳит, эҳтимол, ўз аламзада ота-оналари таъсирида қолиб кеттан бўлса керак. Республика Мустақиллигининг ҳалол нонини еб, кўрнамаклик қилиш ҳолларига чидағ бўлмайди. Ҳўш, демократия, ҳурфикарлик (плюрализм)-чи? — деб сўрарсиз мендан. Ҳаммаси ўз йулига. Қаерда ёзилганки, демократия халқ иродасига зид келсин деб. Ким айтганки, фикр эркинлиги деб ҳар ким оғзига келган гапни айтаверсин деб. Турган гап, мен «бошқача фикрлайдиган» ҳар бир шахсни таъқиб қилиш, ундан «синфий душман» кашф этиш тарафдори эмасман. Бундай ҳолда биз ўзимиз яна ўша машъум синфий зўравонлик (диктатура) ботқогига ботамиз. Бу сингари даъволар тош босмас-

лиги, пуч эканини кўпчилик билади ва уларнинг ўзи қоралайди. Савол бериш — студентнинг ҳуқуқи. Ҳар қандай қингир саволга ҳам тўгри жавоб қайтариш маъruzачининг бурчи. Ҳеч қачон аҳолининг барча қатламлари, ҳамма одамлар бирдай сидирга, яграв фикрламаган ва фикрламайди ҳам. Жамиятнинг ўқ илдизи, асосий қатлами соглом бўлса, қолгани хавфли эмас.

Соч-соқоли кумушдек оқ, қад-қомати хиёл буқчайган, ерга қараб бир-бир қадам босиб бораётган чолдан хиёбонда сайд қилиб юрган хандон-хушон йигит-қизлар «Нимани қидирайapsиз, отахон?» деб сўраганларида, нуроний «Ёшлигимни, болаларим, ёшлигимни» деб жавоб қайтарган экан.

Илми, меҳнати орқали катта обрў-эътиборга эришган, ўнлаб китоблар биттан, юзлаб шогирдлар етиштирган олим, мураббий ўз талабаларига ҳазил-мутойиба аралаш: «Каминага ихлосу ҳавасингиз бу қадар баланд экан, у ҳолда алмасиш таклиф қилмоқчиман. Майли, Сиз илму аъмолларим, унвону нишонларим, китобу шогирдларим барини олингу, эвазига фақат «кичик» бир нарсани — ёшлигинизни бера қолинг», дей ҳазиллашишини хуш кўраркан.

Сиз билган, эҳтимол, ҳали билмаган кўпгина машҳур олимлар, адиллар, санъаткорлар куч-ғайратта тўлиб-тошган ёшлик йилларидан айниқса самарали фойдаланган, донг таратган асарларини жўшқин ёшлик дамларида яратган, вақтнинг қадр-қимматига етган, ҳавас қилса, ҳайратта тушса арзигулик кўп ва хўб ишлар қилишга улгурган, айни чогда беҳуда ўтган кунлари, бесамар онларини афсусланиб эслашган. Донишмандлар одамзод ҳаёти вақтга қараб узайиши, вақтнинг улуг мураббий, қимматбаҳо мулк, баҳтга пиллапоялиги, энг оғир йўқотиш вақтни йўқотиш эканлиги ҳақида қайта-қайта огоҳ этган.

Мустақиллигимиз қанчалик ноёб неъмат эканлигини, эзгу орзу-умидлар, силлани қури туви узоқ кутишлар, курашлар, ҳар қандай камситиш, нафсониятга тегиш, таҳқиқ ва ҳақоратлар, мислсиз қурбонлар, армонлар эвазига келган буюк неъмат эканлигини асло ёдингиздан чиқарманг, чироқларим. Сиз Истиқолони қўлга кириштан истиқболли юртнинг эгаларисиз. Ўзингизни Мустақиллик аталмиш салобатли азим бинонинг тарҳини чизувчи меъморлардан, унинг пойдеворига гишт қўювчи моҳир усталаридан-

ман, деб билинг. Бунинг шарафини, масъулиятини теран ҳис қилинг. Бу эзма панд-насиҳат эмас, ўрганиб қолганимиз «қизил» таргибот-ташвиқот ҳам эмас. Ота-боболарингиз-ку бамисоли саҳродаги саробга — «коммунизмнинг муҳташам биносини қуришга» ишониб яшаши. Кўпчилиги на чор ҳукумати, на Шўролар даврида рўшнолик кўришди.

Эл-юртни севмоқ, фидойи бўлмоқ муazzам давримиз шаънига ҳар қадамда ҳайқириб ҳамду сано айтмоқ, баландпарвоз шиорлар ташламоқ эмас. Ватанини, миллатини чинакам севиши, бизнингча, ҳар бир кишидан ўз ишига, машгулотига сидқидилдан муносабатда бўлиш, вижданан меҳнат қилиш, бурчга садоқат демакдир. Кечаю-кундуз мол-ҳол кетидан юриб, чорва туёгини кўпайтираётган камсуқум кекса чўпон, шоир айтмоқчи, «кўз ёшлари билан чигит ундириб, киприклари билан териб олган» моҳир пахтакор, тог-тошда экин-тикин ундирувчи миришкор бoggон, алла айтиб фарзанд ўстирувчи мунис-мехрибон она, игна билан қудуқ қазгандай, қадими қўлэзмалар устида йиллаб заҳмат чекувчи олим, Мустақил давлати сарҳадларини ҳушёр қўриқловчи аскар йигит минбару матбуотдан, эфиру экрандан туриб садоқат, фидойилик, миллатпарварлик ҳақида сайровчи, лоф-қоғ урувчи, чиройли лутфлар қилгувчи, лекин дўппи тор келиб қолганда буриб кетувчи айrim ваъзхонлардан, ишончни оқламаган раҳбарлардан кўра садоқатлироқдир. Кўплаб мадрасаю кутубхоналар, шифохонаю ҳамомлар қурдирган, илм-ирфон ва санъат аҳлига, гарibu ночорларга муқаввийлик қилган саховатпеша улуг Алишер Навоий бобомиз ашула қилиб айтиладиган машҳур газалида «толиби содиқ топилмас...» дея зорланган эди; соҳта ватанпарварлар ҳақида таниқли шоиримиз Эркин Воҳид Тошкент зилзиласига багишлаб «Палаткада ёзилган достон»ида, жумладан, шундай деган эди: «Фидо бўлсин дерди жоним халқимга. Бу кун келиб қолдику жони ҳалқумга. Қалбим пайванд дерди ўстган еримга. Кеча тонгги рейс билан учди Қrimга»...

Талаба, энг аввало, толиби илм демакдир. Бас, талабанинг эл-юртта садоқати, фидойилиги, ватанпарварлиги илм исташида, илм излашида, илм топишида, билим чўққиларини эгаллашида намоён бўлади. Бугунги ишни эртага қўйма деган мақол толиби илмларга нисбатан ишлатиладиган бўлса: Бугунги ўқиши

эртага қўйма. «Шу топшириқни эртага бажарсам-чи», «Ўқиб келинглар дейилган китобни кейинроқ ўқисам-чи», «Хонамни бошқа кун йигиштиарман, осмон узилиб ерга тушмас», «Чет тилини кейинроқ ўргана-ман, худонинг куни кўп-ку»... Булар — ялқов одамнинг фалсафаси, ўзини-ўзи алдаши.

«Эртага»—«буғун»нинг зўр душманидир; «эртага» бизни бор-будимииздан айиради, фаолсизликда ушлаб, охир-оқибат нотавон қиласди», — деган экан бир донишманд. Умр — етмиш йилдир, саксон йилдир, тўқсон йилдир, кўлдир, оздир — оқар дарё экан... Шарқ донишманлари ўртача умрни тўқсон йил деб олиб, шундан ўттиз йилини — ўқиб-ўрганишга, ўттиз йилини саёҳат қилиш, дунёни кўриш, қолган ўттиз йилини илмга, ижод қилишга сарфлашни маслаҳат беришган.

Ўқув юртингиздаги фаолиятингизда уч жиҳат муҳим:

1. Ўқув жараёни.
2. Ётоқхонада яшаш (узоқдан келган талабалар учун).
3. Жамоат ишлари.

Булар ўзаро чамбарчас боғлиқ, туташ илдизлар бўлиб, бири-бирини тўлдиради, бойитади, тақозо этади. Аслида, учови ҳам таълим-тарбия аталувчи яхлит, мурракаб жараённинг уч таркибий қисми. Шу уч жиҳатга бирдек эътибор берган талабадан келгусида етук мутахассис, яхши инсон, фаол жамоатчи чиқишини узоқ йиллик тажрибалар кўрсатиб турибди. Фақат ўқиши билан бўлиб, жамоат ишларидан четлашиб юрган талаба кейинчалик ўзини ўйладиган худбин мутахассис бўлса ажаб эмас. Ётоқхонасини ораста тутмаган қиздан билимдон киши чиқиши мумкиндиру, уй-рўзгорни яхши эплайдиган, саранжом-сариштали келин бўлишига кафолат бериш қийин. Ўта фаол, «ашаддий» жамоатчи бўлиб, асосий вақтини бадиий ҳаваскорликка, спорт ўйинларига, дастёрикка, катта-кичик бошлиқлар, домлаларнинг хизмати, топширигини бажаришга сарфлайдиган, товонидан ўт чақнаган бўзбола йигит, билингки, ишбилармон, тадбиркор, раҳбар бўладиган чўти бор. Вақти келиб у амалдор бўлиб етишар ҳам, лекин билими бўшлиги ҳар қадамда панд беради.

Қисқаси, ўқища, ишда, спортда қайси соҳага

қизиқишиңгиз күчлироқ бұлса, устозларингиз астайдил маслаңат берса, юрагингиз чопса, шунга зүр беринг. Бошқа соҳаларни ҳам ташлаб қўймаган ҳолда, албатта.

Ёш, навниҳол дўстларим, ўғил-қизларим! Мана, Сизлар талаба деган ҳавас қилгулик рутбага эришдингиз. Бирингиз Фаргонанинг Бешаригидан, бирингиз Самарқанднинг Пайаригидан, кимлардир Сурхоннинг Қумқўргонидан, Наманганинг Янгиқўргонидан, Хоразмнинг Шовотидан, Қирғизистоннинг Жалолободидан, хуллас, ҳар қайсингиз ҳар жойдан ўқишига келгансиз. Ҳар бирингиз ота-онангизнинг азиз фарзанди, кўз қораочугисиз. Мустақил ҳаётта илк қадамларни қўйдингиз... Ётоқхонадан жой олдингиз. Ўқишлиарни бошлаб юбордингиз. Кўнглингиз хотиржам.

Ўша-ўша гап: ўқишига қаттиқ берилинг, дарс қилишдан эринманг, хорижий тил(лар)ни ўрганишни қатъий одат қилинг. Иzlанинг. Бадий ва илмий китобларни, газета-журналларни кўп мутолаа этинг. Шеърлар, монологлар ёланг. Кўнгилтортар курсдошлирингиз, жўраларингиз, дугоналарингиз билан кино, театрларга боринг, радио эшитинг, телевизор кўринг. Баҳс-мунозараларда қатнашинг. Ўйин-кулги, қўшиқашула... Ота-онангиз, яқин одамларингизга хатлар ёзинг — нафасингизни юборинг, хатлар олинг — нафасларига тўйинг... Мактубнома алоҳида мавзу, маҳсус гаплашамиз...

## 2 - фасл

### ҚИЁМАТ ҚАРЗ

Талаба таҳсилнинг биринчи босқичига... профессор бўлиб келадио, бешинчи босқичга борганда талабалик шоҳсупасига кўтарилади, деган гапда жон бор. У зангори хаёлот осмонидан сидирга заминий қўналғага тушади. Айниқса, дастлабки икки босқич унинг учун қийин кечади. Шу «чиллалик» маррасидан эсон-омон ўтса, кейинчалик ўзини тутиб олади. Кўпчилик кишилар талабалик йилларини «олтин даврим» деб эслаб юради. Ҳақиқатан ҳам, инсоннинг 17—25 ёшлик палласи умрининг гултожи ҳисобланади. Энг соглом, унумли, самарадор, бир олам орзу-

умидларга, некбин фантазияга гарқ давр бу. Умрнинг такрорланмас, чарогон диёри. Бу фаслда фикр фаровон, кўз ўткир, хотира тиниқ бўлади. Умрнинг мана шу бўлиқ, сўлим даврини кимки енгил-елпи, ҳою-ҳаваслар билан ўтказиб юборса, ўз бошига қўниб турган баҳт қушини ушлаб қололмайди. Омадни қўлдан бой беради. Бу бўшлиқни кейинчалик ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайди. Эй фарзанд, Ватанга, эл-юртга, жамиятга астойдил хизмат қилишни, баҳтли бўлишни кўнгилга жо қилган бўлсангиз, мана бу ўтиларга амал қилинг. Таъбир жоиз бўлса, шоша туриб шошманг, шошмай туриб шошинг.

Шошинг ва шошманг. Шошинг — умр ўтиб бораётиди... Кун сайин, дақиқа сайин. Чак-чак-чак... Бугунги ишни эртага қўйманг, зеро, эртанинг ўз юмуши, вазифаси, кутилган ва кутилмаган ташвиш-тараддулари бор. Қолган ишга қор ёгар. Ўзбекнинг битта ёмон сўзи бор «э...э» деган! Мана шу биргина «Э!» билан оламшумул ишлар ортга чекилиб, баъзан ҳатто йўқ бўлиб кетади. Ноёб тафаккур чечаклари сўнади. Иштиёқ барҳам топади. Гоя ўлади. Бу ишёқмаслик, танбаллик, дангасалик, ҳафсаласизлик аломати. Дангасаликнинг бошланиши баҳтсизликнинг дебочасидир.

...Катта бобомиз Рўзимуродбойнинг бир хизматкори бор экан. Бир куни унга иш буюрибдилар.

— Ўглим Қувондиқ, отни далага обориб бир сугориб келинг.

— Борардиму, лабимга учук чиққан-да, тақсир.

— Лаб? Учуқ?! Лабингизга чиққан учукнинг отни сугоришга қандай дахли бор?

— Билмайсизми ҳали, отахон, отни сугораётганда ҳуштак чалиб туриш керак. Лабимдаги учук ҳуштак чалгани қўймайди. Ҳуштак чалиб турмасанг, от сув ичмайди.

Бобомиз шу заҳоти ошпазни ўз ҳузурларига чорлабдилар ва дебдилар:

— Мулла Мамарайим, бугундан бошлаб сайис Қувондиқча хўрак беришни тўхтатинг. Лабига учук, тилига тирсак чиқибди унинг. Овқатни чайнашига халақит беради.

Дангасага иш буюрсанг, сенга ота-онангдан қўп насиҳат қилади, деб бекор айтмайдилар. Боқибегамлик билан дунёни ўзгартириб бўлмайди.

Ундей бўлса, шошмасликни қандай тушуниш керак? Пухта ўйламасдан, шошма-шошарлик билан

қурилган бинога дарз кетади, тез емирилади. Шошган ўрдак ҳам боши билан шүнгийди, ҳам думи билан, дейишади. Яна: шошган қиз эрга ёлчимас; шошганда «лаббай» топилмас; етти ўлчаб бир кес; аввал уйла, кейин сўйла...

Вақтни тежанг. Қандай қилиб дейсизми? Вақт бу ўтаёттан умр деган сўз. Илло, Сиз вақтни тежамасангиз, вақт Сизни «тежаб» юборади... Умр инсонга бир марта берилади. Зинҳор, бепарво бўлманг. Умр ёнигиздан қиялаб ўтиб кетмасин... Оқилона, қатъий режа асосида меҳнат қилинг. Ўзингизни бўлмагур, майда-чўйда юмушлар билан банд қилиб, ивирсиб юриб, фойдали меҳнат қиляпман, деб ўйламанг. Бу ўз-ўзингизни алдашдан бошқа нарса эмас.

Танангизга ўлаб кўринг. Давлат собиқ тузумнинг бош иллатларидан бири — боқимондалик кайфиятига узил-кесил барҳам беришга киришди. Чунки боқимондалик ҳар қандай ижодий ташабbusни бўғади, тургунлик ва инқирознинг бош сабабчиси шу боқимондалик. Бундай кайфиятдан қутулмай туриб, бирон самарали натижага эришиб бўлмайди. Бу меҳнатга ҳақ тўлашда текисчиликни келтириб чиқазади. Ишласанг ҳам, баъзан ишламасанг ҳам, яхши ишласанг ҳам, ёмон ишласанг ҳам ўша-ӯша маошни олаверасан. Аксарият, ҳатто шундай бўлиб чиқадики, жон койитиб хизмат қилган, ижодий изланган, янгилик яратган меҳнаткаш дашном эшитадио, таралла-бедод қилиб юрган одам рагбатлантирилади. Боқимондалик билан боқибекамликнинг ўқ пояси бир. Боқимондалик боқибекамликни келтириб чиқазади. Боқибекамлик эса боқимондалик тегирмонига сув қўйиб туради...

Дунёда энг душвор иш нима деб сўрасалар, инсоннинг руҳий оламини ўзгартириш, деб жавоб берган бўлардим. Тарки одат — амри маҳол. Аммо қанчалик малол келмасин, кишиларнинг руҳий ҳолатини, руҳий оламини ўзгартирмай туриб, жамиятни согломлаштириш мумкин эмас. Зоро, қанчалик оғир бўлсада, ҳар ким ўз юкини ўзи тортиши керак. Биз қураётган янги жамият тизимининг асосий кўрсаткичлари: билим ва ҳунар эгаллаш, тадбиркорлик, гайрат-шижоат, изланиш, бунёдкорлик, рагбат, илгор технологияни яратиш, фаол меҳнат қилиш ва ҳалол йўл билан тўқ-бадавлат ҳаёт тарзига эришиш, каттагарга — ҳурмат, кичикларга — шафқат...

Вақт Сизнинг тақдирингизда, азизим талаба (студент), бетакрор ва беназир аҳамият касб этади. Саждағоҳингиз — минбар, қуролингиз — китоб, манзилгоҳингиз — кутубхона, касбингиз — мутолаа бўлмоги даркор. Таҳлил, мушоҳада, баҳс... Сизнинг асосий машгулотингиз шу. Вақт — ақча, дейди руслар. Ўзбекда ҳам ўша-ӯша гап: вақтинг кетди — нақдинг кетди. Ҳавойи, нася ваъдаларга, пуч хаёлларга алданниб, қўлдаги нақдинадан ажралиб қолиш ақддан эмас. Ўзингизнинг алданиб қолишингизга йўл қўйманг.

Ҳар қандай улугвор иш ҳам гоянинг туғилишидан бошланади. Ҳаётингизни ва иш фаолиятингизни шундай ташкил этингки, меҳнат ҳеч қачон оғир юк, даҳмаза бўлиб қолмасин. Ҳалол меҳнат дардли-изтиробли ўлароқ, инсонни пачақ қилиб қўймайди, юксалтиради, камолга етаклади. Бахт қалити — меҳнат. Меҳнатсиз роҳат йўқ. Интилганга толеъ ёр, дейдилар. Излансангиз — топасиз. Мақсадга эришиш учун тинимсиз изланиш керак. Яралган ҳар бир керакли ашё муайян қиммат касб этади. Аммо ҳар қандай қимматбаҳо ашёдан ҳам кўра ўша ашёни яратиш гояси бекиёс қимматлироқдир. Зоро, ашё йўқ бўлиб кетиши мумкин, аммо гоя ўлмайди. Собиқ Шўролар тузумининг фожеаси шунда эдикӣ, гоя қадрсизланди, касод бўлди. Шундай мантиқсиз, кулагили ҳолатлар жуда кўплаб содир бўлдики, ўзимида туғилган оламшумул гоялар қадр топмагани ёки қабул қилинмагани ҳолда, ўша гоялар асосида чет элларда ишлаб чиқилган, ишлаб чиқаришга жорий этилган гоялар негизида яратилган асбоб, механизмлар олтин баҳосида, катта маблаглар ҳисобига сотиб олинар эди. Бу ўз гоямизни ўзимиз бир неча юз, минг баробар қиммат баҳога қайта сотиб олиш деган сўз. Шундай ачинарли ҳолатлар содир бўлмаслиги учун гояни асослаш, яратишнинг ўзигина кифоя эмас, уни ҳаётта тадбиқ этиш учун изчиллик ва қатъият билан курашиб лозим. Гоянинг туғилишидан кўра уни амалга ошириш маşaққати бир неча баробар ортиқдир. Бир яхши, самарадор гоянинг этагидан ушладингизми, уни то амалга оширгагунча, ўзингизники қилиб олмагунча ва роҳатини кўрмагунча қўйиб юборманг. Унуманг: гояни «ўзиники» қилиб, ўғирлаб олгувчилар ҳам бўлади. Гоя ўғрилари. Ҳаётда бундайлар кўп. Шунинг учун дилингизда туғилган ҳар бир янги, ёрут нарса тўгрисида ҳамма жойда бидирлаб гапириб юр-

манг. Токи ўша гоя дилингизда тутилиб, томир отиб, туп ёзиб, етилиб, Сизни тұла әгалламагунча эңг яқин одамларингизга ҳам чүрк этманг. Сир тутинг, азизим. Зеро дилингизда гоя пайдо бұлган экан, у Сизники, аммо тилингизга күчган ондан бошлаб у — гүе ҳаммануки. Кимники бұлса бордир, Сизники бұлмай қолади. Ҳа, илмда шу сингари худбинлик бұлмай иложи йүқ. Албатта, гояни Сизда тутилиб, Сизда йүқ бұлиб кеттүнчә яшириб юриш керак эмас. Уни ўзлаштигринг. Гояни ўзлаштиришнинг йұли уни илмий асослаш, таъриф-тавсифлаш, ёзма тарзда (мақола, чизма ёки расмий хабар ҳолида) илмий нашрларда шоён қылмоқ лозим.

Олдига келғанни емак — ҳайвоннинг иши, оғзига келғанни демак — нодоннинг иши. Бу мақолда Сиз учун зарур бұлган жуда тансиқ фикр бор. Бириңчиси — овқатланиш. Унутманг — «вақт» билан «овқат» сұзларининг ўзаги бир. Аввало, овқатланмай туриб бирон ишга тутинманг. Иш ҳар қанча зиқ бұлмасин, аввал ҳеч бұлмаса енгил тамадди қилиб олинг. Сурункали овқатланмай юриш оқибатида киши сурункали дардға мубтало бұлади. Жуда күп одамлар бедаво дардларни айнан талабалик (студентлик) давридан орттириб олишади. Бундан ёмони йүқ. Үмр бүйи даволаниб юришга тұгри келади. Аммо қорин тұйдидириш — бу қорин тұлдидириш эмас. Үз вақтида, тұрт маңал овқатланиш үнит бұлмасин. Бир хил одамлар очкүз, галамис бұлади. Түйганини билмайди. Буниси ҳам чатоқ. Нафсни тия билмоқ керак. Арабларда шундай гүзәл мақол бор: икки жаг ва икки бут орасига әхтиёт бұлган одам балодан холи. Буни шарқлаб үтиришга әхтиёж бұлмаса керак. Шундай эмасми?

Үз-ўзингизга жабр қилманг. Күп ўспириллар, айниқса, қызылар, кийинишга, оро-торога, зеб-зийнатта зүр беради. Овқат емаса емайди, устини ҳар хил жиблажибон либослар билан безайди. Тушунмайдыки, у африкавий рангдор тұтиқуш эмас. Санъат осориатикалари музейига обориб құйиладиган ашө (экспонат) ҳам эмас. Бозор иқтисоди шароитида үзингизни бозорга солманг. Айниқса, «ким ошди» савдосига. Мен кимнинг қандай кийинишига қараб, унинг кимлиги, баҳоси қанча эканини бехато айтиб бера оламан. Зағырға (ташқи қиёфага, танға) ортиқ даражада зеб бериш ботиннинг (ички оламнинг) харобалигидан дарак беради.

Атрофингизга қаранг. Мана, ҳозиргина, шу топда юпунгина кийинган оқсоқол домланинг ёнидан гўдайиб ўтиб кетдингиз. Ҳатто Аллоҳнинг қўшгани — салом-аликни ҳам унутдингиз-а. Э, аттанг. Кўп хунук иш бўлди. Бемалол ишонаверинг: бугун ишингиз юришмайди. Чунки инсоннинг такаббурлиги Тангри таолога ёқмайди. Осмонга бўй чўзаверманг, рўйи заминда юринг. Туяқуш эмассиз, бўтам. Инсонсиз. Дилингизнинг бир чеккасига туғиб қўйинг: дунёда энг арzon ва энг қиммат нарса — бу лутф. Шу қадар арzonки — текин. Шу қадар қимматки — бебаҳо!

Махфий қолмагайким, ёш талабалар, айниқса, биринчи, иккинчи босқич талаба(студент)лари, тажрибасизлик оқибатида, битта-яримта юртбузуқининг тузогига илиниб, тилидан гуллаб қўйишмасин. Деворнинг ҳам қулоги бор, дейдилар. Сўз Сизнинг ичингизда экан, у Сизнинг қулингиз. Таşқарига чиққанида эса Сиз ўзингиз унинг қулига айланиб қолишингиз ҳеч гап эмас. Ҳаётда бундай ҳодисалар жуда бисёр. Айтилган сўз — кумуш, айтимагани — олтин. Бу билан мен толиби илмлар индамас, соқов бўлсин, демоқчи эмасман асло. Гап қаерда нима дейиш ҳақида бораётир. Баҳс маданиятини эгаллаш керак. Амалий машгулотлар, машваратлар (семинар), ётоқхона ва бошқа жамоат жойларида бўлиб турадиган мунозара-муноқашаларда танқидий фикр изҳор этганда қизишмаслик, одоб сақлашлик, ниҳоятда эҳтиёт бўлиш даркор. Майда, назарногир бир учқун катта аланга олиб кетиши мумкин. Носоглом эҳтиросларнинг қўзголиши, номатлуб майларнинг голиб келишига сабабчи бўлишдан тийилинг.

Амирликлардан бирида ақли ноқис, тўпори бир ҳоким яшаган экан. Оғзи сал бедарвоза, ўзи бефаросат, инжиқ. Унинг бу қусурларидан хабардор бўлган доно вазири қаттиқ тайинлаган экан:

— Онҳазрат валинеъматим, Сизнинг ўта сезгир, нозик бир жойингизга, айтайлик, оёгингизга, кўринмайдиган қилиб ип болграб қўямиз. Вақтеки, одамлар билан суҳбат чогида сал қолипга сигмайдиган гап айтиб қўйсангиз, ипнинг учини тортиб юбораман. Таққа тўхтайсиз. Буёгини ўзим «андавалаб» кетаман. Хотиржам бўлинг.

Кунлардан бир кун вилоятта хориждан элчилар ташриф буоришибди. Суҳбат чогида ҳоким сўрабди:

— Қалай, Сиз томонларда итлар күпми? Сог-саломат юришибдими итлар? Улар семиз бұлса керак?

Элчилар ҳангуманг бўлиб қолишибди. Ҳафа бўлиб, нима жавоб қилишларини ҳам билишмай, чайналишиб, кўзлари олазарак бўлибди...

— Ҳа, ҳим, йўғ-э, нима десак экан. Инчунин, бизда ҳам кучук зоти...

Ҳушёр мулоzим кўрибдики, иш пачава. Ипнинг учини тортиб юборган экан, нодон ҳоким бир иҳранибдию, жим бўлибди. Сўнг маҳрам гапни «андавалаб» қетибди.

— Валинеъматнинг гапларига ҳайрон бўлмангиз, жаноблар. Биласизки, ит ҳалқи кўп қаноатли, эгасига вафодор келади. Бас, қайсики мамлакатда одамлар инсоф-диёнатли ўлароқ, маъмурчилик ва фаровонлик бўлса, ўша кишварда жониворлар ҳам тўқ ва соглом бўлади. Одамлар гўштни кўп истеъмол қилиб, суякларни кучукларга ташлайдилар. Шундоқ бўлгач, бўлак махлуқотларнинг ҳолатига қараб, ўша жой фуқароларининг аҳволотини билиб олса бўлади...

Элчиларнинг чеҳралари гул-гул очилиб, ҳокимнинг бу қадар зийрак, доно синчи киши эканига қойил бўлишибди. Улар ўринларидан туриб, қўлларини кўксига қўйиб ҳокимга таъзим қилишибди. Шу пайт бу қадар таъсирчан гаплардан эриб кетган ҳоким ўридан иргиб турибдию, бор кучи билан вазирига шапалоқ тортиб юборибди ва дебди:

— Ҳе Ҷадарингга лаънат сен ахмоқнинг! Ўзим туппа-тузук гапирган эканман-ку, нега ипни тортасан? Оёгим юлиниб кетаёзди-ку!!

Сўз мулкининг сultonи ҳазрат Алишер Навоий буюрмишлар:

*Хуб эл била суҳбат тутубон хуб ўлгил,  
Яхшини талаб қилгили матлуб ўлгил.  
Ширин сўз ила ҳалққа марғуб ўлгил,  
Юмшоқ де ҳадисингнию, маҳбуб ўлгил.*

*Ҳар кимки чучук сўз элга изҳор айлар,  
Ҳар нечаки агёр дурур ёр айлар.  
Сўз қотиги эл кўнглини озор айлар,  
Юмшоги кўнгилларни гирифтор айлар.*

Сизнинг, ардоқли ва ҳушёр ёш шогирдим, маънаний, ахлоқий, илмий ҳаётингиз учун ҳамма вақт,

фақат ҳозир эмас, бутун талабалик йиллари, балким узоқ умрингиз давомида асқотадиган бир қанча кузатиш ҳамда насиҳатларимни айтиб қўймоқчиман.

Ҳайратомизким, илмда, таҳлилда, муҳокама, баҳс, мунозараларда ҳар бир ҳалқнинг миллий хусусияти ўз аксини топади. Чунончи, рус танқидий тафаккурига хос кўзга ярқ этиб ташланадиган аломат шулким, бу жангарий рух, муросасизлик, ҳариф (қарши, муқобил) тарафнинг иродасини букиш, далилларини даф этиш, нописандлик... Гарчи Шарқ адабий-танқидий тафаккурига хос белгилар — одоб, муросаи-мадора, пардалик, оҳисталик, мулоҳимлик, тагдорлик, мухолифни ҳам шахс сифатида ҳурмат қилиш, «ўз ҳадисини юмшоқ демоқлик», рақибини ҳам «чучук сўз ила ёр айлаш», иложи бор қадар «қаттиқ сўз айтмаслик»дан иборат бўлса-да, ҳалқимизнинг узоқ йиллар давомида асоратда қолиб кетганлиги тафаккуримизга, ўз ифодавий-услубий тарзимизга ҳам ёмон таъсир этди. Инсон табиатига хос ёмон хислатлардан бири — андишасизликдир. Андиша. Мумкин қадар бироннинг, хусусан баҳслашувчи томоннинг дилини оғритмаслик, билъакс, қўнглини овлаш одоб тақозосидир. Ҳариф билан баҳслашар экансиз, унинг далил ва даъволари Сизнингка буткул тўғри келмаган тақдирда ҳам, минбаъд қўрслик, қўполлик қила кўрманг. «Бекор айтибсан!», «уят», «ёлгон», «бўғтон», «нодонсан» деган ёмон сўзларни истифода этишдан ўзингизни сақланг. Мухолиф билан баҳс-мунозараға киришдингизми, вақти келганда ўз эҳтиросларингизга раддия бериш, ўз-ўзингизга «вето» қўйишни ҳам унутманг. Унутмангки, Сиз чапани-аския томошахонасида эмассиз, илмий баҳслашаётбисиз. Қаршингизда турган муқобил шерикни ҳақорат қилиш бу, бошқаларнинг наздида, ўз-ўзингизни ҳақорат қилишингиз билан баробар. Ҳар қандай рақибни ҳам ҳурмат қила билмоқ керак. Мухолифнинг ҳурматини жойига қўйиш бу ўз-ўзингизни ҳам ҳурмат қилишингиз деган гап. Ва аксинча. Зоро, мантиқан тўғри-да: ахир Сиз қарши томоннинг далил-даъволарига қўшилмаёттан бўлишингиз мумкин, бироқ унинг шахсига қарши эмассиз-ку. Шундайми? Бунинг устига, ёдингиздан чиқмасинким, ҳақиқат ким томонда экани ҳали жилла маълум эмас. Ким билсин, ҳаёт балким Сизнинг эмас, мухолифнинг даъволарини тасдиқлар. Яна: башарти баҳслашувчи киши ногаҳонда қизишиб кетиб, дилингизга ботмайдиган бирор қўпол гапни

айттаңда ҳам, оғир бўлинг, эшитмаганга солинг. Ўзингизни шундай тутингки, қўрслик қилгани учун мусоҳибнинг (суҳбатдошнинг) ўзи уялиб қолсин. Дилингиз оғриганида, нафсониятингизга қаттиқ тегилгани авзойингиздан сезилмасин. Бундай тақдирда қўрс суҳбатдош Сизнинг руҳий мувозанатингизни бузолмаганини кўриб, ўзи баттар асабийлаша бошлайди ва ўзўзини охиригача фош этади. Ҳақоратта ҳақорат билан жавоб қайтариш ҳар кимнинг қўлидан келади. Ҳақоратни «эшитмаслик», уни ютиб юбориш ёки рақибга «юмшоқ ҳадис» билан жавоб қилиш учун эса кишидан катта ақл талаб этилади. Ҳалқимиз дейди: сўзловчи нодон бўлса, тингловчи доно керак; ким мард, ўзини-ўзи енга олган мард! Бу илмларни, бундай ахлоқни биз соҳибқирон Амир Темур Кўрагондан, Заҳириддин Муҳаммад Бобурдан ўрганайлик.

Студент дорилфунун, академия ёки институт даргоҳига қадам қўяр экан, бутунлай бошқа бир маънавий-руҳий, маданий-илмий оламга тушиб қолгандай сезади ўзини. Биз ҳам университет (дорилфунун) толиби бўлиб кўрганмиз. Эллигинчи йилларнинг ёшлиари бир бошқача эди. Давр ўзгача, жамиятнинг қиёфаси яна бир бошқача эди. Бизнинг нигоҳимизда дунё тамом бўлакча рангларда жилоланаради. Мана, «кўз очиб-юмгунча» орадан қирқ йил вақт ўтибди. У биз кўрган дараҳтлар кесилиб кетди, у орзу-армонлар охир-оқибатда ушалмай қолди. Бунинг сабабларини очиб бериш учун бошқа бир китоб ёзиш керак. Биз ҳозир «тургунилик», «маънавий чириш», «шахсга сигиниш» деб ном олган собиқ социализм замонаси-нинг кишилари эдик. Ўша тузумнинг эгилигини ҳам кўрдик, машъум фожеаларини ҳам бошимиздан кечирдик. Инсон таназзули, худосиз, фариштасиз, иймонсиз ақидаларнинг, соҳтакор, пуч ваъдаларнинг, қизил шовинизм билан сугорилган «эркинлик»нинг барча кирдикорларини юрагимиздан, шоҳ ва қил қон томирларимиздан, тана ҳужайраларимиздан сизиб ўтказдик. Инсон миясини, унинг онг-шуурини, мафкурасини тамомийла қайта ишлаб чиқишининг, унга манқуртчилик гояларини сингдиришнинг манфур йўл-йўриқ ва назарияларини, ниҳоятда пухта тайёрланган тадбиру тадорикларини чуқур ўрганмоқ даркор. Нима учун? Минбаъд яна шундай таназзул ва фожеаларга гирифтор булмаслик, том маънодаги иймон-эътиқодли, илоҳий, инсонсеварлик, тенглик, би-

родарлик, байналмилаллик, дўстлик, ҳамкорлик гояларини кишиларнинг онгига сингдириш учун.

1991 йил 1 сентябр Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги куни деб эълон қилинди. Сиз, азиз дўстларим, муборак Истиқолиятнинг талабаларисиз. Қанийди бунинг иложи бўлса — ўзимнинг гайратшижоатим, ҳалол, покиза қалбим, истеъодим билан эришган қўша-қўша илмий ва фахрий унвонларим, даражаларим, барча сийлов-бийловларимни бир чеккага йигиштирасам-да, ортга — ўн саккиз ёшлик давримга қайтиб, Сизлар билан ёнма-ён студентлик курсисига ўтирасам. Сиз ўзингизнинг баҳтли-саодатли эканингизни бир зумгина тасаввур эта оласизми? Эй навқирон авлод, эй Сиз менинг товонидан ўт чақнаган ватандошларим! Сиз озод юртнинг фарзандларисиз. Зиммангиздаги Мустақиллик юки қанчалик оғир, саддамли бўлса, шунчалик фахрлидир. Эндиликда ҳамма нарса кўз ўнгимизда тез ўзгариб бормоқда. Умр бўйи мулк, мулқдорлик, сармоя, сармоядорлик, бойлик, заминдорлик, тақводорлик, миллийликни, тадрижий тараққиётни қарғаб келдик. Энди шуларнинг барчасини тўқис ҳолда қайта тиклашга киришдик. Биз илгари барчани бирдай йўқсулаштироқчи, доимий муҳтоҷлиkkка маҳкум этмоқчи бўлдик. Энди бўлса, аксинча, одамларни тўқ, бой-бадавлат, бадастир бўлишга даъват этмоқдамиз. Демак, жамиятнинг маҳобати, гояси, тамғаси, тугроси, байроги, мадҳияси, конституцияси, қонунлари ўзгарди. Шунга мос ҳолда мактаб-мадрасаларимиз, таълим, таҳсил ва тарбиявий йўриқларимиз ҳам мунтазам ўзгариб бормоқда... Шутариقا жамиятнинг тараққиёт майларию, янги-янги ихтисосликлар ва мутахассисликларга бўлган талабу эҳтиёжлари ҳам муттасил ўзгариб бораверади.

«Бу гаплар тўғри. Лекин буларнинг бари биз учун келажақда, олий ва ўрта маҳсус мактабни тутатиб, қўнимизга расмий васиқа (диплом) олгандан ва бирон корхонага ёхуд муассасага кириб ишлай бошлаганимиздан кейин бошланади. Ҳозир эса биз фақат ўқишимиз керак», деган истиҳола кечаяпти кўнглигиздан. Дуруст. Ҳақиқатан ҳам, Сиз қунт билан, жону дилингизни тўла сафарбар этиб, янги ҳаётта ва фаолиятта ўзингизни тайёрлашингиз даркор. Фикран, зикран, шууран, қалбан. Бироқ! Удабуронлик, тадбиркорлик, соҳиби ҳунар ва давлатмандлик талабаю толиба ҳалқига ёт деб ким айтди? Ўқиш билан бирга.

эвини қилиб, балки тижорат, ҳунармандчилик, таржимонлик, тарбиячилик, дастгирилик, муаллимлик ҳам қиласиз... Марҳамат. Қаловини топса қор ёнади, дейдилар. Құшимча даромад ҳеч кимга зиён қымайды. Орттирган пуллингиздан дастмоя чиқазишиңгиз, оилаға ёрдам қилишиңгиз, мұхтож, ногирон кишиларға қарашиб юборишиңгиз, үзингизга керакли китоб, лугат, қомус, асбоб-ускуналар сотиб олишиңгиз ҳам мумкин.

Шу муносабат билан дам олиш, тил ўрганиш, илмий-ифодавий тарз, үзаро мұомала-муносабатлар хусусида яна баъзи тайинлайдиган гапларимиз бор. Фаол яшаш ва фаол меңнат кишидан фаол дам олиш ва даволанишни талаб қиласи. Талаба бўлишикнинг мақсади муккадан тушиб, бошни боягидай сиртмоққа илдириб ўқиш, ўқиш ва яна ўқиш деган гап ҳам эмас. Соглом танда сог ақл, дейишади. Вақтида даволаниб туришни унутманг. Тана аъзоларини турғун бир ҳолатта, фаолиятсизликка маҳкум этиб, қийналманг. Токи бош, кўз, қулоқ, тил, оёқ, қўлларингиз охиратда Сизга даъво қымасин. Сайр-саёҳат кишига кўп нарса беради. Касални яширсанг, иситмаси ошкор қиласи, дейдилар. Дарднинг ўзи Сизни фош этишини кутиб ўтирамай, үзингиз дардни фош этинг — вақтида шифофокорга (дўхтирга) учранг. Сиз учун маҳсус очилган шифохона, дам олиш жойлари, профилакторийларга бориб туринг. Оллоҳ таоло айтганким: мендан ўзга ҳеч кимга ишонма. Лекин табибга ҳам ишон, унга кўриниб тур, акс ҳолда мен уни нима учун яратдим?

Инсоннинг руҳияти шундайки, кўпинча бирор қил деган ишни қымайди, қимла деган ишни қилишга жазм этади. Катталар минг марта спиртли ичимликларни ичма, нос, тамаки, банг ва бошқа ҳар хил балобаттар нарсаларни чекма, гиёҳвандликдан ҳазар қил, деб қулогимизга қўйишган. Шу ўғитларга риоя қилаётбимизми? Ҳушёр ҳаёт тарзига нима етсин! Кайф берадиган нарсаларга мубтало бўлиш инсон учун ҳақиқий мусибат. Биласиз: бир чимдим никотин... Отни йиқитади! Яна қандай исбот керак? Спиртли ичимлик наслни бузади! Яна қандай даҳшатли далил керак? Келинг, гиёҳвандликнинг битмас-тутамас фожеаларини гапирмаёқ қўя қолай. Бу инсонни издан чиқазади. Буларнинг ўрнига Сизнинг ихтиёриңгизда — кундалик бадантарбия, катта спорт, театр, кино, ижодий учрашувлар, атоқли фан,

адабиёт, маданият арбоблари билан суҳбатлар, радио, ойнайи жаҳон бор. Эҳ-ҳе!..

Вақтики барманас дегандай, менда бўлмаган яна бир антиқа имкониятингиз бор Сизнинг. Бу, чогингизга қараб, тоат-ибодат билан машгул бўлиш, рўзанамоз, ота-боболар арвоҳига дуойи фотиҳа, қабристонларни зиёрат қилиб туриш, уларни покиза саклаш.

Ҳадиси шарифда айтилган эканки, бир инсон ҳар куни мозор ёқалаб уйига қайтаркан. Йўлда, ҳар кун гўр ёқасида чўккаллаб, марҳумлар ҳаққига дуойи фотиҳа ўқиркан. Нима бўлидию, бир куни ишдан кеч қайтаётганида, вақтини қизганиб, аср намози қазо бўлмасин дея уйига шошилибди... Қабристонда дуойи фотиҳа қилишга улгурмабди. Ўша куни кечаси туш кўрибди. Тушида қабрда ётган майитларнинг арвоҳлари, суюкларига кафандарини илиб, ҳалиги одамнинг ҳовлисига келишибдию, дарвозасини тақиллатишибди. Чиқиб қараса... марҳумлар тўдаси йигилишиб турган экан.

— Ие, сен ҳали тирикмидинг? — ажабланибди арвоҳлар. — Бугун бизни шундоқ дуойи хайдан маҳрум эттанинг учун сени ўлиб қолибдими, деб хавотир олиб келувдик!..

Ул киши йиглаб уйгонибдию, янаги кундан бошлаб тагин қабристон бошида ибодат қилишни бошлабди ва умрининг адогигача бу ишни тарк этмабди!..

### 3 - фасл

## ТАФАККУР СЎҚМОҚЛАРИДА

Сизни бутун умр бўйи қийнайдиган бир муаммо бор. Бу илмий ва услубий ифодавий тарз, йўсин, мақомдир. Тўгри, табиий, аниқ-риёзион фанларда фикр, аксарият, муайян қабул қилинган шартли тилда, рамзлар, тимсоллар, чизмалар, формуулалар воситасида ифода этилади. Уларни пухта ўзлаштириб олинса, тайёр қолишлар асосида иш кўрилаверади. Бироқ бу ерда ҳам ҳар бир фаннинг (математика, физика, механика, кимё...) ўз илмий тилини, таъриф, қоида, аксиома, теоремаларини пухта ўзлаштириш талаб қилинади. Шуниси борки, ижтимоий ва инсоний

(хуманитар) фанлар соҳасида фикр кўпроқ тавсифий йўсинда ифода этилади. Илмий атамачилик (термино-логия) ўзбек тилида атрофлича, пухта ишланмаган. Ҳозирга қадар кўпчилик олимларимиз ўз асарларини рус тилида ёзавериб, ўз тилида нўноқ бўлиб қолишган. Тилнинг илмий-ифодавий қатламлари ишланмай, эътибордан четда қолгани масъулияти ўзбек олимлари ва зиёлларининг гарданида ва бу жиддий нуқсон, илмий ожизлик уларнинг вижданига ҳавола. Бинобарин, табиий-аниқ ва ижтимоий-инсоний фанлар намояндаларининг олдида бирдай оғир лисоний муаммолар кўндаланг бўлиб туради.

Ижтимоий фанларда фикр тавсифий шаклда изҳор этиларкан, атамалар, номларнинг иложи борича бир хилда ёзилишига эришишдан ташқари, тарьифлар, таҳлил ва хulosаларнинг назарий талқини асосли, пухта далилланган бўлмоги даркор. Талаба машваратларда чиқиш қилганида, бирон ёзма топшириқни бажарганида, мавзуни ёритганида, курс ишларини ёзганида, рефератлар тузганида, кейинчалик эса диплом ишлари тартиб берганида илмий услубга алоҳида диққат қилмоги лозим. Илмий ва назарий таҳлил, мушоҳадага эришиш, таҳлилий тафаккур андазаларига риоя қилиш уни қийнайди. Тўгри, бундай мушоҳада ва тафаккур зерикарли, китобий, қуруқ, сийқа кўринади. Лекин бошқача бўлиши мумкин эмас. Соҳибқирон Амир Темур ҳақида илмий тадқиқот яратиш ва тарихий рўмон, достон ҳам ёзиш мумкин. Аммо булар бир-биридан лисоний(тил)-ифодавий тарафдан бутунлай бошқа-бошқа қиёmdа ёзилиши билан фарқланади. Тафовут ўти-ўти: бири тавсифий йўсинда, бошқаси — адабий-тасвирий мақомда ёритилади. Ёки Мирзо Улугбекнинг астрономик мактаби ҳақида ёзилган монографияда рақамлар, жадваллар, ўлчамлар риёзий аниқ таҳлил йўригига ифодаланса, шу мавзуда барпо этилган тарихий рисолада тавсифийлик устун бўлади. Адабий-тарихий фожеада эса тасвирийлик, образлилик, мажозийлик, шартлилик устивор бўлиши тайин.

Олий мактаб талабаси учун бу фақат тил билан боғлиқ муаммо эмас. Балки ўрганилаётган предмет, мавзу, ихтисос, касб-ҳунар ва санъат хусусиятини аниқлаш билан боғлиқ муаммо. Таассуфлар бўлсинки, бу хусусда уларга керакли маълумот берилмайди. Шундай бўлгач, маслаҳат берардимки, талаба бирин-

чи босқычдан бошлаб маърузалар тинглар, амалий машгулотларда, машварат, баҳсларда қатнашар экан, маҳсус ён дафтар (кундалик) тузсин, унда тушунуккисиз, янги атамаларни, қисқа илмий таърифларни мунтазам ёзиб борсин. Акс ҳолда, чалкашиб юраверади. Аниқ таърифу таҳлил лозим бўлган жойда ҳикоявий тасвирга берилади ёхуд аксинча ҳолатта йўл қўяди. (Маълум телевизиявий лавҳа(миниатюра)да сувнинг кимёвий таркибини ( $H_2O$ ) тушунтиrolмай, уни кундаклик-жайдари мақомда тавсифлайман деб ўсал бўлган талабани эсланг.) Ўша-ӯша сув, тупроқ, олов, нур, Қуёш, коинот, Ер, зилзила, тог-тошларнинг физикавий, механикавий, кимёвий, биологиявий, тарихий, мифологиявий, адабий талқинлари, таъриф-тавсифларида шу қадар тафовут борки, фарқи ер билан осмон қадар. Табииётшунослик бўлимларининг студентлари илмий тафаккур қилиш тамойилларини аниқ-таниқ эгаллашлари лозим.

Тил фақат тилшунослик (лингвистика) фанининг ашёси эмас. Унинг ижтимоий маъносидан ташқари, соғ илмий-абстракциявий қўлланиш соҳалари ҳам кўп. Бу жуда қамровдор тушунча. Зоро, тилсиз, соқов фанинг ўзи йўқ. Олайлик, математикавий тил, машина тили, ЭҲМ тили (дастурлар), машинавий таржималар, суъний тиллар (эксперанто...) ва б.к. Ҳозирги даврда буларни билмай туриб, энг замонавий фан негизини яратиш, ўта мураккаб автомат ва механизмлар билан алоқага киришиш, кибернетика, компютершуносликнинг жаҳоншумул самараларидан фойдаланиш мумкин эмас. Инсонлар, турли миллат кишилари ўртасида алоқа ўрнатиш воситаси маъносида ҳам тилларни ўрганиш миқёси бениҳоя кенгайди ва бу жараён, лисоний жўғрофия тоабад кенгайиб, чуқурлашиб бораверади. Тил маданияти, тилларни билишга ружув қилиш фақат талаба бўлгандан кейингина эмас, бешикдан то қабргача узлуксиз давом этадиган фаолият. Дунёни биламан, жаҳоний миқёса танийман ва таниламан деган улкан мақсадни ўз олдига қўйган бугунги олим (у хоҳ дунё кўрган кекса фозил бўлсин, хоҳ ёш мутахассис, изланувчи бўлсин), ҳижжалаб, жаҳон тилларини ўрганишга мажбур. Ҳоҳлайдими-ҳоҳламайдими, бу ишга ўзининг ҳар қунги ижтимоий-фойдали вақтидан муайян улушини ажратиши керак. Бу ерда

табобатдаги сингари, бирламчи талаб шундай бўлиши керак: «Ҳар куни бир чой қошиқдан»...

Ўзингиз билган ўша афсона фаромуш бўлмасин.

Киши... ҳўқизни кўтариши мумкинми? Мумкин! Бир одам ёшлик чогидан бошлаб сигирнинг боласи—бузоқчани кўтариб юрган экан. Бу иш ҳар куни давом этган. Оқибатда, орадан ўн йил ўттач, ҳалиги ўспирин вояга етиб, катта йигит бўлади. Бузоқ ҳам ўсиб, улкан буқага айланади. Шу зайл бояги киши ҳеч бир қийналмасдан ҳўқизни даст кўтарарадиган паҳловон бўлиб етишади.

Хорижий тилларни ўрганиш ҳам байни шундай. Тўгри, ҳозир замонамиз шитоб билан илгарилаб бормоқда. Қадимда кўп соҳаларда бир йилда бажариб келинган ишни эндиликда бир кунда, эҳтимол, бир соатда адо этилмоқда. Бундан кейинги жараёнлар янаям фавқулодда тезкорлик билан кетиши кутилади. Гарчи тилларни ҳам тез ўрганишнинг аллақанча йўл-йўриқлари топилган ва ҳаётга тадбиқ этилаётган бўлса-да, энг табиий, пухта йўли ўша-ўша — «умр бўйи ҳар куни бир қошиқдан...» тамойилига етадигани йўқ. Илло гунчани «тезкорлик йўли билан» гулга айлантириш барибир кутилган натижани бермайди. Она бўйидаги ҳомила ҳам 9 ой, 9 кун, 9 соатда етилиб, табиий тутилгани яхши.

Бешикда ёттан гўдак абадий гўдак эмас. Ўсиши, улгайиши, камол топиши, Ер юзини кўриши керак. Бунинг учун у тилларни, биринчи галда, дунёвий тилларни билишига тўгри келади. Булар: инглиз, олмон, фаранг, рус тиллари. Булардан ташқари, биз учун тарихан анъанавий зарур тиллар: араб, форс, турк. Яна: хитой, япон, ҳинд тиллари. Аммо!.. Жаҳондаги ҳамма тилларни бирдай эгаллаб бўлмайди. Киши касб-кори, фаолияти ва лаёқатига қараб, ўз «лисоний жўғрофияси»ни чегаралашига тўгри келади. Чунончи: инглиз-араб; олмон-форс; фаранг-турк; испан-япон тиллари ва ҳоказо. Буларнинг қаторига ҳар гал рус тили ҳам қўшилади. Демак, икки-уч ёки уч-тўрт тилни билиш зарурати бор. Бундан қочиб қутулиб бўлмайди...

Яқин йилларга қадар биз беқиёс бир миқёсда рус тилини ўрганишга маҳкум этилган эдик. Аммо ҳар қандай ҳолда ҳам, мавсумий эҳтиросларга берилмай, масалага холис-ҳушёр қараш илмини эгаллашимиз лозим. Рус тилини ўрганиш ва ўргатишдан икки томон-

лама манфаат бор эди. Бири гаразли манфаат: ҳоким шовинистик сиёсат барча мазлум миллатларни ягона бир мақражга келтирмоқчи — ялпи руслаштируммоқчи эди. Чор Русияси ошкора амалга оширомаган ёвуз мақсадни қизил мустабид — тоталитар сиёсат силлиққина амалга оширмоқчи бўлди ва аллақанча олиймақом доираларда амалга ошириб ҳам улгурди. Иккинчиси соф маърифий манфаат: рус тилини чуқур эгаллаш йўли билан собиқ Иттифоқ кенгликларига чиқиб бориш, ажнабий мамлакатларнинг халқлари билан мулоқотта киришиш. Ҳар қандай ёмон ишнинг бир яхши жиҳати, ҳар қандай яхши ишнинг бир салбий оқибати бўлади. Ўйламаслик керакким, бизнинг рус тили ва маданиятини эгаллаганимиз ўз-ўзидан амалга ошган деб. Баъзи бир сиёсий калтабин одамлар бу айrim раҳбарларнинг юқорига яхши кўриниш мақсадида қилган номатлуб ишларидан бири, деб кўрсатишга уринади. Ҳай-ҳай!.. Бунчалик ноинсоф, бадбин бўлиш керак эмас. Дарвоқе, шундай даъвогар «арбобларимиз» ўzlари то ҳозиргача ашаддий-бадбин шовинист бўлиб қолишимоқда (ўзбек тилини билмайди, билишни истамайди ҳам). Аслида рус тилини пухта ўрганиш ўзимизнинг миллий манфаатларимиз учун керак эди. Буни бизга фақат Фалончи эмас, балки ўнлаб ақли расо, миллатимизнинг пешкаш маърифат-парварлари, Исҳоқхон, Сатторхон сингари қозиу қуззолар, мударрислар, фаол инсонлар, атоқли шоир ва ёзувчилар васият қилиб қолдиришган. Яна писанда қилайинким, бизнинг рус тилини билишимиз руслар учун эмас, биринчи галда ўзимиз учун керак эди ва бу катта мақсад амалга ошди. Табиийки, баланд тоглардан жилгаланиб оқиб келиб, сойлар, дарёлар, ҳавзаларни тўлдириб ётган улкан сув омборларининг багрида оби ҳаёт, нур, ризқ-рӯз, фаровонлик, маъмурчилик манбаи билан бирга, катта хавф-хатар ҳам яширинган. Инсоф юзасидан айтиб қўяй: ҳозиргача биз дунёning илмий, маданий, маърифий қиёфасини рус тили орқали танидик ва ўзимизни ҳам бир қадар, «йўқсулий» бир тарзда бўлса-да, жаҳонга намоён этдик. Бас шундай экан, жаҳолат юзасидан, ўз ихтиёrimизда турган бу зарурдан-зарур нақдинани бой бериш дуруст бўлmas. Ҳар қандай номақбул майлардан ўзимизни эҳтиёт қилайлик. Бу тилини эгаллаб ёмон бўлганимиз йўқ. Биз Королёв, Колмогоров, Келдиш, Виноградов, Радлов, Будагов, Крачковский,

Бартолд, Бертельс сингари юзлаб олимлар, Пушкин, Лев Толстой, Чехов каби машхур инсонпарвар адиларнинг ўлмас асарларини шу тиlda ўқиймиз. Бақириқ-чақириқ, шовқин-сурон қанчалик кўп бўлмасин, амалда рус тилида жамланган битмас-туганмас хазина — ёзма манбаларнинг атиги 2—3 фоизини ҳам ўзлаштирган эмасмиз. Таржимада, даврнинг мардудона тақозоси оқибатида, яхши ишлар билан баробар, аксарият, нокерак нарсаларга маблаг ва қозоз сарфлашга мажбур бўлганимиз. Бу нуқсонларга барҳам бериб, рус-ўзбек иқтисодий, маданий, илмий муносабатларда соглом издан боришимизни даврнинг ўзи тақозо этади. Айни вақтда, бизнинг меҳнаткаш ҳалқимизни боқимонда деб камситтан Лигачев, Горбачев сингари давлат арбобларининг туҳматдан иборат даъволарини даф этиш ҳам кун тартибидан тушган эмас. Айниқса, республикамиз, унинг ҳалол одамларига қасд қилган, то ҳозирга қадар, шу кеча-кундузгача қип-қизил туҳмат, бўғтон, таҳқир ва ҳақоратлардан иборат уйдирмаларни тўқиб ётган ашаддий қони бузуқ Гдлян, Иванов, Жириновский сингари тунд шахслар билан бир боплаб гаплашиб қўйиш зарурати ҳам бизнинг бу тилни астойдил ўрганмасак бўлмаслигини кўрсатиб турибди...

Турган гап, ҳар қандай эҳтиросларни бир чеккага йигиштириб, холисанлилоҳ айтиш керакки, лисоний таҳсил соҳасида у дарахтлар кесилиб кетди. Ортга қайтиш йўқ. Тарих гилдирагини орқага буриб бўлмайди. Ҳаётда, тафаккурда, қалбларда, тармоқланиб кетган ўқув режаларимизда рус тилининг, рус миллий маънавиятигининг булуғтдай босиб ётганига чек қўйилмоқда... Русиёна ёт майлларнинг аста-секин яна кучга киришига йўл қўйиш керак эмас. Бир доно киши айтган экан: «Гўрингнинг азоби шу бўлса, бизнинг қишлоқдан ҳеч ким келмайди». Эндилиқда мустақил Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро алоқалари, иқтисодий, сиёсий, илмий, маданий муносабатлари ой сайин эмас, кун сайин, соат сайин кенгайиб ва чуқурлашиб бормоқда. Биз эски ҳаёт тарзининг барча носоғлом, қоронги, мубҳам томонларини бусбутун рад этдик. Яхши тажрибаларни янги давр мұхитига мослаштириб, давом эттирмоқдамиз. Мен бугун иқтисодий, илмий-техникавий ва ижтимоий тараққиётда том маънода афсона-вор мўъжизаларни намойиш этаётган Японияни ўз

күзларим билан күришни истайман. «Япон мұжизаси»нинг магиз-магизига кириб боришим учун япон тилини билишим даркор. «Оврупо Япониясі» деб ном қозонган Финландия, унинг сон жиҳатдан кичик халқи яратадын мислсиз, буюк ишларнинг сирини ичдан билиб олиш учун фин-угор тилларини ўрганишимга тұғри келади. Яна бир жумбоқ мени қаттиқ үйлантиради. Иккінчи жағон урушида Германия мажақлаб ташланди. Япония зеру по бұлды. Собиқ СССР тұла галаба қозонди. Хұш? Америка паноқидаги мазкур икки маглуб давлат наинки хона-войрон бұлиш, үзини тұла тиклаб олишга, балқи оламшумул тараққиётта эришди. Гүе зафар құчган собиқ Советлар мамлакати эса тұла маңнода үтириб қолди ва парчаланиб кетди. Шундай бұлиши керак эди ва шундай бұлды. Албатта, ГФР билан Япониянинг жағон иқтисодиётіда ва ҳамжамиятида үзларига муносиб етакчи мавқеларни әгаллашиға Құшма Штатларнинг марқамати ҳамда чинакам өрдами ниҳоятда салмоқли. Шу билан баробар, биринчи галда олмон ва япон халқдарининг дахоси, күч-құдрати, салоқияти бенихоя катта ақамият касб этади. Бинобарин, мен олмон тилини ҳам билишим, билгандаям, бу халқнинг дилига чуқур кириб боришимни тәъминлайдын даражада уни әгаллашим зарур. Англия, Франция, Турция, Италия, Испания, Жанубий Қурия, Миср, Саудия, Эрон, Покистон, Ҳиндистон, Хитой, Юнонистон, Индонезия, Малайзия, Сингапур ва үзга мамлакатларнинг халқдары, уларнинг тиллари ҳақида ҳам шуни айтиш керак. Буёги— Марказий Осие, Қофқоз, Болтиқ бүйи, Украина халқдарининг тиллари ҳақида ҳам гап шу. Тургунлик даврида «халқтар дүстлигі» ҳақида ҳаддан ташқари күп гапирилди (газета тахламаларини йилма-йил варақлаб күринг-а!). Лекин барча халқларнинг жилови қызыл марказнинг құлида эди ва қулоқ бошида «улуг оға» турарди. Ҳамма ишлар унинг номидан, унинг иродаси билан қилинарди. Энди, үз әркимни құлға олғандан кейин, бундай үйлаб қарасам, менде «улуг оға»дан ташқари бошқа жуда күп оға-иниларим ҳам бор экан... Турк, араб, форс, пушту халқларига дүстлик, ҳамкорлик құлларини узатиш — қон-қардошлиқ, узоқ тарихий бирдамлік, мұштарақ дин, тил, тарих юзасидан; инглиз, олмон, франсуз тилларини билишга әхтиёж замонавий илм-фан, техника, маданиятни ўрганиш, илгор

технологияга эга бўлиш, иқтисодиётимизга ўша халқарнинг сармоя ётқизишлари, қўшма корхоналар ташкил этишларига эришиш, икки томонлама манфатли иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорликни йўлга қўйиш юзасидан. Қолаверса, бу мамлакатларда ўзбек халқининг ўтмиш тарихи, адабиёти, маданиятига доир ниҳоятда бой, ранг-баранг манбалар, ашёлар, нодир қўлчималар сақланади. Уларни, яъни ўз мулкимизни қайташибимиз, ўзлаштиришибимиз учун ўша роман-герман тилларини астойдил ўрганишибимизга тўгри келади. Гарчи биринчи шахс — «мен» номидан гапираётган бўлсан-да, навқирон ватандошим, Сизни назарда тутаяпман. Мен қилишим мумкин бўлган ва қилишим мумкин бўлмаган ишларни ҳам қилиб бўлдим. Буёги Сизнинг навбатингиз, азиз фарзандларим. Демоқчиманки, бир-бирига чирмашиб кетган мана шундай мураккаб миллий, лисоний-жўкрофий шароитда русийзабон яккаðокимлиги ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Бу қандайдир сиёсий инжиқлик эмас, балки мустақиллик даврининг иқтисодий, миллий, ижтимоий тараққиёти қонунияти тақозосидир.

Инсон ҳаётида, айниқса бизнинг кунларда хорижий тилларни билиш нақадар долзарб иш экани ҳеч кимда шубҳа тугдирмайди. Бу фақат хоҳиш-истак эмас, давр тақозоси. Чет элга чиқаётисиз — хорижий тилни **билишингиз** керак. Ўзингизда бирон давлатнинг ажнабий мулқорлари билан қўшма корхона очаяпсиз — хорижий тилни билиш керак. Фан ва техника янгиликларидан хабардор бўлишни истайсиз— яна хорижий тилни билиш керак. Тўгри, таржимон ёрдамга келиши ҳам мумкин. Бироқ ўзинг тил билганингга не етсин!

Шундоқликка шундоқ. Бироқ бундан ҳам зарур, бирламчи, устивор бир алоқа воситаси борки, бу ОНА ТИЛИдир. Бундай олганда, чет тилини билмай туриб ҳам яшаш мумкин. Аммо она тилидан хорижда яшаб бўлмайди. Қамровдор, энг зарур қоида ва талаб шулким, ҳар қандай хорижий тилни билиш она тили заминига ўрнатилмоги керак. Зотан, бошқа халқнинг тилини эгаллаш чет элга кетиб ишлашгина эмас, балки ўз Ватанингга, ўз халқингга хизмат қилишинг учун зарур. Бас, она тили ҳар томонлама бирламчи аҳамиятта эга. Шундай экан, асосий тамоийл (принцип): хорижий тилдан — она тилига эмас, аксинча,

она тилидан — хорижий тилга томон йўналтирилган бўлиши даркор. Аввал — хеш, сўнг — дарвеш, дейдилар. Она тилидан маҳрум бўлиш — инсон учун оғир мусибат. Бу ҳамма нарсадан маҳрум бўлди деган сўз. Она тилидан маҳрум бўлиш — онадан ажраб қолишдан ҳам мудҳишроқ. Чунки ота-онанинг вафоти, начора, фарзандлар учун мерос. Бекорга айтмасалар керак: Ота-онанг ўлса ўлсин, ота-онангни кўрганлар ўлмасин, деб. Бинобарин, Сиз учун она тилининг барҳам топиши ватандан, эл-юргандан, қавм-қариндош, хеш-табор, ёр-дўстлардан бирварақай ажралиб қолиш билан баробар.

## МЕН ЭМАСМАН МЕН — СЕНСИЗ

*Кўҳналиги дунё қадар,  
Одам Атодан мерос.  
Миллий гурурим,  
Инсоний қадр,  
Момо Ҳаводан  
Тирик ёдгорлик.  
Ўзлигимдан қанчалик  
Кетмайин бадар,  
Осорул боқиямсан,  
Эй она тилим!  
Заминий оқанрабога,  
Башар даҳосига,  
Ва самовий қудратта  
Ихлос.  
Зоти шариф,  
Аъмолим, маслагимсан,  
Азалий ва абадий  
Шону шарафим,  
Кору боримсан,  
Ажралмас ҳамроҳ,  
Рұхий мададкорим,  
Пушти паноҳимсан,  
Оҳим, ҳасратим,  
Мен эмасман мен —  
Сенсиз,  
Битмас-тутанмас  
Кон,  
Он ҳазрат  
Она тилим,*

*Она тилим.  
Мен учун сен  
Тилларнинг сараси,  
Тафаккур кўкининг  
Порлоқ ситораси.  
Икки дил ораси  
Қалбим пораси,  
Белимнинг қуввати,  
Кўзим гавҳари,  
Виждан жавҳари,  
Юрак яраси,  
Кўрар кўзим,  
Бийрон сўзим —  
Она тилим.  
Қуёш янглиг  
Симирдим қониб  
Она алласининг  
Меҳри гиёсин.  
Вужудимда, томирларимда  
Оловдай ёниб  
Оқар сенинг  
Сеҳринг зиёси.  
Қайноқ муҳаббатинг,  
Оби ҳаётинг,  
Куй бўлиб, қўшиқ бўлиб  
«Чули Ироқ», «Ушшоқ»,  
«Баёт»инг  
Сингди синиқ кўнглимга  
Таҳ-батаҳ.  
Сенинг багрингда  
Яйради дилим.  
Менинг қалбимда  
Улгайдинг, тилим.  
Мен сўзлар эканман  
Ўз ўзбек тилимда,  
Демак бор эканман  
Эл қаторида,  
Чугурлар эканман  
Ўзбек тилимда,  
Ярарканман ҳали  
Халқим корига.  
Яшайман тоабад  
Сен борсан, тилим,  
Ўзинг баҳт-иқболим,*

*Менинг толеим.  
Үн саккиз минг оламни  
Яраттан  
Заррадан хуршиди хонага  
Қадар,  
Одамзод даҳосин  
Ихтиёрига  
Жамии жонзотни  
Қараттан,  
Инсоннинг азиз бошига  
Ёғдириб оби кавсар,  
Илоҳий нур,  
Сийм,  
Зар  
Тараттан,  
Лойдан қорилган танимни  
Иймон, жон билан  
Безаттан —  
Ўзингсан,  
Эй Ҳаллоқи олам.  
Биру Борим,  
Раҳмонир Раҳим,  
Ҳамду сано сенга  
Худованди Карим.  
Айладинг бандангни  
Жудо ҳайвоңдин,  
Ато этдинг унга  
Тафаккур,  
Забон,  
Таъзим келтирай бажо  
Саждага қўйиб бошимни,  
Дегайман  
Таҳсин, тасанно,  
Келтириб иймон,  
Шукроналар айтаман  
Тангри таоло, сенга —  
Она тилимда.  
Аё Гайбуллоҳ,  
Ҳарчанд таърифласанг оз  
Она тилинг кароматини.  
Зеҳнинг сафарбар эт,  
Топ гапга қалов,  
Бўлиб қолсин  
Ҳар сўзинг*

*Мұмтоз  
Әл-юртингни магар  
Қилолсанг әъзоз.  
Зеро,  
Сен заррасан,  
У бир Ҳуршиди  
Жаҳон,  
Сен учқунсан,  
У абадий  
Ёнувчи  
Олов.*

«Рашақот айнул ҳаёт» муаллифи Сафий Умар Шайх ҳақида Хожа Ахори валий тилидан мұхим бир гапни ёзіб олған экан: «Шайх Умар үзларининг фарзандлари Хованд Тоҳурга айтур эрдиларким, е Тоҳур, мулло бўлма, шайх бўлма, сўфий бўлма, бу бўлма, у бўлма, мусулмон бўлгил» (Иzzat Султоннинг «Баҳовуддин Нақшбанд абадияти» рисоласидан). Биз ҳам Сиз азиз фарзандларга десак бўладиким: ё толибул илмлар! Муҳандис бўлманг, муаллим бўлманг, приват-доцент бўлманг, профессор бўлманг, ҳоким бўлманг, бу бўлманг, у бўлманг, Одам бўлинг!»

Мен ҳар йили биринчи сабоқда ўз студентларимдан сўрайман:

— Илмий, диний, бадиий, публисистик асарларни ўқијисизларми?

Улар кундалик дарслар ҳаддан ташқари кўплиги, ўзларидан ортмаёттанилкларини, китоб мутолаасига вақт етишмаёттанидан шиква-шикоят қилиб, чувиллашиб кетади... Мен уларга шундай бир воқеани сўзлаб бераман. Университетда беш йил давомида атиги бир фандан тўрт баҳо олганман. У ҳам бўлса жаҳон адабиётидан. Домламиз профессор Раҳим Муқим, асосий назарий сабоқдан ташқари, 78 номдаги бадиий асарларни ўқишини қаттиқ тайинлаган эди. Камина 75 та ишни ўқиб, мазмунини бир неча катта дафтарга номма-ном ёзганимга қарамай, «яхши» баҳо қўйган. Бунинг оқибатида мен тўртинчи босқичга утаёттанимда маҳсус имтиёзли стипендиядан маҳрум бўлганман. Узоқ вақтларгача домладан хафа бўлиб юрдим. Чунки оилали бўлганим боис маошим камайиб, рўзгор тебратишда қийналиб қолганман. Нафси-ламр, ўша домла тўғри иш қилган деб ҳисоблайман. Негаки, маърузачи жиiddий талаб қилмаса, талабалар

фақат дарс билан чекланиб, бошқа китоб ўқимай қўяди.

Алқисса, сўроқларни тақрорлайверганимдан сўнг маълум бўладики, улар, ҳар қалай, баъзи бир нарсаларни ўқишиган. Ул ҳам бўлса гарб ва рус адабиётидан.

— Хўп, борингки, Чингиз Айтматовнинг қайси асарларини ўқигансиз?

— «Жамила»... «Манқурт»...

— Шундай романи борми Айтматовнинг? Хўп, узбек адабиётидан-чи?

— «Қутлуг қон», «Қўкан батрак»...

— Ахир, Сизлар филология факултетининг студентларисиз-ку. Буёги қандоқ бўлди?

Бошлар қуий солингган.

— Қуръони Карим, Ҳадиси Шарифларни ўқигандирсиз, ҳойнаҳой?

Сукут.

— «Хамса», «Бобурнома», «Девони Машраб», «Темур тузуклари», «Қутадгу билиг», «Девону луготит турк», «Шажараи турк», «Зичи Кўрагони», «Таҳқиқи молил ҳинд», «Зафарнома», «Шоҳнома»... Шуларни ким мутолаа қилган?

Бир киши қўй кўтаради ва мени чалғитмоқчи бўлади.

— Домлажон, мен «Бобурнома»дан пича ўқий бошлаган эдим, лекин мутлақо ҳеч нарса тушунмадим. Тили оғир экан. Умуман мумтоз адабиётни тушуниш қийин.

— «Навоий асарлари лугати»га ва бошқа лугатларга қарамадингизми?

— Йўқ.

— Эҳ, азamat шогирдларим-а, Сиз бу ерда қандай ишлар билан банд бўляпсиз ўзи! Дарс еми, дарсхўр, дарспарастмиз денглар. Ундай бўлса, Абурайҳон Берунийнинг ўзлари тирилиб келиб ўқир эканлар-да, а, ўзларининг китобларини?.. Ахир, бу бизнинг, бутун арабу ажам, туркий халқларнинг фаҳри-ку. «Ҳиндистон» — кўзга суртиб ўқиладиган қомусий асар. Абурайҳондай улкан туркий олим... муаззам Ҳиндистон кишвари тарихини — араб тилида ёзганлар. Бир тасаввур қилиб кўринг-а инсон даҳосининг нечоглиқ улуғлигини! Узбек ва рус шарқшунос олимлари не ҳасратда бу китобни икки тилга таржима қилиб чоп эттирганлар. Сизлар учун, афандилар. Тушунсангиз-

чи. Бундай мұқаддас асарларни жон-дилингиз билан үқимасликка қандай маңнавий ҳаққынгиз бор, азизларим? Уят эмасми? Мазкур китоблар манови үзимизнинг кутубхоналарда чанг босиб ётибди. «Нега бизнинг кўз нуримиз билан ёзган нарсаларимизни бутун дунё афкор оммаси үқияптию, ўз авлодларимиз бу қадар бефарқ, лоқайд, карахт?» деб шикоят қилишапти улар Сизлардан.

Бирингиз айтишга журъат этдингиз, «Бобурнома»ни тушунмайман деб. Агар шу сўзларингизни Мирзо Бобур эшишиб қолсалар қандай бўлади, а?! «Кўзим қурсин сени кўргунча бундоқ!»—демайдиларми? «Бобурнома» беназир қомусий асар. Ҳар бир ўзбекнинг хонадонида, китоб жавонидагина эмас, ёзув столининг устида, қалбининг тўрида доимий туриши лозим бўлган дил изҳори. Юрак қони билан ёзилган асар. Ўзбекнинг ўзбеклиги қоладими агар у «Бобурнома»ни билмаса. Таъбир жоиз бўлса, бу миллатнома-китоб! Бу ерда турли минтақалар ва мамлакатлар — Мовароуннаҳр, Афғонистон, Ҳиндистон, Покистон жамулжам. Унда тарих, ҳарбий иш, жўғрофия, давлатчилик, шажаралар ва сулолалар, қадимшунослик, дин, этнография, руҳшунослик (психология), спорт, маъданшунослик, фолклор, ёзма адабиёт, услубиёт ва бошқа кўп соҳаларга оид ноёб маълумотлар кўплаб берилган. Китоб асрлар давомида инглиз, фаранг, олмон, ҳолланд, турк, форс, рус тилларига таржима қилиниб, авлоддан-авлодга, қўлдан-қўлга ўтиб, қайтакайта нашр этиб келинмоқда... Интиҳойи галат: фарangi киши, инглиз, олмонлар уни тушунади, биз — валломат ворислар, уни тушунмаймиз, деб айтишга журъат этамиз. Баракалла, бўталарим. Шу йўсинда давом эта-веринглар!..

Кулишади.

Мен бўлсанм ич-ичимдан йиглайман.

Отларинг ўчсин сенинг инсонни, миллатни ўз-узига ёт хилқатта айлантирган шовинизм, тургунлик. Марг манқуртчилик фалсафасига!

Эй, қобил фарзанди аржуманд, илоё Сизни ёмон кўздан, ногаҳон ажал, бало-қазолардан, бевақт ўлим ва туҳматлардан ўз паноҳида арасасин. Олий мактаб бағрига қўйган биринчи қадамингиз қутлуг бўлсин. Талабалик даврингизга ва бутун умрингизга файзу баракот ато этсин. Аллоҳ таолодан яхшиликлар ти-

ланг, аммо ўзингиз ҳам ўзингизни Ҳақ йўлида тўғри бошқаринг.

#### 4 - фасл

### БИРИНЧИ САБОҚ

Бизнинг одамларга жуда раҳмим келади. Буёги каллайи саҳардан то қоқ тунгача елиб-югуради. Сарбозорга чиқиб, ўзига сездирмай, ўнта одамни кузатинг. Кўпчилиги уч маҳал овқат емайди. Куни билан тановул қилмай, туз тотмай, ҳаллослаб, тили осилиб чопгани-чопган. Ўҳ, ўзбекнинг жонига тўзим берсина! Ўзини, соглигини ўйламайди. Бола-чақа ташвишида ёнади. Ҳар битта боласини тишида катта қиласди! Дунёда бизнинг одамларчалик болажон ҳалқни топиш қийин. Фидойи, заҳматкаш, меҳрибон ва меҳмондўст ҳалқ бизнинг ҳалқимиз. Айни вақтда ёш авлодга энг... бепарво ҳалқ ҳам биз бўламиз.

Ҳар миллат ўз одамларининг тақдирини ўйлаши керак. Томчида қуёш акс эттани сингари, алоҳида олинган ҳар бир шахса миллат яшайди. Шахснинг ўй-фикрлари, хатти-ҳаракатлари, қилаёттан ишлари, қилиқлари, юриш-туриши, ҳатто қандай қулиши, изтироб чекиши, йиғлашига қараб унинг қандай миллатга мансублигини бехато айтиб берса бўлади. Айни вақтда ўзини ҳурмат қиласидиган, комил инсон деб биладиган ҳар бир шахс миллатни ўйлаши, унинг тақдирни, равнақи, келажаги ҳақида қайгуриши лозим. Олайлик, мен ҳар гал Мирзо Улугбек номидаги Тошкент давлат дорилфунунида биринчи дарсимни, илк сабоқни шундай бошлайман:

— Сиз билан биз ўзбекмиз. Ота-боболаримиз, етти пуштимиз ўзбек бўлган. Ҳали «ўзбек» деган сўз дунёга келишидан илгари, кейинчалик, эл-юртимизга шундай ном берилган кезларда ҳам, ҳатто ўзбекларни ўзининг ганими деб билган баъзи улуг инсонлар, шоҳлар, амирлар, сultonлар, лашкарошибилар, не бир донишманлар ҳам... ўзбек бўлишган. Бу улуг алломаларнинг номи билан ҳалқимиз фахрланади. Мен, катта-кичиклигидан қатъий назар, жаҳондаги барча миллатларни ҳурмат қиласман. Одатда, шахс миллат танламайди. Шахсни миллат тугади. Бас, биз, ҳар биримиз

Аллоҳ таолонинг иродаси ва марҳамати билан дунёга келганмиз. Бизни тугдирган ва туқдан ота-онамизни қанчалик севсак, ўзимиз мансуб бўлган миллатимизни ҳам шунчалик ардоқлашга тегишимиз. Ўз миллатини, унинг шаън-шавкатини, салоҳияти ва қадриятларини оёқости қилган, унинг дардига малҳам бўла олмайдиган киши қандай мавжудот бўлса бордир, аммо инсон эмас. Сиз ўзбексиз ва, аввало, шу билан баҳтлисиз...

Сўнгра мулоҳазаларимни давом эттириб, асосий муддаога кўчаман.

— Ўзбек деган номни ифтихор-ла ўзингизда «ташинг». «Миллатинг нима?» деб сўрасалар, «Ўзбек!» деб айтишдан уялманг. Аммо... яҳудий бўлинг.

Гап шу ерга келганда, тингловчиларим портлаб кетади.

— Бу гаҳда мантиқ йўқ-ку, домла. «Ўзбек бўлинг... Аммо яҳудий бўлинг? Буни қандай тушунса бўлади?

Сўнгра мен шавкатли миллатимизнинг, халқимиз, эл-улусимизнинг оёғини кишанлаб турган, унинг ўзига муносиб бир тарзда кенг қанот ёзишига монелик қилаёттган нуқсонлар, қусурлар, баъзан айнан одамоҳунлиги, мислсиз бағри кенглиги, қўли қадоқлиги, меҳмоннавозлиги ва бўлак инсоний фазилатларидан келиб чиқаётган... камчиликларидан куйиб-шишиб гапираман. Мана, дейман... Сиз (талабалардан бирига ишора қиласман). Отангиз ким бўлиб ишлайди? Ҳа фалончи. Онангиз? Уй бекаси. Оиласигизда нечта фарзанд бор? Дейлик, еттита. Хўп. Оиласинг даромади?.. Ва ҳоказо. Инчунин, Сиз мусиқа чалишни биласизми? Мабодо танбур чертмайсизми ёки пианино чалмайсизми? Йўқ. Шоҳмот уйнашга қалайсиз? Йўқ. Шашка уйнайман унча-бунча дейсизми? Шунисига ҳам шукур. Спортнинг қайси тури билан шугулланасиз? Футбол? Кураш? Гимнастика? Теннис? Самбо? Чавандозлик? Чанги? Турнирда неча марта гавдангизни кўтара оласиз?.. Хуллас, деярли ҳамма саволларга — нол. Ана холос! Энди — Сиз (бошқасига бармогимни ниқтайман). Таржимаи ҳолга доир ўша таниш оиласивий сўроқлар: ота-она, касб-кор, даромад манбаи, рўзгорнинг катта-кичиклиги ва ҳоказо тафсилотлар... Ўзбекчадан бошқа қайси тилларни биласиз? Хорижий тилларни назарда тутаман. Лаббай? Ўрисчани? Яхши. Яна? Елка қисилиб, жим қолинади. Арабча? Инглизча? Форсча? Олмонча? Фран-

сузча? Балки япон тилини биларсиз? Қаёқда! Мусиқа чалишдан хабарингиз борми? Ашулахонликка қалайсиз? Лоақал хиргойи қиласиз? Дарвоқе, хиргой нима, биласизми? Катта ашулани-чи? Билмайсиз? Ие. Лаббай? Ашуланинг ҳам «катта»-«кичиги» бўладими, дейсизми? Ҳих! Балким яхшигина рассомдирсиз? Театрга тушиб турасизми? Кинога-чи? Нима? Вақт зиқ? А-ҳа. Лаббай, телевизор кўраман дейсизми? Пазандаликка тобингиз қалай? Айтайлик, палов пишириш, нон ёпиш, қандолатчилик қўлингиздан келар? Нишолда ёки новвот қилишни биладиган киши борми орангизда? Қарасам, ёш асаблар таранглашаётгандай. Ваъзиятни бироз юмшатаман. Сиз, ҳув бешинчи қаторда ўтирган йигит, дейман бировига. Маъноли кулиб турибсиз... Ҳойнаҳой, «домла алланарсаларга шама қилаётибди», деб ўйляяпсиз, шундайми? (Ҳамма кулади. Ўзим ҳам «артислик» қилиб, тингловчиларнинг қувноқ кайфиятини қўллаб-қувватлашиб юбораман. Яна жиддий қиёфага кираман-да, суроқларни тўхтаб қолган жойидан давом эттираман.) Сигир согиб кўрганмисиз? Сигир согиш аёлларнинг иши дейсизми? Аҳдан ва саҳлан (Марҳабо!)... Ўнтадан тўққизта суроқ (агар ҳаммаси бўлмаса ҳам) жавобсиз қолади.

Тарс ёриламан. Хуш, нимани биласиз ўзи, буталарим? Бирор ёпган нонни ейиш, бирор айттан қўшиқни тинглаш, бирор соққан сутни ичиш ҳар кимнинг қўлидан келади. Ўзларидан сўрасак?..

Ҳув анови, бурчакда кўзларини яшириб ўтирган бир қизгинага мурожаат этаман. Ҳуш, Сиз қаерликсиз? Ҳа, Тошкент шаҳриданман. Навбатдаги саволларни кутмасданоқ гапни илиб кетади: роял чалишни биларкан. Унча-бунча расм чизаркан. Кашта тикаркан. Матбуотда бир-иккита шеъри ҳам чиқибди. Тандирда нон ёпа оларкан. Дилем ёришиб кетади. Офарин. Дадангиз ким бўлиб ишлайдилар? Шу ерда, Тошкент техника дорилфунунида Ўзбекистон тарихидан дарс берадилар. Ҳай-ҳай! Ойингиз-чи? Аям табиб ва экстрасенс. Бемор кишиларни даволайдилар. Ў, ноёб мутахассис чиқиб қолдилар-ку. Маълум бўладики, ўзлари олий маълумотли дўхтир эканлар. Психотерапевт. Хайрият-е, дейман, ўзимча мамнун бўлиб. Дарвоқе, тожик ва усмонли турк тилларини унча-мунча биларкан. Қайси маҳаллада турасизлар? А, Ависена кўчасида? Галат... «Ависена» ким ёки нима ўзи? Билмадим. Дадангиз ёки аянгиздан сўрамаганмисиз?

Сўраганман. Билишмас экан. Бу нима эканини кўчамизда ёшу қари ҳеч ким билмайди: нафақат Ўзбекистон ёки Марказий Осиё, балки Ўрта ва Яқин Шарқ, аллхусус, бутун Шарқ, Оврупо ва Осиё, ҳатто Амриқ ва Австралия қитъаларида донги чиқсан, борингки, дунё яхши танийдиган ўзимизнинг улуг алломайи шайхур раис, улкан табиб, қиёси йўқ мутафакир ва мутафанин олим Абу Али ибн Синонинг табаррук номлари бу! Оврупода ул зотни қандай атайдилар, биласизларми? Ўша қизнинг ўзи жавоб беради: Авиценна. Баракалла. Бор экансизу! Ана шу ўрисча талаффуз ва ёзувода — «Авиценна». Лотин ёзуви ва талаффузида эса — «Ависена» бўлади. Мени ҳайрон қолдираётган нарса Тошкентнинг бир кўчасига шундай ном қўйилгани эмас, балки Ибн Сино бобомизнинг исм-шарифлари ул зоти пок таваллуд топган ўзимизнинг Бухоройи шарифдан эмас, балки, нечук тақдир ила узоқ Овруподан, лотинча талаффузда кириб келганидир! Фараз қилинг: агар ҳозирги Юнонистоннинг Афина шаҳридаги кўчалардан бирига... «Афлотун» деган ном берилса, бу ким эканини ҳозирги греклар қаёқдан ҳам билсин. Улар Платонни билишади. Бул улуг ҳакимни Шарқда, биз туркийларда (ўзбекларда ҳам) арабча алфозда «Афлотун» атапларидан улар бехабар бўлиши ажабланарли эмас.

Мени тинглаётганлардан бири, ниҳоят, «ўзини кўрсатмоқчи» бўлади. Тош кўтариш, кураш тушиш, кўпкари бизнинг ишимизмикин, домлайи киром? Мана, маҳсус Бадан тарбия институти, ҳарбий мактаблар, ҳарбий академия бор... Ҳим. Яна бири тилга киради: ашулахонлик, дойрасозлик, рубоб чалишга, сурат чизишга Консерватория, Театр-рассомчилик олий билимгоҳи, маҳсус билим юртлари бор... Уларни ўша ерда ўқитадилар. Шундайми? Ҳим! Тагин бирори ўтирган жойида луқма ташлаган бўлади: нон ёпиш, ош дамлаш, сигир согиш ҳам иш бўлибдими! Ўзлари саводсиз бўлсалар-да, мана бизнинг бувимиз дўндирадилар-да бу ишларни... Ҳим!!

Ундаи бўлса, тақсирлар, Сизлар билан ҳеч қачон умумий тил топа олмас эканмиз. Хўш, қани айтингчи, дунёвий спорт турларидан ва мислсиз санъат бўлмиш шоҳмот Ҳиндистон, Эрон ёки Марказий Осиёда кашф қилинган, деб ҳисобланади. Не ажабким, бу гўзал ақдий спорт турини бизнинг аждодларимиз, ота-боболаримиз кашф этишган бўлса-да, би-

рона та жақон чемпиони бўлганми? Йўқ. Жақон совриндорлари нари турсин, юзлаб гроссмейстерлар орасида биронта ўзбек ёки турк, тожик ёки афгон, татар ёки озарий йўқ. Ҳеч кимга сир эмас: яҳудийлар биринчи ўринда! Ўнтадан тўққизта гроссмейстер—яҳудий, агар жато қилмасам. Сизнинг мантиқингизга кўра, қачон Тошкент Баданишунослик институтидан жақон чемпиони чиқишини кутиб ўтиришимиз керак экан-да? (Жамоа кулади, мен хомуш тортаман). Мамлакатимизнинг жанубий чегараларини, келажаги буюк давлат Ўзбекистонни қачонгача шимол аскарлари келиб «қўриқдашиб» беради? Ҳарбий иш деса аксарият ёшларимиз даг-даг титрайди. Ие! Ким айтади бизни Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Заҳириддин Муҳаммад Бобур-гозий, Ҳусайн Бойқаро, Шайбонийхон, Паҳлавон Маҳмуд, номлари бутун дунёни титратган машҳур фотиҳ, жаҳонгир, саркарда, довюрак мутафаккирларнинг ворислари деб. Маршал ҳақида гапирмайман. Собир Раҳимовдан ўзга, ўзбекдан нечта жанговар генерал бор? Уларнинг, лоақал, номларини биласизми?.. Мақтаниш, аравани шалдиратиб қуруқ олиб қочишга бўлса суягимиз йўқ. Нон-ош бувимларнинг бўйнида, деди кимдир. Қуллуқ. Аксинча бўлиши керак эмасми? Сиз бувингизнинг бўйнида ўтирибсиз. Фалокат шунда-да. Ўзингиз буви бўлганда кимнинг бўйнида турасиз? Фикрингиз палагда. Шунинг учун дейманки: ўзбек бўлинг ва яҳудий бўлинг. Алҳамдулиллоҳ, муслим ва муслималармиз. Аллоҳга шукур, туркий қавм, ўзбекмиз. Аммо бу кифоя эмас. Бугун биз, дини, ирқи, миллатидан қатъий назар, дунёнинг барча илгор ҳалқларидан ўрганишимиз, ўзимизга керак бўлган нарсаларни улардан олишимиз даркор. Масалан, дунё фани, техникаси, санъат, спорт, тил билгичлик, савдо-сотиқ ва молиявий сиёsatда уларнинг олдига тушадигани кам. Илло, ота-онангиз не ҳасратда Сизларни бу ерда ўқитиб ётганининг боиси не? Яҳудий даставвал нима қилади? Бола тарбиясига жуда катта эътибор билан қарайди. Емаса емас, ичмаса ичмас, киймаса киймас (ваҳоланки, ейишни ҳам, ичишни ҳам, кийиниши ҳам жойига қўяди!), боласи — ўтил-қизини тарбиялади. Сир эмас: ўзига, динига мустаҳкам. Қорни тўқ, уст-боши бут бўлишини таъминлайди. Соглом қилиб ўстиради. Биринчи галда керакли тилларни ўргатади. Мусиқавийликка алоҳида

диққат қиласы. Ана ундан кейин — спорт. Ёнидан күшімчалықта харажат қилиб бұлса ҳамки, фан асосларыни, аввало, табиий-риёзидегі ҳамда техника фанларыни әгаллашига күшиш қиласы. Үз ҳақ-хуқуқини яхши танийдиган қиласы фарзандини. Эшиқдан қувилса, тешікден киради... Құргонни әгаллады. Яна бир мұхим фазилати: бу ақыл міллат. Үз дин-диенатига садоқатли. Яхудийдан қашшоқ, тиламчи-гадо чиқишига асло тоқат құлолмайды. Буни бутун міллатта искенде деб тушунади. Арзимаган нарса учун үз қавмини сотмайды. Ҳа! Умрида бир-бирини құрмаган иккі жуғуд бир-бирини бир чақирим масофадан туриб танийди. Исидан! Табиий, уларда ҳам, үзларича, олий ва паст ирқлар бор. Лекин мұомала ва оқибатда әнг паст жуғуд ҳам улар учун бошқа міллат кишиларига қараганда устун ҳисобланади. Уларни ҳеч ким «міллатчи» демайды. Эңтімод, минг йиллар давомида үзининг тубжой ватани бұлмай келганиданми ёки бошқа сабабдан, улар ҳар қандай міллатни ичдан емирадиган маҳаллийчилік иллатидан батамом холи. Бу гапларни айтишим уларни қандайдыр олий ирқ, мұмтоз міллат деб билишимдан ҳам эмас (ҳар бир міллатнинг үз билүүрий хислатларию, нүкssonлари, құсурлари бұлады, бундан яхудолар ҳам холи эмас). Айни шундай фазилатларни мен үз міллатимизда ҳам күришни жуда-жуда истардым.

Инглизлар билан финнлар, фаранглар билан араблар, олмонлар билан түрклар, японлар билан афгонлар, испанлар билан италянлар, руслар, лотишлар ва бошқа міллатлардан ҳам ўрганадиган нарсаларимиз жуда-жуда күп. Шак-шубҳасиз, үзбекнинг ҳам жағон халқарининг инсоний-миллий қазинасига инъем этишга арзигулик (багри кенглик, саховатпешалик, меңнатсеварлик, тұғрисүзлик, ялангтүшлик...) ажайиб-гаройиб сифатлари мұл.

Үзбекистон — келажаги буюк давлат деб шоён қылған эканмиз, бу келажакни таъминлайдиган, уни чинақам буюк қиласын омиллар нималардан иборат? Бу бир карра буюклик шоҳсупасига олиб чиққан муazzзам, салмоқдор тарихга зәға бўлганимиз.

Аммо тарих бу тарих. Фақат жаноби тарихнинг ўзи билангина яшаб бўлмайди. Агар у ҳар қанча шукухли, долзарб, бой ва кўхна бўлган тақдирда ҳам. Кеча еган овқатингиз билан бугун тўқ юролмайсиз-ку. Тарих шу вақтда тарихки, у бугунга хизмат қиласа.

Менга, афандилар, таъбир жоиз бўлса, бугунги тарих, жонли тарих, ҳаракатдаги тарих, менинг эртанги күнимни чарогон қиладиган тарих керак. Ҳадеб бой ўтмишимизни пеш қилавермай, ўша ўтган кунларимизга содик бўлиб қолган ҳолда, бугун ўзимиз, ўз қўлимиз билан ўз тарихимизни яратишимиш даркор. Агар аждодларимизнинг руҳи шод бўлсин десак. Акс ҳолда, тарих бизнинг устимиздан кулади. Бу эса фожеа. Қарамайсизми, айтарли тарихга эга бўлмаган халқлар бугун чинакам тарихий ишларни бунёд қилаётиди. Башарти, бой ўтмиш меросимиз, ноёб осор-атиқаларимиз бугун бизнинг юксалишимизга халақит қилса, ундан парҳез қилиб турайлик. Мен бу билан минг йиллик тарихимизни унудишига чақираёттаним йўқ. Аксинча, уни бойитишига, янада инсонийроқ, янада мазмундор, гўзал, мусаффо қилишга даъват этаётиман, азиз ёш биродарларим. Бой тарихимизни янада бойроқ, янада тарихийроқ қилишга чақираётиман. Бу эса Сизнинг қўлингизда.

Албатта, дарё бир марта оққан ўзанидан яна оқади... Оққанда ҳам қудратли куч ва салдам билан тўлиб-тошиб оқади, иншооллоҳ. Мамлакатнинг жўғрофий мавқеи (Марказий Осиёнинг қоқ маркази бўлиб турганлиги), катта табиий бойликлари ҳам бунга далил бўла олади. Айниқса, халқининг салоҳияти, тинчликсеварлиги, ўзаро фуқаровий ҳамда миллий тутувликка мойиллиги, атроф билан яхши қўшничилик муносабатлари ўрната олгани, феъли кенглиги, багри бутлиги, иймони басаломат экани, ҳалоллиги ва нијати тўғрилиги ҳам шундан далолат беради. Минг йиллар мобайнида аждодлари кўриб-кечириб келган халқ бу. Катта табиий ва ижтимоий имкониятларга эга бўлган эл-юрт. Бари тўгри. Бироқ имконият, ўз номи ўзи билан, имконият. Бор-йўғи. Қулай фурсат етилмаса, имконият амалга ошмай қолиши ҳам мумкин. Ёки, аксинча, айтарли табиий бойликларга эга бўлмай туриб, мамлакат кўтарилиб кетиши ҳам ҳеч гапмас. Айтайлик, шўровий воқелик шароитида халқимизнинг миллий салоҳиятини таъминловчи илдизлар қирқиб қўйилди. У бошқа эл-юртларга, шимолга бусбутун қарар бўлиб қолди. Уни юксакликларга олиб чиқадиган қанотлари қайрилди. Биз ўзимизни ҳар қанча «ҳур», «эркин», «тengлар ичра teng» деб атаган бўлмайлик, том маънода мустамлака эдик, холос. Мабодо, чиндан ҳам, бошқа республикалар ичра бирон

нарсада «тенг» бўлсак, ҳуқуқсизлиқда, эрксизлиқда тенг здик. Дейлик, Японияда бунинг томоман акси содир бўлди. Уруш талафотлари ва урущдан кейинги оғир асоратлардан ўзини ўнглаб, Америка ҳамда Гарб оламининг катта ёрдами, туттан тутими, ўз ҳалқининг гайрат-шижоати натижасида ўзини тиклаб, жаҳондаги энг кучли еттита давлат қаторидан ўзига тўла муносиб ўринни эгаллади.

Лол қоласан киши. Японларнинг табиий-жўгрофий ҳолати ниҳоятда ноқулай. Бизники сингари хилма-хил қазилма бойликларга эга эмас. Даҳшатли зилзилалар ҳудди шу ерда бўлиб туради. Хуллас, табиат уларни ҳар томонлама қисиб қўйган. Тамомий ҳомашёни четдан ташиб келтиради. Ман-ман деган бошқа ҳалқ уларнинг шароитида ҳатто қорни тўйиб нон ейиши ҳам маҳол. Шу билан баробар, бутун Осиё қитъасида ва жаҳонда Япония ўз хўжалиги, фани, техникаси, маданиятини бекиёс даражада ривожлантирган. Япон кишилари ман-машлик шималигини билмайди. Белан-чақда ётган гўдагининг қулогига қуяди: сен япон фарзандисан; сенда табиий бойликлар йўқ; доимий таҳлика огушида яшашга маҳкум этилгансан; ночорсан; худо асрасин сени; баҳтингни ўз қўлинг билан яратасан; шундай шафқатсиз ҳаётта ўзингни тайёрла!

Ўзбекистоннинг, ўз ўтмиши сингари, келажаги буюк давлатта айланиши учун бугун амалга оширилаёттан бир қанча ишлар кишини хурсанд қиласди. Булар: кексаларга яхши мурувват кўрсатилиши баробарида, ёш авлод тарбиясига алоҳида гамхўрлик қилинаётгани. Ёш истеъдодларга кенг йўл очилаёттани. Хорижий мамлакатларга бориб ўқиш, ўрганишнинг ҳар томонлама рағбатлантирилаётгани. Йқтисодий-хўжалик, илмий-техникавий, агарар ва молиявий соҳалардаги қайноқ фаолиятларни айтмай қўя қолай. Бутун мамлакат бемисл улкан қурилиш майдонига айланди. Таълим-тарбия, билим, маънавият ишларини яхшилаш соҳасида тагинам бир қанча тадбирларни амалга ошириш зарур, деб ўйлайман. Чунончи, энг сертармоқ маориф хўжалигининг барча йўналишларини (болалар боқасидан — мактабгача...) тубдан қайта қуриш керак. Олий таълим соҳаси ҳам ҳудди шундай қайта қуришга муҳтоҷ. Барча ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмаларнинг мундарижасини ҳам, мазмунини ҳам синчковлик билан қайта кўриб чиқиш лозим. Соғлом ва чуқур мил-

лийлаштириш майлига кенг йўл очилиши даркор. Зеро, эркин ҳаётга юзланган фуқаро кечаги ҳуқуқсизлик, қуллик, мутеълик, гунгалак ҳолат мафкурасини ўзида, онгида ва аъмолида минбаъд «таши маслиги» керак.

Мен бутун мамлакат бўйлаб чинакам илмий-техникавий тафаккурнинг яратилиши, барқ уриб ривожланиши ва чуқурлашувини жон-дилим билан орзу қиламан. Замонавий-саводхон техниклар, муҳандислар, конструкторлар, алоқачилар, компьютерсозлар, учувчилар, фазогирлар (космонавтлар), йўл қурувчилари ва бошқа юзлаб касб-иҳтинос эгалари даставвал ўзимизнинг қора кўзлардан бўлишини хоҳиш этаман. Бунинг учун мамлакатнинг барча шаҳар, туман, қишлоқларини ёш техниклар клублари, муҳандислар уюшмалари, ҳунармандчилик тўгараклари, қўшма корхоналар қошида ёш-ялангларга ҳунар ўргатувчи маҳсус бўлим ва лабораториялар ишлаб туришини кўргим келади.

## 5 - фасл

### ИБРАТ

Сиз омадли, билимли йигит ва қизлар экансизки, бугун ўзингиз орзу қилган университет, академия ёки институтта, ўрта маҳсус билим юртига ёхуд ҳунар техникумiga ўқишга кирдингиз. Ажабмас, шаҳарни ҳам — бу хоҳ Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганч, Гулистан, Наманган ё бўлмаса Париж, Берлин, Лондон, Братислава, Қоҳира, Истанбул бўлсин... — биринчи марта кўриб тургандирсиз. Ота-она, қариндош, хешу таборнинг бевосита ҳомийлигидан чиқиб, мустақил яшаш ҳуқуқини қўлга киритдингиз. Бу шаҳарни ўзингиз учун биринчи марта кашф этаётисиз. Шаҳар ҳам Сизга ҳайрат-ла боқиб турибди. Турган гап, жойига қараб, бу ерда одамлар ҳам бошқача. Урф-одат, таомил, муомала-муносабатларда ўзгачалик бор. Аллақандай «галатироқ». Яхши одамлар кўп. Унда-бунда бўлса-да, нияти бузуқ, фирибгар, ахлоқсиз шахслар ҳам учраб туради. Начора. Элчилик-юртчилик. Сизда ҳали ҳаёт тажрибаси йўқ. Балким табиа-

тан бүш-баёв, ишонувчан, эрка ёки раҳмдил одамсиз. Шу боис кимлар учундир лақиљатиш, алдаш, чув туширишга жуда қулай «материалсиз». Күзингизни очинг, ҳушёр тортинг. Не-не донолар ҳам гоҳи пайтларда емаган сомсага пул тұлаб қоладилар. Сиз ҳали ким булибсиз! Йүг-ей, барчага бирдей шубҳа-гумон билан қаранг, демоқчи эмасман. Лекин үзингизга ва атрофға әхтиёт бўлиш ҳеч қачон зиён қилмайди. Ёмон кўзлардан асрасин.

Ҳамма вақт азал-азалдан дунёнинг энг оқилю доно инсонларини банд қилиб келган ўтли, дардчил бир савол қаршингизда кўндаланг бўлиб турсин: «Нима қилмоқ керак?»

Зинҳор-базинҳор, Саъдиевнинг ишини қила кўрманг. Қайси Саъдиев дейсизми?

Бир вақтлар улфатлар билан шоҳмот ўйнаганимизда, тахта устида, 64 катакда ўта чигал, зиддиятли вавъзият юзага келар экан, бир қалин дўстим хиёл ўйланниб, «а-ҳа, шундай ҳолатда Саъдиев нима қиларди?» деб қўярди. Бу гапни тез-тез такрорлаб туради у. Бир куни сўрадим:

— Саъдиев деган одам ким ўзи, тақсир? Ҳойнаҳой, ўткир шоҳмотчи бўлсалар керак, а?

У маза қилиб кулади ва айтиб берди: ҳар гал ўйин чогида жуда оғир муаммо юз берганида, қандай юриш қилишга қийналар экан, нақ ярим соат ўйлаб-уйлаб, айни ўша ҳолатда қилиш мумкин бўлган... энг қўпол хатони қилиб қўяркан!..

Яхшилардан ибрат олинг. Ахлоқ, маънавий ҳаётнинг негизи ибрат. Ёмонлардан ҳам ўрганинг: улар қилған ишларни қилманг. Бу ҳам сабоқ. Нияти бузуқ кишиларнинг даврасига тушиб қолишдан әхтиёт бўлинг. Қозонга ёндошсанг қораси юқар, ёмонга ёндошсанг балоси юқар, деб бежиз айтмайдилар. Яна бир яхши гап бор: Сен менга дўстинг кимлигини айт, мен сенга үзинг кимлигингни айтаман. Демак, дўст топиши билинг. Бу, бир ҳисобда, жуда қийин иш. Эшитмаганмисиз: Ишонмагин дўстингга, сомон тиқар пўстингга деган нақдни? Эхтиёт бўлингким, топган дўстингиз иблис ёки нодон бўлиб чиқмасин. Зоро, яна ҳалқда мақол ва нақл борким: Дўсти нодондан душмани доно яхши; Эй худойим, сен мени дўстлардан асра, душмандан ўзим бир амаллаб қутиласман.

«Абулмаъоний», яъни «Маънолар отаси» деган ша-

рафга эга бўлган Мирзо Абдулқодир Бедилда (1644-1721) шундай ажойиб пурҳикмат рубоий бор:

*Ҳар кўзки, агар олмаса ибрат, кўрдир.  
Ҳар луқма, агар бермаса лаззат, шўрдир.  
Ҳар тўн, агар ўзгармаса, тўнмас у кафан,  
Ҳар хонаки, бирдек тураверса, гўрдир.*

Ибрат! Агар ибрат олмас экан, кўз — кўр. Сиз учун, эй навқирон авлод, муҳими — ибрат. Буни ўзбек тилининг изоҳи лугати шундай таърифлайди: «Ибрат. Одамлар учун намуна, ўрнак бўладиган ишҳаракат, воқеа, ҳодиса... Нодон сўзлар, доно ибрат олар (мақол)» (1, 312-бет). Ибратдан тақлид келиб чиқади. Кўр-кўrona тақлид, бировга эргашиш, унинг етовида юриш яхши эмас, аммо яхшиларга, дуруст нарсаларга тақлидни ҳам ёмон деб бўлмайди. Тақлид қилинг, аммо тақлидчи бўлиб қолманг.

Инсоний нарса ва ҳодисалардан ибрат олиш зоҳирий (ташқи) жараён. Гайри инсоний воқелиқдан инсоний маъно топиш эса Сиздан чуқур мушоҳадани, жараёнларнинг ичига чуқур кириб бориш, теран ақлидрокни, мазкур жараёнларни бир қанча муҳитларда синаб кўриш, муқояса этиш (чогиштириш) қобилиятига эга бўлишни талаб қилади. Бизда соҳалар бўйича тор ихтисослашиш ижобий маънода илмий, назарий теранликни таъминлаган бўлса-да, кенг маданий-маърифий, қомусий тафаккурга зиён етказди. Айтишларича, ўнг кўзни даволайдиган дўхтир чап кўзни даволаёлмайдиган бўлиб қолди. Бир фан борки, номи фалсафа, энг кўхна фан соҳаларидан бири. У тор ихтисосликларни ўзига хос тарзда умумлаштиришга даъват этилган. Афсус ва надоматлар бўлсинким, тургунлик, қизил жоҳилият даврининг фалсафаси ҳам илмий холислиқдан маҳрум бўлиб, ўзи чуқур инқирозга учради. Бизда шундай бир аҳвол юзага келдики, нима ва ким кўп? — фалсафа ва файласуф кўп; нима ва ким йўқ? — фалсафа ва файласуфлар йўқ... Бўлса ҳам анқонинг уругидай кам. Биргина фалсафа эмас, деярли барча ижтимоий-инсоний фанлар (иқтисодиёт, тарих, руҳшунослик (психология), мантиқ (логика), даҳрийлик (атеизм), адабиётшунослик ва ҳоказолар) ана шундай инқирозга учраган эди.

Тор ихтисослашув мутахассиснинг малакасини оширади, аммо амалий фаолиятини чеклайди. Айни

вақтда, торлик касалига дучор бўлмаслик, мутаассиб ўқитувчи, олим, врач, муҳандис бўлиб қолмаслик учун ёшлар ҳозирдан, шу кун ва шу ондан бошлаб вақтини кўпроқ кутубхоналарда ишлашга сарфлаши, илмий ва бадиий адабиётлар ўқиши, мутглаага зўр бериши даркор. Адабиёт мутолаа қилишнинг ўринини бошқа ҳеч нарса билан қоплаб бўлмайди. Маъруза ва машғулот маҳалида Сиз домла учун дарсхонада, айттайлик, йигирмадан бир улушсиз. Китоб устида мустақил ишлаганда эса ҳар гал ва мутгасил атоқли, билагон аллома-муалиф билан юзма-юз қоласиз, «суҳбатлашасиз», «баҳсга киришасиз», ўсасиз, чуқурлашасиз... Бу Сиз учун мутлақо беминнат хизмат (хизмат-беминнат!) Бас, кутубхоналарда изланиб, «ивирсиб», «тимирскиланиб» юришни, мутолаани одат қилинг. Бахтиңизни худди шу ердан топасиз. Бу маскан Сиз учун, мўмин-қобил шогирдларим, муқаддас саждагоҳ, бамисоли билим ва маърифат Каъбаси. У ерда Сизга жаҳоншумул мутафаккирлар, олиму уламолар, фан ва жамоат арбоблари, қўли гул мутахассислар, қилни қирқ ёрган соҳиби ҳунар инсонлар, дунё кўрган сайёҳлар, шуҳрати етти иқлимга кетган машҳур адиллар мунтазир, Сизни илҳақ бўлиб кутмоқдалар. Уларнинг ҳузурига, суҳбатига шошилинг...

Маълумингизким, ҳар бир нарса ва ҳодисотнинг бир қанча қирралари, турфа талқинлари, хилма-хил маънолари булади. Зукко файласуф-шоиримиз Абдулло Ориф ҳайратомуз бир гапни айттан эди. Қадимда Шарқнинг атоқли шоирлари ижоди бўйича маъношунос мутахассислар бўлган. Масалан, Абулқосим Фирдавсий, Фарииддин Аттор, Хўжа Ҳофиз, Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб ва бошқаларнинг ижодлари йўналишида ихтисослашган шориҳлар. Улар, дейлик, кўнгил, калом, жон, ёр, дўст, фалак сингари сўз ва тимсолларнинг ниҳоятда хилма-хил маъноларда товланишини фарқлашган. Бир куни Мирзо Бедил шеъриятини талқин қилувчи кучли бедилхонлар тўпланишиб, мушоира қилишган. Улардан бири, энг зўр бедилшунос, Абулмаъонийнинг атиги бир каломидан тўқсон тўққиз маъно топиб, голиб чиқсан, шуҳрат қозонган. Қарангки, у кечаси уйқуга чўмганида, Мирзо Бедилни туш кўрган. Беназир шоир беназир бедилхонга мазкур сўзнинг... юзинчи маъносини ошкор эттан экан!

Тупроқ 1. Кавлаш, чопиш, ҳайдаш натижасида сочилиувчан ҳолга келган ер қатлами; ер; 2. Ер қатлами-нинг ўсимлик ризқ олиб ўсадиган устки қатлами; 3. Ўлган кишининг хоки; хок; 4. Кўчма — юрт, ўлка(Изоҳли лугат, II, 224). «Бир сиқим тупроқни» тупроқшунос мутахассис бир хил тушунса, руҳоний, шоир тамомийла бошқа маънода қабул қиласди. Улар бир-бирларини деярли тушунмайдилар... «Тупроқдан ташқари юрмоқни» ҳам барча бирдай англамайди.

Мирзо Бедилдан юқорида келтирилган рубоидаги «кўз» сўзини олайлик. Бу: 1. Тирик мавжудотнинг кўриш органи; 2. Назар, нигоҳ, қараш; 3. Кўриш қобилияти; 4. Нарсаларнинг бирор белги билан ажраблиб турадиган маълум қисми, бўлаги. Булардан ташқари, тилда «кўз»нинг юзлаб маъноларда жилвалиниши кузатилади: ёмон кўз, қора кўз, кўзи оч, кўзи тўқ, кўзи очик, кўз таниш, кўзи тирик, кўзи тор, кўзи қаттиқ, кўз бўямоқ, кўзи етмоқ, кўз ёримоқ, кўз илинмоқ, кўз очиб кўрган, кўзи очилди, кўз юмди, кўз тегмоқ, кўз тутмоқ, кўзига қарамоқ, ишнинг кўзини билмоқ, кўз олайтиromoқ ва ҳоказо. Бу ерда ҳам маъно, таъриф ва нуқтаи назарларнинг тармоқланиши шу даражадаки, кўз дўхтири, файласуф, табииётшунос олим, адаб, тадбиркорлардан ҳар бирининг «ўз кўзи» бор. Айтайлик, жой номларида ҳам атамашунос, исмешунос, жўғрофиюн олим, хариташунос ва маъданшунос-геолог мутахассисларнинг ўз ашё ва манфаатлари маълум бўлади. Айни вақтда уларнинг билим ва манфаатлари бир-бири билан туташиб, чирмашиб кетади. Масалан, «Темиртов», «Оҳангарон», «Мойлисой», «Олтинсой», «Кумушкон», «Кумушкент», «Зартепа», «Заркент», «Мингбулоқ», «Газли» деган номлар бежиз эмаслиги ҳеч кимга сир эмас. Бундай вақтларда турли соҳа кишилари бир-бирларига ёрдамга келишлари, умумий тил топишлари керак. Бунинг учун эса синчков, зукко билимдон бўлиш талаб этилади. Бас, гайрат билан тор мутахассис бўлиб қолишдан зинҳор сақданиш зарур.

Ибрат олиш қобилиятига эга бўлмаган одам баанин кўзи очиқ бўла туриб кўр бўлиб қолган жоҳил. Сувга кириб, қуруқ чиқишига интигувчи пуч хаёл муҳиби. Бундай киши тоқقا қараб туриб ҳам ҳеч нарсани кўрмайди. Ҳушёр, закий инсон эса ҳар бир майда заррадан, ҳатто кўзга кўринмайдиган нарсалардан ҳам тогдай катта маъно топа олади. Атрофингизга,

одамларга, беҳудуд коинотга, паррандаю дарранда, наботот оламига назар солинг, суқланиб қаранг, ўйланг, фикрга чўминг... Агар кўриш Сизга «халақит» қилса, кўзларингизни юмиб кўринг, ўзингиз билан ўзингиз юзма-юз, вижданингиз билан муноқаша уюштиринг. Э...Ана, кўчадан ит ўтиб бораётиди: сак-сак-сак... Нимани кўраётисиз, ёш муштарий дўстим? Нимани бўларди, итни кўраяпман-да, дейсизми? Хўп, шундай ҳам дейлик. Яна нимани? Ҳеч нимани. Вой, садага!

Итнинг асосий таърифини қисман билсангиз керак, албатта. Чунончи: 1. Уй-рўзгор қўриқлаш, ов овлаш ва шу каби мақсадлар учун сақланадиган тўрт оёқли сут эмизувчи уй ҳайвони; 2. Кўчма. Бироннинг манфаатларини ҳимоя қилиб, бошқаларга зулм ўтказувчи одам, малай; 3. Мучал йил ҳисобида ўн биринчи йил номи; сак (Изоҳли лугат, I, 338-339). Бизнинг кўзимизнинг қамров доираси шундан ташқарига чиқмайди ҳисоб. Ҳолбуки, ит ҳақида улуг мутафаккирлар, файласуфлар, олимлар, адабий асарлар ёзишган, фильмлар яратишган. Инсонга ит назари билан қараш ва итга инсон назари билан қараш мавзуига дидсиз, тўпори кишигина «ҳа-а» деб қўя қолади. Ваҳоланки, бу сирам «ҳа-а» эмас.

Ҳазрат Алишер Навоий кўзлари билан қарайлар. «Лайли ва Мажнун»да ўз қабиласидан мосуво бўлган Қайс маҳбубасининг ити билан дўстлашади. У тўрт оёқли бу жониворга ишора қилиб, дейди: «Бул ит эрмас. Итлиқ — менда». Ўҳ! Фавқулодда гўзал фикр. Айб итда эмас, балки итга итлик қилган инсонда. Бошқача айтганда: ит ит эмас, итга итлик қилган инсон ит. Бўлак бир уринда бўлса («Хазойинул маъоний») энди ўзга бир ҳақиқатни айтадилар ҳазрат:

*Ким кучук бирла худукка неча қилсанг тарбият,  
Ит бўлур, доги эшак, бўлмаслар асло одами.*

Итларнинг гавгоси гадойнинг насибасини қирқмас, демишлар Абулқосим Фирдавсий. Урушдан олдинги ўқув қўлланмаларидан бирида гаройиб бир расм бериларди. Хонадон гуриллаб ёнаяпти. Заҳарли қуюқ тутун, даҳшатли олов қаърига кириб бориб, ит ёнгин ичида қолиб кетган гўдакни тишида олиб

чиқади. У яна ўзини ўт багрига уради... Бироз фур-  
сатдан сўнг у тагин бир гўдакни олиб чиқади. Ёнгин  
фожиасини кузатиб турган одамлар бу манзарани  
кўриб, беихтиёр кулиб юборадилар: шўрлик кучук, ўз  
иссиқ жонини гаровга қўйиб, жонли инсон боласи  
деб фаҳмлаган кўйи... қўғирчоқни тишида олиб  
чиққан экан...

Ҳазрат Баҳовуддин Нақшбаңд кўчадан ўтиб бо-  
раёттан итнинг ортидан югуриб бориб, унинг излари-  
ни ўпадилар. Бу билан демоқчи бўлгандарким: « Ё  
Аллоҳ, қанийди Сенга вафодорлигим мана шу итнинг  
инсонга бўлган садоқатича бўлсайди!..»

Бир нарсага дикқат қилганмисиз? Онасидан янги  
туғилган кучуваччани асраб олдингиз, дейлик. У сал-  
пал «эсини таниганда», бир қарабсизки, суякни ерга  
кўмаётган бўлади. Кейинроқ очқаганида кавлаб олиб  
ейиш учун. (Масалан, мушук шундай қилмайди). Қан-  
чалар тежамкор, қаноатли мавжудот у. Хўракни еб  
бўлганидан сўнг, сарқити устига туфламайди, нонни  
хандакка ташламайди бир хил нонкўр одамлар синга-  
ри! Эҳтиёткор. Инсонлар овқат еб бўлгач, бетларига  
фотиҳа тортадилар. Шукроналик юзасидан. Бирорни  
кўриб фикр қиласан, бирорни кўриб зикр қиласан,  
бирорни кўриб шукр қиласан, дейдилар. Қизиги, бу  
қилиқни кучук боласи ўз онасидан ўрганганд эмас  
(гўдаклигига олиб асрагансиз-ку уни, онасини кўрса  
танимайди ҳам), балки қонида бор. Тугма-табиий аъ-  
мол.

Албатта, ит билан дўстлашаман деб уни тор,  
дикқинафас квартирага олиб кириш, у билан ёнма-ён  
хўрак ейиш, ҳатто кўрпа ичига олиб киришдан  
сақланиш даркор. Биласиз, гайри ўзбек бир тоифа  
аҳоли ўртасида бундай ҳоллар ҳар қадамда учрайди.  
Шу бекор иш. Шарқ ахлоқи, ислом дини буни жуда  
асосли бир тарзда батамом ман этади. Бехосият одам-  
ларни «сак нафас» дейдилар. Сабаби, кучукнинг на-  
фасида инсон ҳаётига зарар етказадиган микроблар  
бор. Шунинг учун у кенг ҳовлида, далада, одамлардан  
аллақанча (қирқ қадам) нарида яшashi, бот-бот мол  
дўхтирлари назаридан ўтказиб турилиши даркор.  
Бунга риоя қилмайдиган, ўзи билан ҳайвонот ўрта-  
сида маълум масофа сақламайдиган одамлар  
согликларига путур етказишлари тайин. Нега кучук-  
бозлар тор жойда кучук сақлайдилар? Бундай  
тақдирда квартирага бошқа уй ҳайвонлари — қўй,

тұнгиз, әчки, бузоқни ҳам олиб киришга жазм этиш мүмкін. Нега мүмкін бұлмасин! Йүқ, инсон яшайдыған жой билан молхона ўртасыда фарқ бўлиши керак. Асосий тамойил (принцип) шундай бўлгани яхши: Ҳайвонот борки, шафқат қил. Ердамга кел. Улар сенга муҳтож! Итни ҳалоқатдан сақла. Ит билан дўст тутин. Лекин ўзинг ит бўлиб кетма.

Гап ибрат хусусида экан, ибратдан ибрат олиш, яъни ҳайвон зотининг одамлардан ибрат олиши ва бу билан яна қайтиб одамларга ибрат бўлиши кишини ҳайратта солади.

Раҳматлик устоз Фузайл домла Исломов Жалолиддин Румийдан айттан бир воқеа сира ёдимдан чиқмайди. Бир бақдолнинг маймуни бор экан. Маймун ўргатилган бўлиб, эгаси йўқ пайтларда бақдоллик дўконини қўриқлаб турар экан. Ҳар гал у маҷитта намоз ўқигани равона бўлганида, ўрнига бемалол маймунини қўйиб кетавераркан. Кунлардан бир кун пешин намози вақтида бир одам дўкон олдига келибди-да, маймунни лақиллатибди. Иккала қўлини тепага кўтарган экан, маймун ҳам тақлид юзасидан қўлларини кўтарибди. Одам қўлларини кўксига қўйса, маймун ҳам шундай қилибди. Учинчи мақомда бояги киши икки кафти билан қўзларини беркитса, қорувул-маймун ҳам қўзларини қўли билан маҳкам тўсиб олибди!.. Шу пайт ҳалиги нияти бузуқ найрангбоз дўкондаги ҳамма бойликларни, ақчаларни апил-тапил қўйнига солибди-да, жўнаб қолибди... Дўкондор ибодатдан қайтиб қарасаки, ўгри ҳаммаёқни шилиб кетган. Жаҳли чиқиб, маймунни роса калтаклабди.

Эртаси куни аҳвол яна тақрорланади. Пешин пайти ўгри келиб, биринчи, иккинчи қўл мақоми ҳаракатларини қилганида, маймун тушмагур, яна тақлид қилиб, ҳаммасини батамкин бажаради. Қўллар кўтарилиб-туширилади. Сўнгра қўкракка қўйилади. Учинчи мақомга келганда, ўгри қўллари билан қўзларини юмган экан, маймун қўли билан пастки қабоқларини тортиб, йириб, қўзларини лўқ қиласди!.. Ўгри курадики, бу гал кечаги ҳийла-найранг иш бермайди. Ҳафсаласи пир бўлиб қайтиб кетади... Бир кун олдинги аччиқ сабоқ — калтак зарби маймунни «мулла» қилиб қўйган эди.

Балким эшиттансиз: Ҳиндистанда сигир гўштини тановул қилинмайди. Эътиқод юзасидан. Сигир ҳиндаларда тозалик, мусаффолик, гўзаллик рамзи. Оналик

тимсоли. Зотан бундай эътиқодда чуқур мантиқий неғиз борлигига ҳам иқрор бўлайлик. Сигир бизни боқади. Едиради, ичиради. Сутини истеъмол қиласиз. Ўзбекда ҳалол, инсоф-диёнатли киши ҳақида: у сигирнинг сутини ичмайди, бузоқнинг ҳақи бор деб, дея таъриф-тавсиф этадилар. Чиндан-да, ҳамонки сутини ичар эканмиз, сигир ўз-ўзидан бизга Оналик ўрнига ўтиб қолган бўлади. Бас, қандай қилиб унинг гўштини ейиш мумкин?! Бу нарса уларда гуноҳи азим ҳисобланади. Одамкушлиқ билан баробар.

Бу баҳсга муносабат билдирганда, бошқа бир далилни шафе келтироқчимиз, диққат қилингиз, азизлар. Байтуллоҳда ҳажда турганида, ҳожилар эгнида эҳром бўлган пайтида ва, умуман, зиёрат чогида бирон-бир жонли мавжудоту маҳлуқотни жонидан маҳрум этмаслиги — ўлдирмаслиги керак. Ҳаққи йўқ. Борингки, баданингизни бурга чақса ҳам ўлдирмайсиз. Негаки, одамзоднинг қони унинг учун ризқ-насиба ҳисобланади. Ўша қонхўр ҳашарот ҳам Аллоҳнинг назаридан ташқари эмас. Йисон ҳатто бургани ҳам яратади. Үнга жон ато этиш қўлидан келмайди. Бинобарин, бандаси ўзи бера олмаган нарсани олмаслиги керак. Ҳатто митти чибинни ўлдиришга ҳам маънавий ҳаққи йўқ. Кўкариб турган дараҳт навдасини эрмак учун юлиб ташлашга ҳадди сигмайди. Сабаби, дараҳт яратиш нари турсин, биргина навда, барг, куртак, гул, бир дона мева бунёд этиш ҳам Аллоҳ таолонинг амри-иродасига вобаста. Бир томчи сувни исроф этишдан ҳам сақланиш зарур. Бу жиҳатдан раҳматлик Тилак Жўранинг қуидаги шеъри кишида, ҳақиқатан ҳам, маҳзун бир кайфият уйғотади.

*У бир қушча эди,  
Миттигина жон,  
Гоҳ у шоҳда,  
гоҳи бу шоҳда...  
Ҳеч ким үнга боқмасди ёмон,  
У бирорни қилмасди зада.  
Ўз ишқидан ўзи бўлиб маст,  
Эркин-эркин учиб еларди...  
Бўлиқ бошоқларни қилиб у ҳавас,  
Хирмонлар шаънига куйларди.  
Бир куни ўша қушча,  
ӯша митти жон*

*Кўнгилнинг эрмаги учун  
Бир ўқ билан берди жон.  
Ҳеч ким унга тутмади аза,  
Ҳеч ким бунга қилмади парво.  
Қуш зоти-ку кўп эрур, аммо  
Ўша эркин,  
ўша ҳур қуашча  
Энди йўқдир ёргу дунёда.*

Митти қуашча ҳақида митти шеър. Гӯё. Аслида, улкан инсоний фожеа хусусида катта адабий асар. Мазмуни романларга татийдиган.

Шарҳланиши лозим бўлган бир қанча муаммолар юзага қалқиб чиқади. Бордию, эҳромда турган ҳожи талабга риоя қилмаса, дейлик, бирон жонли маҳлуқни ўлдирса ёки дараҳтнинг шохини синдирса нима бўлади? Ўша одамнинг бутун риёзати бекорга кетади, ҳажи куяди. Бу хатони тузатишнинг иложи йўқми? Бор. Қўшимча яна бир қўй сўйиб, тагин қурбонлик қилиш буюрилади. Бу мантиққа зид эмасми, деб сўрасиз. Инчунин, босиб ўлдирилган атиги бир чумолини (?) деб бутун бошлиқ бир қўй (!) қурбон қилинадими? Бу қандоқ бўлди! Масаланинг туб негизи шундаки, бу ерда илоҳий фатво бор. Ва гоят чуқур бир мантиқ. Жонли ҳар қандай нарсани жонидан жудо этиш тақир ман қилинган. Қўй-чи? У ҳам тирик жон-ку, ахир! Шундай ва шундай эмас. Қўй Аллоҳ томонидан маҳсус қурбонлик учун жаннатдан чиқарилган. Биз Иброҳим халилulloҳ ҳамда ул пайғамбаримизнинг ўғли Исмойил алайҳиссалом билан боғиқ қурбонлик воқеасини айтиб ўтирумаймиз. Буни Қуръони Карим ва «Мұхаммадун Расулуллоҳ» фильмидан биласиз. Бошқача айтганда, бу ерда илоҳий фатво ёрдамга келади. Айни вақтда, муҳим гап шуки, илоҳий диний таълимот гайри инсоний эмас, аксинча, жамии иисонларнинг манфаатини ифодалайди, майшати ва фарогатига, осойишталигига хизмат қиласди. Агар кимда-ким, гараз ёки жаҳолат юзасидан, дин фақат охиратимиз учун керак, бу дунё учун хизмат қилмайди деса, ишонманг, чироғларим. Ислом дини ёргу дунёни ҳам, охиратни ҳам баббара-вар ўлаш, бири деб иккинчисидан кечмаслик лозимлигини қайта-қайта таъкидлайди. Чунончи, гуноҳлардан фориг бўлишнинг чораси сифатида қурбонлик, хайр-эҳсон, садақа тайинланган экан, булар

ким учун қилинади? Худо йўлига, деймиз. Хўш? Аллоҳ Сизнинг садақаю қурбонликларингизга «муҳтожми»? Йўқ. Хўш? Булар барчаси ўзига тўқ, бадавлат одамларга эмас, балки камбагал, етим-есир, ногирон, муҳтож, касалманд, фақирул ҳақир, гарibu гураболар учун қилинади. Исломнинг инсонийлиги, инсонпарварлигига шак келтириб бўлмайли. Мантиқ, ахлоқ, маънавият, одоб, яшаш тарзимиз — покизалик, тежамкорлик, раҳм-шафқат, беҳуда қон тўқмаслик, кайф берувчи ҳар қандай нарсалардан ўзни сақлаш, фаҳш ишлардан йироқ бўлиш, бироннинг ҳақини емаслик, ўғирлик қилмаслик ва ҳоказолар Аллоҳ ҳамда муборак Ислом томонидан қаттиқ тайинланган экан, бунинг нимаси ёмон? Кимлардан ва нималардан қўрқиш керак?

Ана энди сигир масаласига қайтайлик. Ҳиндистонда буддага сигинувчилар билан бирга мусулмонлар ҳам ёнма-ён яшайди. Улар орасида асрлар мобайнида диний номувофиқдиклар асосида ихтилофлар, жанжаллар, ҳатто қонли тўқнашувлар давом этиб келади. Ҳиндлар ҳайвонларни илоҳийлаштиради, уларга сажда қилади. Аҳли муслимлар наздида бундай эмас. Ҳамма нарса баний инсон учун яралган деб қаралади. Буларнинг қай бири тўғри? Ким ҳақ? Қайси миллиятнинг дини маъқулоқ? Минбаъд ёдингида бўлсин, азизлар. Агар гуноҳ ортиримайин, куфр қилмайин десангиз, масалани ҳеч қачон мана шу тарзда қўя кўрманг. Бу муқаррар фитнага олиб келади. Ҳар кимники — ўзига фарз. Қўшнинг кўр бўлса, кўзингни қис, дейди халқимиз. Андишани қаранг-а. Отанг коғир бўлса — томга чиқма, ҳам дейдилар. Бунинг маъноси нима? Мабодо отанг коғир бўлган тақдирда ҳам, томга чиқиб қорни курама, яъни унинг бошига оёқ қўйма, деган гоя илгари сурилади. Халқ даҳосининг азму қарори шу. Ҳиндлар сигир гўштини емайди, мусулмонлар бунинг акси. Муаммони «тўғринотўғри» тарзида қўймаймиз. Ҳиндлар ҳам, мусулмонлар ҳам — ҳар ким ўзича ҳақ. Баҳслашманг, бошқаларнинг эътиқоди, удуми, урф-одатларидан асло кулманг. Борингки, агар ўзингиз ҳам, фарааз қилайлик, ҳинд бўлиб тугилганингизда, нима қилардингиз? Муқаррар суратда шундай қилган бўлардингиз. Шундай эмасми? Тақдирга такбир айтиб бўлмайди. Нодоннинг ишини қилиш ярамайди: бирорларнинг устидан кулманг. Тўнгиз гўшти — насронийлар учун, ит гўш-

ти — корейслар учун ҳалол. Мусулмонлар учун — ҳаром. Спиртли ичимликлар хусусида ҳам гап шу. Бирорвнинг ибодатхонасига ўз рисоланг билан кирма, деган нақл бор ўрис мардумда. Она гап. Турли ҳалқлар, миллатлар, эл-элатлар, қабилалар, ирқи ва динидан қатъий назар, бир-бирларидан ўрганишлари, олишлари мумкин ва лозим. Албатта, ўз миллий такомили, эътиқоди, тараққиётни учун мақбул бўлган нарсаларни қабул қиласидар.

Қайси бир кинода кўрганингиз бор («Ўзбекфильм» маҳсулоти). Бир хонадон сойнинг нариги соҳилида, узоқ жойда яшаётган одамга ўз сигирини сотиб юборади. Муҳтож бўлганидан. Лекин хонадон катта, ҳовли соҳиби жўжабирдай жон. Ҳалиги сотилган сигир ҳар куни сойни кечиб ўтиб, ўзининг ўша олдинги манзилгоҳига келади ва ўзини согдириб кетади!.. Бу айни «ҳиндиёна», уларнинг фалсафасига мос-қойим манзара.

Инсон боласини обқочиб кетиб, «тарбиялаб» олган маймуналар, бўрилар ҳақида, от инсоннинг садоқатли дўсти эканлиги хусусида кўп эшилтансиз. Умуман, қайси ихтисосга мансуб эканингиздан қатъий назар, она табиат, ҳайвонот ва махлукот, майда микроблардан тортиб то фил, каркидон, наҳангларгача, кичик кўл ва ирмоқлардан тортиб то дунё океанларгача, оддий хонаки чумчукдан тортиб то бургуттacha, майда қумурсқадан тортиб асаларигача, илондан — чўл қурбақасигача,— ҳамма нарсани билишга ҳаракат қилинг. Эҳ-ҳе, табиат ҳақида минг-минглаб оммабоп китоблар, рисолалар, бадиий асарлар, фильмлар, ҳар хил қомуслар бор. Бу билимлар, ҳеч бир кутилмагандар, Сизга асқотиб қолади. «Ватанни севмоқ иймондан-дир» деб юрган билан иш битмайди. Бунинг учун Ватанга даҳлдор барча нарсалар: табиат ва инсон, конлар, шаҳар ва қишлоқлар, тарих ва жўғрофия, археология, космология, гидрогеология, астрономия, минералогия, адабиёт ва санъат асарларидан воқиф бўлинг. Уларни асранг, севинг, бойитинг, келажак наслларга бут ҳолда узатинг... Коинот ва табиатга боқинг: ҳайратомузким, дараҳтлар қишида уйқуга киради ва баҳор келиши билан уйгонади. Бу инсон жонининг ўлмаслигига, қазо қилган зот қиёматда яна тирилиши мумкинлигига ёрқин далил эмасми? Қаранг, эҳтиёт бўлинмаса, бир томчи илон заҳри кишини ҳалок қилиши мумкин. Шу билан баробар, ўша

бир томчи илон заҳри минг бир дардга шифо бўлиши йўригидан бу маҳлук бутун медисинанинг рамзига айланган. Асалари шу қадар мўъжизакор ҳашаротким, бунга эътибор қилмаган зот йўқ. У инсоният тарихининг бир саҳифасини ташкил этади. Биз фақат ҳашаротшуносликнигина назарда тутмаймиз. Ижтимоий ва инсоншунослик (ҳуманитар) фанлар, маданият, шеърият, тасвирий санъат, тиббиётда ҳам ўрганилади. Каломулода бутун бир суро асалари номига багишланган... Ватанимизда ўсиб турган сонсаноқсиз, ранг-баранг гиёҳлардан минглаб турдаги дори-дармонлар тайёрланади. Биз уларнинг лоақал номларини биламиزمий? Абу Али ибн Синонинг дунё табобати пойдеворини ташкил этувчи «Қонун фиттиб» (Тиббиёт қонунлари) асарини ўқиганмизми? Неча хил ҳашарот, маъдан, балиқ турини, қайси юлдузлар туркумини фарқлай оламиз? Мана шуларнинг бари Ватанимизга алоқадор тушунчалар ва уларни билиш биз учун вожиб.

Коинотга, Ватан осмонига разм солинг. Республикаимиз «қуёшли ўлка» саналади. Хўш? Қуёш ҳақида нималарни биламиз? Физика, астрономия, астрология, техника, фазошунослик (космология), ҳарбий иш ва бошқа соҳаларда бу ўзи катта, сертармоқ, муштарак ҳамда муҳтобр билимлар мажмуасини ташкил этади. Фан ва техниканинг келажаги, бутун башариятнинг орзуси саналмиш сайёralараро саёҳатларнинг тақдири, барқ ва иссиқлик қуввати танқислигидан қутулишнинг чораси Қуёш ҳазрати олийлари номи билан боглиқ. Қуёш нурисиз она Заминимиз абадий зулматга бурканган, ҳаёт бир йўла барҳам топган бўлар эди. Астагфурилло! Офтоб барчага баравар нур сочади. Йўқ, биз ўзбеклар Аллоҳнинг қанчалар азизу мукаррам бандалари эканмизки, У бизга бошқаларга қараганда кўпроқ ва хўброқ нур сочади. Коинотнинг бу илоҳий неъматига зор бўлиб ётган минтақалар қанча! Абадий музликлар-чи? Биқирлаб қайнаб ётган вулқоний ўлкалар-чи? У ўзи шифобахш, заррин мўъжизакор нурларини ҳеч нарсадан аямайди: тогу тошлар, чўлу саҳролар, сув ҳавзалари, далалар... барча майдон сатҳларига бирдай нур беради. Шунинг ўзи ҳам биз учун улкан бир ибрат. Инсон хилқати ҳам Хуршиди оламнинг бир зарраси. У ҳам қунишиб ўтираслиги, барчага баравар нур таратмоги даркор. Юксакликни — юлдузлардан, саховатни — Қуёшдан,

құдратни — чақмоқдан, хоксорликни — тупроқдан, серобликни — сувдан, кенг феълликни — самодан, салобатни — тоглардан, гүзаликни — гулдан, күй ва құшиқни — булбулдан олайлик. Буларнинг бари ва яна ҳазрати инсон бўлиб дунёга келганимиз, эътиқод, ақл-идрок, сеҳрли-мўъжизали жавҳар саналмиш муҳаббат учун Аллоҳ таоло ва таборакка сажда қилишга, ҳамд-санолар айтишга ботиний эҳтиёжимиз бор, айланайин чироқларим. Оллоҳ — Табиат — Инсон — Ватан бир бутун муштарак тушунчадир.

## 6 - фасл

### ҚУШ УЯСИДА КҮРГАНИНИ ҚИЛАДИ

Ва кўрмаганини ҳам қилади. Ёки: уясида кўрганини қилмайди... Юқорида келтирилган даил бунга яққол исботдир: кучук боласини ҳали кўзи очи-либ, ёруг дунёни кўриб улгурмагани маҳалида асраб олгансиз. Ит боласи ўз отасини умуман танимайди. Онасига эса то унинг қўкрагига қанчалик bogлиқ бўлгани қадар ва яна бир қанча муддат bogланиб, эркаланиб юради-да, маълум вақт ўтгандан сўнг ажралишиб, бегоналашиб кетади. Бу жоноворнинг асли тақдиди шундай. Унинг ризқ-рўзи инсонга bogланиб қолади. Ўз эгасига қуллуқ қилади. Умуман инсонга эмас, айнан ўз соҳибига ва унинг яқинларига садоқат бажо келтиради. Эгасини унинг рақибларидан асрайди. Киши ўзининг ганимларини билмаслиги ҳам муммекин. Аммо зийрак ити билади! Сезади, танийди. Ит ўз эгасини бамисоли Маъбуд ўрнида кўради. Ўзини ундан ташқарида тасаввур қиломайди. Садоқати шунчаликки, унинг учун «яхши» ёки «ёмон» эга бўлмайди. Бащарти, эгаси ўгри ёки кazzоб бўлган тақдирда ҳам, унга астойдил хизмат қилади. Эҳтимол, ота учун ёмон фарзандлар, фарзанд учун ёмон оталар ҳаётда учрап. Инсон учун бу жуда изтиробли, оғир дард. Аммо ит учун ёмон соҳиб бўлмайди. Умуман бу тўрт оёқли дўстимиз бир қанча ҳолларда ҳар қандай инсон боласининг ҳам қўлидан келавермайдиган фавқулодда оғир ишларни бажаришга қодир. Инсон Итта ҳайкал ўрнатар экан, бу Инсоннинг фақат олийжаноблиги эмас, балки ит олдидаги бурчдорлиги

ифодаси ҳамдир. Мен ҳар бир кишига унинг уй ҳайвонларига, кенгроқ айтсам, умуман ҳайвонот ва махлуқотга, ундан ҳам кенгроқ миқёсда айтсам, умуман табиатта бўлган муносабатига қараб баҳо бераман.

Ҳар бир жонзот фақат қўрганини эмас, балки табиатан ўз вужудига, қонига, руҳиятига индирилган наслий жавҳар (ген)га қараб «қилиқ» кўрсатади. Афсуслар бўлсинким, моддийўнчилик (материалистик) ақидаларига асосланган даҳрий фалсафа узоқ даврлар мобайнида бу ҳақиқатни, умуман ирсиятшунослик (генетика)ни идеализмда шафқатсизларча айблаб, рад этиб келди. Модданинг «бирламчилиги», руҳиятнинг «иккиламчилиги» (руҳ модданинг маҳсули эканлиги) ҳақиқидаги даъво худони ялпи инкор этишга олиб келди ва бу нафақат «совет ҳалқи»га, бутун жаҳон мамлакатлари ҳалқларига жуда қимматта тушди. Машғум худосизлик чегарасидан бошлаб инсоният ўзига ўзи суиқасд қила бошлади. Инсон учун таъкидланган нарса қолмади. Ҳалол билан ҳаром, савоб билан гуноҳ, маънавий поклик билан жирканч фаҳш ўртасидаги чегаралар бузилди, меъёрлар барҳам топишга юз тутди...

Наслдан-наслга ўтадиган сифатлар, фазилатлар бўлгани сингари, ирсий иллатлар, нуқсонлар ҳам мавжудлиги ҳаммага аён. Илгари ҳам аён эди, лекин тан олинмасди. Қанчалик тан олинмаган бўлса, одамзода, фанга шунчалик заرار-заҳмат етди. Қуш уясида қўрганини қиласди, деймиз. Тўгри. Бироқ, агар шундай мантиққа ёпишиб олсан, мана бу ҳолни қандай изоҳлаш мумкин. Олайлик, ота урушга кетиб ҳалок бўлган. Бола онасининг қорнида қолган. У тугилиб, улгайиб, камол топади. Қарабсизки, икки томчи сувдай, худди отасининг ўзгинаси! Одамлар кўриб ҳайрон қолишиади. Ё қудратингдан! Отабола, она-бола ёки ака-ука, опа-сингилларнинг афт-ангори ухшашлиги балким ажабланарли эмасдир. Аммо юқорида айтганим ҳодиса бутунлай бошқача. Фарзанд ўз отасини, ҳатто унинг расмини ҳам кўрмаган. Шундай бўлишига қарамай, фақат сиймоси эмас, бутун ички руҳий олами, қилиқлари, овози, шеваси, боқиши, кулиши, хатти-ҳаракатларигача худди отасининг қўйиб қўйган ўзгинаси.

Садриддин Айний домла Самарқанд давлат дорил-фунунида муайян бир муддат илмий ишларга

раҳнамолик қилган. Бир куни В. деган аспирант қиз домланинг ҳузурига келади. Суҳбат давомида маълум бўлганки, шогирд ўз вазифасини юз фоиз... адо этмаган. Раҳбар бунинг сабабини сўраганида, у ўзининг нўноқлигига иқрор бўлиш ўрнига, шикоятта берилиб кеттган.

— Ўзбаклар жудо миллатчи экан, домло. Манга сира кун беришмаяптилар...

— Ҳа-а. Шундойми?

— Худди шундой. Бу саҳройи, қишлоқиларнинг дастидан дардингни кимга айтишингни ҳам билмайсан одам. Сизни ўз отам ўрнида кўраман, домложон. Шуннинг учун ҳасратларимни ўзингизга айтаяпман-дия.

Айний домла сезганки, бу ёшгина қиз ўз устозини гел қилмоқчи (лақиллатмоқчи).

— Ундои бўлса, — дебди домла, — мен ҳам сизга бир оталик қиласин, дўхтрам (қизим). Қани айтингчи, аждодларингиз орасида битта-яримта зиёли, ўқимишли, заковатли мардуми бомаъни бўлганми? Масалан: эшон, мулло, мударрис, қози қалон, раис, мутавалли, имом?..

— Йўғ-ей, худо сақласин, домложон. Бундай хурофотчи, «эксплатурлар» (эксплуататорлар демоқчи) ўтмаган бизни етти пуштимизга. Ҳаммалари эзилган, мазлум қулбаччалару чўрилар бўлган. Отамиз бойнинг чоракори, етимлик қилган. Бибимиз чўри. Бибимизнинг бибилари ҳам бебизоатлардан (бисотсиз, камбагал).

— Китоб ўқишиганми, акнун?

— Ийбий, домложон, нега ундоқ дейсиз? Хат-савод қайга?!

— Бас, ҳамма гап аён. Ман Сизни аспирантуриядан бадар қиласман. Тўрт томонийиз қибла. Аспирантурия раисига бориб айтинг. Айний мани ўқищдан бадар қилдилар дeng, хайми?!

— Ийбий... Домложон...

— Боринг, боз айтингки, Садриддин Айний ҳам ўша «саҳройи ўзбаклар» минан бир экан, дeng. Гўш қилдийиз? (эшитдингизми?).

— Вой шўрим...

— Сиздан икки дунёга — ёруг жаҳонга ва охиратгаям олима чиқмайду, баъд акнун, игвогар чиқаду!

Яхшиям ўша юртбузуки фосиқ аёл «тегишли жойга» шикоят қилмаган бўлса керак. Йўқса, Айнийнинг амир Олимхондан ўз яйдоқ елкасига еган етмиш беш дарраси

(калтаги) устига жоҳил «пролетар амирлар» ҳам ўз «улушини» қўшган бўларди. Бу ерда бошқа муҳим гапки, зиёвийлиқда ҳам наслийлик жавҳари бўлади, шекилли. Улуглар ота касбни хор қиласаслик ҳақида насиҳат қилишаркан, бунда чуқур маъно бор. Ёшларимиз касб-ҳунар танлаганларида бу хусусда яхшилаб ўйлаб кўришлари керак. Турган гап, бу: муқаррар бир тарзда ҳокимнинг ўғли ҳоким, олимнинг қизи оима, паттачининг боласи чайқовчи бўлиши шарт эканини ҳам англатмас. Айни вақтда улар, қандайдир бир ҳолатда ота-боболарининг касб-корлари, ҳунарларини ҳам давом эттиришга интилсалар ёмон бўлмайди.

...Қадимда бир киши подшо жаноби олийларига мурожаат этибди.

— Онҳазрат, камина ўз ҳалол меҳнатим билан рўзгор тебратайин деб ҳарчанд ҳаракат қиласман, лекин сира косам оқармайди. Мұхтоҗлик эзиб юборди. Ўйда бола-чақам оч-ялангоч ўтирибди. Маслаҳат берсалар: нима қилайин?

— Отанг қандай касб билан машгул бўлган?

— ?..

— Нима иш бажарган деяпман ?!

— ?!

— Нега мижговланасан? Гапир, нима, овсармисан?

— Айтишга ноқулай, валинеъматим.

— Яъни, масалан?

— Нима десам экан Қиблигоҳ... ўгри бўлганлар.

Ўгрилик орқасидан кун кўрганлар.

— Ҳимм... Инчунин, сен ҳам ўгри бўл. Ўгрилик қил. Шунда тараққийлаб кетасан!.. Ота касбини хор туттган одамнинг ўзи хор бўлади. Ўзингни ерга урма. Ўгирлик илида машгул бўл. Рухсат бердим сенга.

Йигит уйига авзойи бузилиб қайтади. Бу не кўргилик! Ахир, ўгрилик қилиш чўнг гуноҳ-а. Подшоҳга паноҳ истаб борсам, фуқарони тунашга даъват этгани галат бўлди-ку. Бу ёқда эса болалар очнаҳор ўтиришибди. Нон деб йиглади.

Ночор, керакли нарсаларни қўлига олиб, у қоқ тунда шаҳардаги энг йўғон бойнинг ҳовлисига ўгриликка тушишга жўнайди. Қўргон деворидан секин сакраб ўтади. Қараса, от бօғлоқлиқ турнибди. уни ечиб, дарвозага томон яқинлашади ва бирдан ўйлаб қолади: эртага хонадон соҳиби иш юзасидан бирон жойга бормоқчи бўлганида ногаҳон аниқлайдики, улови ўгирланган. Қон қақшаб қолади-ку. Йўқ, бу

инсофдан эмас. Отни сайисхонага обориб боялайди-да, ўзи билдиримай девордан сакраб чиқиб кетади... Эҳ, ови барор олмади. Уйига келиб күрсаки, шўрлик хотини ўчоққа олов ёқиб, қозонни қуруқ сувга тўлдириб қайнатиб ётиби. Очликдан зор-зор сиқтаётган гўдакларини алдаб овунтириш учун.

Эртаси куни тунда йигит яна ўша бадавлат хона-донга боради. Бу гал оғилхонада боялоглиқ турган таргил говмишга кўзи тушади. Сигирни етаклаб борар экан, ўйланиб қолади: ие, бойнинг, ўзимники каби, ёш болалари, гўдаклари бор. Улар эрталаб ширчой ичиши, қаймоқ ейиши керак. Мен бўлсан сигирни ўғирлаб кетаёттан бўлсан... Йўқ, инсофдан эмас! Молни жойига обориб боялайди-да, тагин қийналиб чиқиб кетади...

Хуллас, учинчи куни қўргонга «ташриф буюрганида», тимирскиланиб юриб ҳеч нарса тополмайди. Топади, лекин ҳамма нарса — олтин сошлиқ пичоқ, зарбоф тўн, қимматбаҳо зеб-зийнатлар бари бойга «керак» бўлиб чиқаверади. Айни пайтда уйида зор қақшаб йиглаётган хотин билан норасида болалари кўз олдига келиб эзилади. Хуллас, бу гал ҳам қуруқ қайтмайин деб, уйдагиларни алдаш учун, қўлтигидағи қопга тандирдаги кулдан тўлдириб олади-да, орқалаб жўнайди... Қопни қолдириб, уйга афтодаҳол кириб боради. Тоқати тоқ бўлган хотини омадсиз эрига қарайди:

— Ишлаб бирон нарса топиб келдингизми, дадаси? Бўларимиз бўлди-ку. Манови гўдакларни қачонгача алдайман!

— Ҳа, бир қоп олтин келтирдим, хотин. Ана, ҳовлида туриби. Шундан бир ҳовучини ол-да, бозордан емиш харид қилгин.

Аёли чиқиб қараса, ҳақиқатан ҳам катта бир қоп олтин тирбанд туриби. Қип-қизил тилла! Бир сиқимини олиб, бозордан тўлиб-тошиб харид қилиб келади. Қозон ҳам мой, чўмич ҳам мой.

Инсоф — сари барака, дейди ҳалқимиз. Яна: ўгри бўл, гар бўл, инсоф билан бўл. Йигит подшоҳнинг айттанини ҳам қилди: ота касб юзасидан ўғирликка чиқди. Инсофни ҳам топтамади. Ўзини ерга урмади. Парвардигорнинг раҳми келиб, уни мукофотлади — фаровон қилди: бир қоп кулини бир қоп олтинга айлантириди.

Спиртли ичимликларни истеъмол қилишнинг касо-

фати ҳақида, алоҳида таъкидлов маъносида, яна баъзи мулоҳазаларни илова қилишга Сиздан имдод сўраймиз. Бу барча аҳли муслимларга ҳаром қилинган. Макруҳ. Куфр саналади. Яҳудий ва насроний (христиан) динларида бундай эмас. Бошқа дин, ўзга эътиқодларда рухсат бор экан, марҳамат, бу уларнинг ўз ички иши. Уларнинг ички сиёсатига, келинг, аралашмайлик. Лекин ўзингиз ичманг. Вассалом. Сиз мусулмонсиз. Қуръони Каримда ҳаром қилинган. Бас, оғзингизга бир қултум ҳам олманг. Бу мутаассиблик бўлмасмикан? Яхши кунларда, кўнгил хуши учун, бир қултум ичилса нима қипти? Ароқ ҳаром эмас, кайфи ҳаром, дейдилар-ку? Ишонманг. Ўзи ҳам ҳаром, кайфи ҳам ҳаром. Аввало, гуноҳнинг катта-кичиги бўлмайди. Оғунинг бир томчиси ҳам ўлдиради, бир килоси ҳам. Қандай фарқи бор? Қолаверса, юз марта шоҳиди бўлганман. Бир қултум кетган жойда бир литр кетиб қолиши тайин. Ишонаверинг. Ўзингиз сўраб олиб ичасиз... Ҳолбуки, ичиш нари турсин, жон болам, менга тўла кафолат бериб, жон қулогингиз билан тингланг сўзларимни: Сизга ҳидлаш ҳам мумкин эмас! Бу даставвал обрўта зиён. Турган-биттани фасод. Оқ ароқнинг Қора ишларини санаб адо этиб бўлмайди. Миллатимизнинг фахри бўлган баъзи бир мўътабар зотларни биламан (номларини аташдан парҳез қиласман, уларга ҳурматим сарбаланд), ўша оқ заҳри қотилдан бир пиёлагина оғизларига олсалар бас, кейин кўрсатадиган бад қилиқлари ҳеч қандай рисолага сигмай кетади... Ўша пайтда бу бадмастлардан оталар безор, оналар безор, фарзандлар безор, ёру биродорлар безор. Бундай ҳурматли зотлар ичмаса туролмайдиган оғир дардга йўлиқишиган. Очигини айтайин: бу бедаво дард. «Алкаш» одам шайтоннинг энг мутеъ малайига айланиб қолган инсон қиёфа сидаги иблис. Энди у ўзига ўзи ёрдам беролмайди, ё бирор бу бенавога ёрдамга келолмайди. Даҳшатли онтлар ичади, уни сазойи қиласидар, ҳушёр вақтида виждони қийналади... Аммо ичмай туролмайди, туролмайди!

Қўйингки, ичиш шахснинг ўз-ўзига қабиҳларча суюқасд қилиши билан баробар. Бироқ бу фақат якка шахс фожеаси эмас. Бутун оиласа, авлод-аждодларга иснод. Ҳозирги замон медисинаси исбот қилган: спиртли ичимлик наслни қирқади. Рад этиб бўлмайдиган ибтидой мисол. Ўзингиз билган катта

совуқ шимол ҳалқларидан бирида аллақачон жиддий фожеа бошланган: уларда тугилишдан кўра ўлиш суръати баланд... Бу биз учун ўта нохуш дарак, ошко-ра огоҳлантириш эмасми?

Худди шу нуқтада анойи одамларни (ичувчиларни, албатта) чалгитадиган бир асос бор: аллақанча ашаддий бадмасларнинг фарзандлари туппа-тузук тугилишган-ку. Чақмалоқдай! Ақли-эси жойида. Ҳатто обрўли, салоҳияти баланд инсонлар. Бир қултум оғизларига олишмайди. Қани, спирт наслни бузмаяпти-ку. Ҳақиқат бор экан. Демак, медисинанинг ваҳимаси ўринсиз...

Ана мантиқнинг зўри. Ўша-ӯша гап. Қуш уясида кўрганини қиласди! Йўқ, бу ерда акси: қуш уясида кўрганини... қилмаган. Шундай. Салбий натижа ҳам натижа. Тўғрироги, чиркин салбий ҳодиса ажойиб ижобий натижа бераяти. Жабрдийда, ориятили, мазлум фарзанд миясини ичиб қўйган бадмасст отаси ёки онасининг шармандали ишларини кўриб, ибрат олган — инсон нима қилмаслиги кераклигини тово-нигача англаб етган. Ҳақиқатан ҳам, мен виждон-сиз, ноинсоф пияниста кимсаларга мурожаат эттим келади: ҳой мусулмон! Ўзинг-ку худонинг бир сев-ган, ёрлақаган бандасисан. Бутун бир ҳалқ сен чиз-ган сеҳрли-мўъжизакор суратларни томоша қилиб, фахрланиб ётибди, дуойи жонингни қилиб турибди. Сен ўзингта ўзинг бу қадар душман бўлиб, эсириб ётар экансан, ҳеч бўлмаса манави нораста, мунҷоқдай болаларингга шафқат қил. Қара, улар сенга боқиб, уялиб, терак баргидай титраб-қақшаб туришибди-я!..

Э, садқаи гап!

Бироқ асосий бир гапимиз чала қолаёттир. Медисина, афсуски, алдаётгани йўқ. Спиртнинг наслни айни-тишдан иборат манфур бузгунчилиги дарҳол намоён бўлмаслиги мумкин. Бир, икки, беш, ўн авлод айланади, аммо қайсиидир бир бўгинда: балким учинчи ёки саккизинчи пуштга бориб барибир тешиб чиқади. Ўлик болалар тугила бошлайди, овсар, гунг, кемтиқ, чала, бадбашара, қийшиқ, кўр насллар юзага келади. Сен нокас у вақтларгача етиб ҳам боролмассан...

Азиз ва мушфиқ фарзанд. Мен балким бўёқларни қуюқлаштираётгандирман? Йўқ. Нақд гапни айттаётгандирман. Сизни хавф-хатардан огоҳ этајпман, хо-

лос. Мен Сизни күриб турибман. Юрагим шундоқ сезаяпти. Сиз ҳечам ундаилардан эмассиз. Ё Аллоҳ. Болаларимизга инсоф-тавфиқ бер, уларга сабр-бардош, ақл-идрок, иймон ато эт. Шайтоний васвасалардан, субутсизликдан, қасамхұрлиқдан үз паноҳингда асра. Улар ҳушер, событ, комил инсонлар бұлиб етишиң. Халқини, әл-юргини, ота-оналари ва гулдай маъсум фарзандларини шармандаи-шармисор қилишмасин. Мен ўзимизнинг ислом динимизнинг бошқа дунёвий динлардан устунынги айтмоқчи ҳам эмасман. Бунга даъват этилмаганман, бундай ҳуқуқ менда йүқ. Ҳар кимнинг әтиқоди ўзига ҳалол. Аслида, гап динда ҳам эмасдир, деб үйлайман. Аммо комил иймон билан айта оламан. Башарты, мен, астагфурулло, истаган бұлак динга мансуб бұлғаним тақдирда ҳам, биргина мана шу даъвати — кайф берувчи ичимликларни, тамаки чекиш ва гиёхвандлықни тақир тақиқлагани учун, ҳеч бир тарааддуудланмай, бажони дил исломни қабул қылган бұлардим.

Ҳар бир киши ўзига-ўзи ҳисоб беріб, ўзини-ўзи тергаб, таъқиб этиб турғани маъқул. Чунки Сизга энг яқын киши — Сиз, ўзингиз бұласиз. Сизга ўзингиздан ўзга яқинроқ маҳрам йүқ, болажоним. Ўзингиз билан тез-тез гаплашиб туринг. Виждонингиз билан маслаҳатлашинг.

Қирқ йил бурун Ҳамза театрининг ёнида, йұлакда сайр этиб юрган әдим (ұша атрофда яшардик). Нотаниш киши, нуроний бир қария мени имлаб ёнига қақиради. Салом-алиқдан сұнг сұради:

— Үглем, Сизнинг бошиңгизда қандай ташвиш бор?

Ҳайрон бұлдим.

— Нимайди? Ҳеч қандай ташвишим йүқ, тақсир.

— Билмадым. Қачондан бери кузатиб турибман. Йұлакнинг у бошидан бу бошига ўн маротабача бориб келдингиз. Атрофдаги одамларни мутлақо күрмайсиз. Нуқул ўзингиз билан ўзингиз «гаплашасиз»: пичирлайсиз, құлларингиз билан ҳар хил ҳаракатлар қиласизмие... Баъзида овоз чиқазиб гапириб юборасиз. Йұловчилар ҳайрон бұлиб Сизга қараб үтишаётиди.

Қизиқсинаң кузатиб турғанларга бир қараб олдимда, ҳазиллашған бұлдим:

— Балким жинни ё бұлмаса артист, «ролини машқ қилаётиди» деб үйлашса керак-да.

Кулишдик.

— Э... Ҳаёт одамларни не күйларга солмайди! — деб ҳамдардлик билдириди отахон. — Жинни бўлиш ҳам, артис бўлиш ҳам ҳеч гапмас. Дунёнинг олди тор, орқаси кенг. Ўйлайман деганга ўй кўп, болам.

Ўйлайман деганга ўй кўп! Сиз билан биз, азизларим, чиндан-да, ўйловчилар табақасиданмиз. Ўйлаш бизнинг қасбимиз, вазифамиз. Ўшанда уйимизда ўйлашга майдон торлиқ қилиб, «артистлик» қилгани кўчага чиқиб кетган бўлсан керак, ҳойнаҳой.

Самарқанд дорилфунунида Иосиф Самойлович Куклес деган маълум ва машҳур механик олим ишларди. Қачон қараманг, қўли қўлтигига қистирилган ҳолда, университетнинг ниҳоятда кўркам хиёбонида сайд этарди. Сайд?! Йўқ, назаримда, у Вақтни қувиб ўтмоқчи бўларди. Аксига олиб, унга шу вақт етишмасди. Бир куни ўй ўйлаб, хаёл суриб, бехосдан ҳайҳотдай чўнкирга чархпалак бўлиб тушиб кетибди. Шу ердаги одамлар домлани қутқазмоқчи бўлишса, қайрилиб ҳам қарамабди. Ўрнидап турибди-да, пинагини бузмай, чуқурнинг тагида, қўлини қўлтигига тиққан кўйи, у ёқдан бу ёқقا ўй ўйлаб юрганиши. «Пуф-пуф-пуф...» (Нима учундир паровозга ўхшаб «пуф-пуф-пуф» деб юрарди. Худди миясига ўт кеттандай). Менимча, ўшал топда бирор масаланинг ечими ни тошган бўлса ажабмас.

Албатта, мен ёшларни профессор Куклес даражасида, ўзини унугунча ўйга берилишга даъват этмасам-да, демоқчи бўламанки: ўйланг! Ўйлаш илмини ўрганинг. Аввал ўйла, кейин сўйла, дейди халқимиз. Бир донишманд киши дебдиким, йўқ, аввал ўйла, кейин ўйла! Яна насиҳат шулким, бирорлар Сизга ҳасад қиласа, хафа бўлманг. Қайтанга хурсанд бўлинг: демак, Сизда ҳасад қилишга арзигулик нимадир бир нарса бор. Ўша «нимадир бир нарса»ни эҳтиёт қилинг. Ҳар қандай ёмонлиқдан яхшилик қидиринг. Аксинча эмас. Ҳар қандай яхшиликни ёмонликка нисбат берманг. Ёмон тушни сувга айтинг ва ҳамма вақт яхшиликка йўйинг.

Бир қариндошнамо яқин танишимиз бор эди. Ўзини ёмон одам деб ҳам бўлмас эди. Бироз андиша, тамиз етишмасди унга. Тез-тез уйимизга сим қоқиб, муттасил бизниkilар, оила аъзоларим ёки яқин қариндошларим ҳақида ўта бемаъни, илон пўст ташлайдиган тушлар кўрганини айтарди. Бу менинг ва рафиқамнинг руҳимизга ёмон таъсир қилар, бир неча

қунгача ҳолимиз паришон бўлиб юрарди. Ҳар қанча юпатсам ҳам наф қилмасди. Аҳвол шу даражага бо-риб етдики, навбатда телефон жиринглаши билан ҳаммамиз упкамизни қўлтиқлаб, дағ-дағ титрайдиган бўлдик. Яна қандай бехосият туш кўрдийкин бу ювиқсиз деб. Бундай кимсаларни нияти бузук, нафаси совуқ, шумоёқ дейишади. Аслини олганда, унинг босинқираши, ёмон тушлар кўриши биздан ҳам кўра ўзига тааллуқли: жиҳдий руҳий касалга чалингани, сиҳати ёмонлигидан, деб биламан. Нима бўлгандаям, бундай бадбин одамлардан йироқ бўлаверган яхши. Ўрисда, қўпол бўлсаем, бир нақл бор: агар чўчқага юз марта «сен тўнгизсан!» десанг, у ахийри хуриллаб юборади!..

Одамлар билан муомала-муносабатда интиҳойи камсуқум, эҳтиёт бўлинг. Ҳеч қачон ўзингизни атроф-дагилардан ақллироқ, билагон қилиб кўрсатманг. Нақл борким, одамлар Сизни кийимингизга қараб кутадилар, ақлингизга қараб кузатадилар. Элга қўшилиш — юз йил, эдан чиқиш — бир нафас, дер эдилар падари бузургворимиз. Гапга эҳтиёж туғилганда, гапирмаслик-нинг иложи қолмагандагина гапиринг. Одамларни, айниқса арзи ҳол қилаёттанды, сабр-тоқат билан тинглашга одатланинг. Уларни гап орасида тўхтатиб, мулзам қилиб қўйманг. Оғизларидаги гапини юлиб-юлқаб олишдан, «илиб кетищдан» сақланинг. Суҳбат ёки баҳс чогида ўзингизни шундай тутингки, мусоҳиб (суҳбатдош) Сизнинг фикрингизни... кутсин! Буни уларнинг авзойидан ички бир туйгу билан сезиб турасиз. Гапирганингизда жон қулоги билан тингласин. «Бу одам яна гапирса яхши бўларди» деб илҳақ бўлсин. Сўзларингиз шифобахш гиёҳ сингари, бошқаларнинг кўнглини кўтарсинг, дил яраларига малҳам бўлсин... Бунинг учун тил учиди эмас, бутун вужудингиз, қалб амри билан сўзланг. Совуқ ақлга жиндай қалб эҳтироси қўшилса жуда чиройли чиқади.

Нутқ сўзлаёттанды тежамкор бўлинг. Унуманг: кўпинча ўз ўрнида айтилган луқмадан ҳам кўра айтилмагани, сукут сақдангани, тушунилгани таъсирчанроқ бўлади... «Эҳ, ёмонам эзма одам экан-да, қачон гапдан тўхтайди бу маҳмадана!..» деб оғринишмасин. Ўзингизнинг ёдингиздан кўтарилиб кетган ибраторумуз гаплар ҳам таниш-нотаниш одамларнинг дилида ва тилида бўлгани қандоқ яхши. Зоро, ўз сўзларингизни бошқаларнинг оғзидан эшитиш жуда мароқли.

Тагин бир ўтит: гапни гапир уққанга, жонни жонга сүкқанга дейдилар. Ровийлар андог демишларким, шамол эсаётган томонга қараб бақирма, овозинг зое кетади.

Эрта баҳорда кўпчилик bemор кишилар баданлари-га зулук қўйдирадилар. Бу зулук деганимиз инсон аъзосига ёпишиб, ҳаром қонини тўйгунча сўради ва ўзидан сўлаги орқали унга фойдали суюқлик юбора-ди. Натижада қоннинг таркиби бир қадар суюқлашиб, томирларда оқиши енгиллашади ва киши шифо топиб, ўзини яхши сеза бошлади.

Ҳар бир одам вақти-вақти билан ўзини тергаб, истиғфор айтиши, тавба қилиши, «ҳаром қонларини» чиқазиб юбориши, бир хил ёмон қилиқларидан қуту-лиши керак. Чин инсонлик шу. Илло зулук наф қила-ди шу вақтдаки, агар bemорнинг ҳамма қони айнаб кетмаган бўлса. Шунга ўхшаш, Сиз ҳам ўз уйингиз-дан ёки бошқа бирон жойдан орттирган ёмон хулқ-авторингиздан шу вақтда батамом қутуласизки, агар бутун вужудингиз ахлоқий исқиран-чиркинликларга тўлиб-тошиб кетмаган бўлса.

## 7 - фасл

### ЎЗБЕКИСТОН МУШТАРАК

Йигитта ўлим йўқ, агар ўзини ўзи ўлдирмаса, де-ган гап бор. Сизни пистирмада кутиб ёттан хавф-хатарлар орасида бир фалокат борким, номи — ма-ҳаллийчилик. Маълумингизким, ўзбек миллати ўз эт-ник таркиби тарафидан анча қурама. Бунда 92 уругнинг қони бор. Ҳар бири ўзига тортади. Агар бирон кишини хизматга қабул қилмоқчи ёки раҳ-барий ўринга тайин этмоқчи бўлишса, унинг иш қобилияти, истеъоди, лаёқатидан ҳам кўра, зимдан қаёқлик экани, баъзан ҳатто қайси урут, табақа ёки жамоадан чиққанини суриштирадилар. Умумдавлатчи-лик шовинизми мараизидан кейин иккинчи ўринда мана шу маҳаллийчилик иddaолари туради. Ёмони, бу нарса миллатни занг сингари ич-ичидан емиради ва парчалайди. Юқумли иллат эканлиги билан хавфли. Маҳаллийчилик «бациллалари» қанча рад эттан сайин кўпаяди. Ўзига хос бедаво ижтимоий дардга ўхшайди.

Ёшлар агар униб-ўсиш, маънавий соглом бўлишни истасалар, маҳаллийчилик касалидан худди вабодан қочгандай қочсинлар. Кимки студентларни «Сурқаш» (Сурхондарё, Қашқадарё), «Фан» (Фаргона, Андижон, Наманган) дея ажрата бошласа, билингки, у фикран, маънан соглом одам эмас. Маҳаллийчилик киши бошига битмас-тутанмас фалокатлар келтириши мумкин. Қаердаки бундай носоглом майлар амал қила бошласа, амин бўлингки, бошқа бир жойда, гўё «жавоб» тариқасида, шундай иллатлар қалқиб чиқади. Мен қўйида икки хил майл ҳақида ўз кузатишларимни келтираман.

Тошкент шахри — Ўзбекистонимизнинг юраги, пойтахт. Бу ерда маҳаллий аҳолидан ташқари фаргоналиклар, хоразмликлар, самарқандликлар, сурхонликлар, бухороликлар, қўқонликлар ва бошқа иқлим кишилари яшайди. Табиийки, улар «ҳамشاҳлашиб», «ҳамюрлашиб», бир-бирлари билан кўришиб, чақчақлашиб турадилар. Нима қипти. Жуда яхши. Лекин баъзи бир йигинларда бу, носоглом «ўзбирчиллик» — биқиқ жомоачилик тусини олиб кетади. Одамлар нутқ ирод қилганларида гўё, айтайлик, олтиариқдиклар қандайдир «мумтоз» кишиларга айланади; дейлик, ёзёвонликлар бутун республикани «ушлаб» тургандай қилиб кўрсатилади; олайлик, асакаликлар гўё «асл ўзбегу», қолганлар — пашмалог дум; Гузор — салкам ернинг киндиги; қайси бир вилоятдаги Тентак қишлоқ — гўё зукколар масканни; дунёда энг ақли расо инсонларни фақат Ўш билан Жалолобод тугаркан. Эмишки, қолганлар «ерунда!..

### Валлоҳий!

Қулоқлари қизиб, кўзлари гилайлашган бойваччалар шу қадар кўпириб кетадики, кир совунга ҳеч қандай эҳтиёж қолмайди. Биронта мард топилмайдики, ўрнидан туриб айтса:

—Хой Фалончи! Сен ўзинг кимсан? Ҳар қалай, ҳеч қандай «наводирул ниҳоя» эмассан. Агар ўша, номи нимайди... ҳа, Қўшкўпирингга қайтиб борсанг, нари борганда ўртача, балким ундан ҳам пастроқ мавқени эгаллай олмайсан. Сендақаларни ҳалиям бўлса мана шу Тошкент бағрига сидиради.

Ёки бошқа бир йигинда бўлак бир тантин ўртага чиқиб айта қолсайди:

— Азизлар, тўғри, Чуст кўп гўзал юрт. Одамлари ундан азиз. Дўпписига умуман тараф йўқ. Чуст

пичоқлари жаҳонга машҳур. Бироқ сизу биз мана шу ерга — Тошкент шаҳрига келиб обрў-эътибор қозондик. Бу ерда биз қанчалик чустлик бўлсак, балким бундан ҳам ортиқ тошкентликмиз. Ҳаддимиздан ошмайлик, оғайнилар. Ҳолини билган ҳоримас, дейдилар. Курпасига қараб оёқ узатган одамнинг садагаси бўлсанг. Бу гапни республикамиз барча вилоят туманлари, шаҳар, қишлоқларидан келиб, азим шаҳар — Тошкентда ўқиёттан, ишлаёттан, яшаёттанилар ҳақида ҳам айтса бўлади. Энди бунинг аксини тасдиқловчи бир-иккита мисол келтирай. 1972 йил бўлса керак. Тошкент дорилфунунига ишга келганимга икки йил бўлган. Ҳакимжон деган бир йигитнинг диплом лойиҳаси ҳимоясида мутасаддийлик (оппонентлик) қилдим. Иш менга жуда ёқди. Ҳимоя сўнггида хонада имтиҳон комиссияси аъзолари қолиб, ишларни баҳолашга киришдик. Мен Ҳакимжоннинг диплом тадқиқоти сўзсиз аъло баҳога муносаб экалигини айтдим. Бироқ бир йўла уч киши менинг таклифимни рад этишди. Жиддий баҳс қўзголди. Хуллас, шундай пухта тадқиқот ва ҳимоячининг шаънига гирт бўлмагур гаплар айтилиб, тўрт баҳо қўйилди. Мен яккалик қилиб қолдим.

...Орадан роса ўн етти йил ўтди. Собиқ «Камалак» нашриётига «Мен сув ичган дарёлар» китобимнинг қўллэзмасини кўтариб бордим. Бош муҳаррирга учрамоқчи эдим. Йўлакда бир киши кулимсираб, очиқ чеҳра билан қарши олди. Муддаони айтувдим, ўз хонасига таклиф қилди.

— Йўқ, мен бош муҳаррирни кўрмоқчийдим.

У кулимсираб, деди:

— Бошқа одам ёрдам беролмайдими Сизга?

— Йўқ, ёрдам беролмайди.

— Мен ҳамми?

— Сиз ҳам. Э, дарвоқе, Сиз кимсиз? Мабодо нашриёт директори эмасмисиз? Юзингиз иссиқ кўриниб турибди қандайдир...

Йигит ўзини лутфан таништириди. Менинг эса устимдан совуқ сув қуяилиб кетгандай бўлди. Қаршимда ўша-ўша мулоим йигит Ҳакимжон турар эди! Вокиф бўлдингизким, ўшанда гарчи фожеа юз бермаган эсада, бу йигитнинг шаънига гойибона куракда турмайдиган гапларни айтишган, ҳаққига жабр қилиб, қонуний баҳосини пасайтиришганди. Бу, эҳтимол, арзимас бир гап ўша кезлари анчагача ди-

лимни хира қилиб юрди. Эҳ, одамлар, одамлар! Орадан учкам йигирма йил үттач, у мени қучоқ очиб кутиб олаётгани жуда нашъя қилганди камина ношуд «оппонент»га. Аммо муҳими бошқа өқда. Бу сингари хархаша, гиди-бидилар ҳаётда учраб туради. Гапнинг буёгини эшигининг.

— Сиз билан ҳимоя пайтидаги биринчи ва сўнгти учрашувимдан сўнг мен давлат комиссияси аъзоларига норозилик билдиридим. Не ажабким, ҳозир Сиз айтаётган учовлон домлалардан бири мени роса қаловлатди, — деб иқрор бўлди суҳбатдошим. — Унинг айтишича, бир ярамас самарқандлик, яъни Сиз, ўта маҳаллийчи бўлганингиз боис, менинг ишимни «яхши» баҳолаймиз, «беш»га тортмайди, дебсиз. Қолган «ўзимизнинг тошкентликлар» ҳар қанча уринишса ҳам, бўлмабди. Оппонентнинг гапи гап экан.

— Ёраббий! Бу нечук туҳмат... Қандай тили борди? Ўша одамнинг думбул эканини ҳамма била-дию, бироқ бу қадар паст кетишидан бехабар эканман.

— Шошмай тулинг. Қизиги энди бошланади,— дейди суҳбатдошим. — Бошимга гурзи билан ургандай бўлди. Маҳаллийчилик касалига мубтало бўлган кишига ҳеч қаерда ҳам ўрин бўлмаслиги керак. Айниқса!.. Айниқса таълим-тарбия соҳасида. Матбуотда бу Гайбулла Саломов деган қони бузук, худбин, такаббурнинг бир бошлиб таъзирини бериб қўяйин деб нашр этган ҳамма китобларингиз, дарсларингиз, рисолаларингиз, мақолаларингиз борми, бир жойга йигдим. Қўлимга қизил қалам олиб, бир чеккадан ўқишга, Сизни «ўрганишга» киришдим. Нетонг! Жуда ҳам ноёб бир руҳий мўъжиза содир бўлди. Нарсаларингизни диққат билан ўқиганим сайин анави галамис доцентнинг Сиз ҳақингизда айтган бўлмагур гапларига лаққа ишонганим учун ўзимдан уялиб кетдим. Ҳар галги мутолаадан сўнг Сизга ихлосим ва меҳрим орта борди. Хуллас, мен ҳақиқий Гайбулла Саломовни кашф этган эдим. Ўшандан буён то ҳозиргача ўзимни Сизнинг ихлосмандингиз деб биламан. Шу топда Сиз қаршингизда гойибона дўстта айланган бир инсонни кўриб турибсиз!..

Бу самимий эътирофни ўз қулоқларим билан тинглаб, хурсандлигимдан энтикиб қолган эдим. Бежиз

айтмас экан-да халқимиз: одам борким, одамларнинг нақшидир; одам борким, ҳайвон андин яхшидир. Ана Сизга тошкентлик — войдод-вовайло! Ана Сизга тошкентлик — таҳсин, тасанно!!

...Буёғига ўйланиб қолдим. Ие, ҳалиги ҳамкасаба доцент дўстимиз мени орқаваротдан яна нечта одамга сотдийкин? Тагин нималар деб маломат қилдийкин? Бир фитна шунча узоқ йиллардан кейин бўлсаям очилди. Қолганлари ишонувчан кишиларнинг юрагига ўрнашиб, қурт каби болалаб кетгандир. Қанчадан-қанча иисонларнинг онгини заҳарлаб ётгандир...

Ўзимнинг бир ожизлигимга ҳам иқрор бўлайин. Инсон деганингиз бу иссиқ жон. Кўнгил нозик нарса. Ҳамкасаба домланинг эски иғвоси (орадан чорак аср ўтганди...) барибир менга қаттиқ алам қилди. Вужудимда шайтон гимиirlаб қолди. Газабландим. Агар биз, ягона мақсад йўлида уюшган мураббийлар, бир миллат кишиларики бир-бири мизни тушунмай, ўзаро «ички миллатчилик» қылсак, бошқалардан гинахонлик чикора. Аччиқни аччиқ кесади, дейдилар. Лекин ҳамма вақт ҳам шундай бўлавермайди. Аччиқ аччиқни... чақиради. Аччиққа қарши аччиқ қўлласангиз, ҳаммаёқ баттар тахирлашиб кетади... Ҳадиси шарифда айтилади: агар бирор Сизни Сизда йўқ айблар билан айбласа, Сиз уни унда бор айблар билан айбламанг. Мана Шарқ фалсафасининг донишмандлиги. Мен ўзимга шундай бир тамойилни ҳаракат дастури қилиб олганман: латта бўйи чиқса, аввал ўзингга боқ. Бирорни гумондор қилиш осон. Аммо сен, агар мард бўлсанг, аввал ўзингни айбор қилиб боқ. Хуллас, Раҳмон шайтондан устун келди. Бояги приват-доцент дўстимиз билан бир куни иттифоқо учрашиб қолганимизда, унга чин самимият ила, қўлимни кўксимга қўйиб, сидқидил миннатдорчилик изҳор этдим.

— Фалончи ака, «Мен сув ичган дарёлар» китобимни ўқигансиз, албаттга. Фикрингиз қандай?

— Нега камтарлик қиласиз? Сизнинг номингиздан ўзимга айтишга журъат этаман: Яхши китоб ёзгансиз, домлайи киром. Роман тиражида (ўттиз минг нусха) босилиб тарқалгандан сўнг ёмон бўлмайди-да. Лаббай? Нима учун фикрингизни сўраётубман, биласизми? Шу асаримнинг рӯёбга чиқишида Сиз жонбоз-

лик қилган экансиз. Мен буни тасодифан билиб қолғанман. Жуда ажойиб ички тақриз ёзгансиз. Ўқиб күриб бошим осмонга етди. Менинг шахсим ҳақида ҳам жуда илиқ фикр билдиргансиз. Сизга таъзим ва ташаккур, ога! Шунча йиллар бирга ишлашиб, бирга кишнашиб дегандай. Сизнинг бунчалар бағри кенг, олийхиммат инсон эканингизни билмабман-а. Аттанг. Баъзилар қилмаган яхшилигига сендан йўғон мукофот тамаъ қилиб юришади. Сиз бўлсангиз, менга шу қадар ҳотамлик қилиб қўйган экансиzu, жимм юраверибсиз...Қўйинг-е!

Шундай деб, унинг қўлларини маҳкам сиқдим ва кўзларига тикилдим. Нима дер экан деб. Кутимаган ҳол рўй берди. «Э нималар деяпсиз? Ҳеч қандай ички тақриз-пақриз ёзган эмасман» дермикан десам, тамоман кутимаган ҳодиса рўй берди. Бутунлай ҳангманг бўлиб қолган эса-да, у яшин тезлигида ўйлаган бўлса керак: «Балким бошқа бир киши — менинг адашим — фамилиядошим нашриётта хуфя яхши тақриз ёзган чиқар. Бу галварс мени ёзган деб ўйлаб юриби...Ва, не кўз билан кўриб, не қулоқ билан эшитайки, бирдан ёрила кетди: «Ҳа, ёзганман, ёзганман, дўстим. Шундай бўлувди. Ёдимга тушаяпти. Яхши ички тақриз ёзганман. Саломов зўр одам, деганман. Энди яхши нарсани яхши дейдилар-да, тақсир. Э қойил. Қандай билдингиз? «Разведкангиз» яхши ишлайди! Ёзгандай бўлувдим».

Эҳ, ожиз банда. Ҳолинг шу экану. «Ёзгандай» бўлган экан-а! Мен заҳарни заҳар билан эмас, асал билан кесган эдим. Хўш, нега уйдирма қўлладим? Ўз мухолифимни гел қилдим? Яхшилик йўлида қўлланилса, гоҳи пайтларда ёлгон ҳам рост ўрнига ўтади. Ҳатто савоб бўлади. Аслида, менинг гапларим уйдирма ёки ёлгон ҳам эмас, балким айни ҳақиқат эди. Чунки ўша одам ўзининг фосиқлиги билан ҳам... менга ёрдам берган. Ўзи сезмаган ҳолда. Инчунин, бадкирдор кимса бошқа бирор ҳақида бўхтон қилса, бундан қўрқиш керак эмас. Зоро, ўз қадрини билган одамлар бунинг аксини тушунади. Яшасин баттол, фосиқлар! Камина, чиндан ҳам, холисанлиллоҳ айтганда. «Мен сув ичган дарёлар»им учун қаршимда турган мана шу совуқ кўланкага ҳам БУРЧДОР эдим. Шукрлар бўлсинким, у менинг сувимни лойқалата олмаган. Манба тоза бўлган. (Ҳакимжонни назарда тураман).

Үнда-бунда, хонадонларда, ётоқ жойларида, дарс-хоналарда, күча-күйларда, нақлиётларда (транспортда), гоҳида одамлар ўртасида бир-бирига наҳ уришлар бўлиб туради. Шаҳарликлар билан вилоятликлар, туман, қишлоқ кишилари орасида. Ўзаро. Баъзан гап енгил ҳазилдан чиқиб кетади-да, катта дилсиёҳлик билан тугайди. Бирон гўдайган шаҳарлик тантибийвачча ташқаридан келган япасқи шеригига «қишлоқи» дейди. Нима қипти. Шаҳарликни—шаҳарлик, қишлоқликни—қишлоқи дейдилар-да. Йўқ, бу гап йигитчанинг нафсониятига тегади. У ҳам, тап тортмай, «шаҳарлик лайча шаҳарчасига акиллайди», деб жавоб қилган бўлади. Ҳечқиси йўқ. Нима, шаҳарлик лайча «қишлоқчасига» вовулласинми, бўлмаса?.. Бошланадику! Аслида эса, бирор Сизга «қишлоқи» дедими, ҳушёр тортинг, азизим. Ажабмас, бу кесатик, пичинг остида бирон иллат яширингандир. Шаҳар Сизу бизга катта холамизнинг маҳрига тушмаган. Қишлоқдан ташиб қелтирган бир хилги «қилиқларингиз»ни ташланг. Чапанилик, довдирлик, ҳуда-бехуда сўкиниш, нос отиш, исқиртлиқ, бурун кавлаш, дуч келган жойга туфлаш, юриш-туришга оид одобсизликлар, ноўхшов қилиқларингизни тарк қилинг. Мен кимнинг кимлигини, қаёқдан келганини кулишига ва ҳатто ...бурун қоқишига қараб бехато айтиб бераман. Шаҳарлик ёшлар ҳам керилишмасин. Қуруқ олифтагарчилик билан иш битмайди. Уларнинг ўзлари ҳам, баъзида, ё шаҳарлик «болавой», ё қишлоқлик «далавой» эмас.

Маҳаллийчилик нима деган гап. Бу хатарли эмас. Ҳамма ҳам ўз киндик қони тўкилган жой билан фахрланади-да, деб ҳисоблашлари мумкин. Марҳабо! Аҳлан ва саҳлан (Хуш кўрдик), биродари азиз! Фахрланмай туролмасанг хоҳлаганча фахрланавер. Ҳаддинг сигади. Лекин!.. Эҳтиёт бўлингким, Сиз гумбурлаб «фахрланаётганингизда» ёш кўчатларни совуқ уриб кетмасин, бу қаршингизда ўтирган бошқа бирорларнинг иззат-нафсини ерга урмасин. Андиша деган гап бор ўргада! Бор овоз билан бақириб-чақириб «Ҳай-йу! Ва-ҳа-ҳа! Яшасин Мен!» деб юборар экансиз, шундоқ ёнингизда юзлаб ўзга «мен»лар ҳам борлиги фаромуш бўлмасин-да, садага!

Тошкент шаҳрида бизнинг Хатирчи туманидан (Навоий вилояти) келиб ўтроқлашиб қолган каттагина жамоа (ўзига хос «хатирчиликлар диаспораси») яшай-

ди. Яхшидир, ёмондир кунларда ҳамюртлар йигилишиб, маслаҳатлашиб, кенгашиб, уйнашиб, кулишиб, гоҳо «чой» ҳам ичишиб турадилар. Керак! Жамоа орасида оқсоқоллар: дунё кўрган одамлар, фан, маданият арбоблари, йирик корхоналарнинг раҳбарлари ҳам анчагина. Айтишларича, биргина шу тумандан 22 фан доктори, профессор етишган. Мустақил бунёдкорлик гояларига ҳамд-санолар бўлсинким, райондош биродарларнинг ошиги олчи, димоглари чог. Қандингни ур, хатирчиликлар!

Кейинги бир қанча йигилишларда пайқаб қолдимики, одамларимиз гоҳида ҳаддан ташқари жазавага берилиб кетаётганга ўхшайди. Ўзимизнинг бир хилги бақироқ, маддоҳ ватанпарварларимиз маросимларга антиқа рух бериб юборишади. Қўйингки, уларнинг даъвосига кўра, салкам шундай бўлиб чиқадики, ўзим ҳам хатирчилик эмасманми, озгина муболагаси билан айтсам, пойтахт Тошкент ҳам бизнинг Хатирчининг чекка бир «филиалига» айланиб қолгандай. Ваҳ-ҷув! Бунчалик чиранишу, бунчалик жазава на даркор!! Баданингдаги тукларингни битта қўймай тикка қилиб юборадиган бояги «зормондадан» отиб олишгандан кейин эҳтирослар ҳеч қандай чегара билмайди... Яқинда ҳурматли бир зотнинг жуда файзли бошланган таваллуд маросимида шундай бўлди. Меъёрлар бузилиб, ҳаммаёқ «хатирчилашиб» кетганидан сўнг, ҳар гал даврани олиб бораёттанлардан бири, таниқли санъаткор ва файласуф олим, ҳар гапнинг бирида: «Йўқ, бизнинг Олтиариқда одамлар бундай қилишмайди», «Бўлмайди, бизнинг олтиариқликлар бундай гапирмайди» деб қистириб ўтади. Яна тез-тез: «Ҳақиқат бор экан-у» деб асия қилган бўлади. Ҳамма кулади. Қий-чув....

Шу орада менга сўз бериб қолиши.

— Кечирасиз, аҳли жамоа, камина олтиариқлик эмасман, аммо хатирчиликману, хатирчилик эмасман десам ҳам бўлади. Аслим — тошкентлик!

Ҳамма ҳайрон. Одамларнинг бироз кайфи тарқаб, менга қараб қолиши. Ўртага жимлик чўқди. Ана шунда мен қандай қилиб «асл тошкентлик» эканлигимни гапира кетдим.

— Хатирчини Хатирчи қилиб турган валломат инсон, табаррук зот ким эканлигини биласизларми?

Бирор «фalon киши» деди, бошқаси яна бўлак бир инсонни тилга олди. Кимдир бирори «Сиз!» деб менинг ҳам кўнглимни кўтариб қўйган бўлиши.

— Баракалла... Йүқ! — дедим. — Бул улуг зот — Гадой Селкин бўладилар. Бўлмапти, афандилар. Авлиёмиизни унугибисиз. Ким айтади Сизни хатирчилик деб! Аттанг...

Барча мутаассир бўлиб, бирдан ҳушёр тортди.

— Биласизми, Хатирчи туманига файз-баракот бериб, нур таратиб турган машъала — авлиё Гадой Селкин бўладилар. Ўша атрофларда етти ёшдан етмиш ёшгача барча сагири кабир буни билади. Ул зотнинг қабрларига таъзим қилади. Ўйларида ва дилларида, фикрлари ва зикрларида бирдай жаранглаб туради: «Ё Гадой Селкин!» Илло Гадой Селкин ким бўлганларидан хабардормисиз? Ривоятларга кўра, ул валинеъмат ҳазрати Баҳовуддини Балогардонга қўл бериш учун Тошкентдан сафарга отланганлар. Асли авлод-аждодлари етти пуштигача тошкентлик бой-бадавлат киши бўлганлар. Абдураҳмонбой экан ул зоти шарифнинг асл номлари. Минглаб қўйларини Бухоро тарафга ҳайдаб бораётганларида, ваҳийдан хабар келган. Мазмуни шундай:

— Қаерда тўхтаб, нафас ростлаш чогингизда қўлингиздаги ҳасссангиз бехосдан кўкарса, ўша ер Сизга абадий манзилгоҳ бўлади.

Жаноб Абдураҳмонбой ҳозирги Хатирчи тупрогига етиб, таҳорат оладилар ва намози пешинни ўқишига тутунадилар. Намоздан сўнг сафарга отланиб, ҳасссаларини қўлларига олмоқчи бўлганда қарасаларки, қуруқ таёқ аллақачон ерга томир отиб, баргчиқазибди...

Мўъжиза! Шунда ул зоти пок отдан тушадиларда, «мана шу ер менинг маконим» деб шоён этиб, ўша ерда тургун яшаб қолганлар. Бас, оғайнилар, номаълум қолмасинким, бизнинг маънавий қиблагоҳимиз пири Гадой Селкин пойтахтимиз шаҳри Тошкандан бўладилар. Шул сабабдан маҳаллий оқсоқолларимиз бекорга айтишмаганким, кимки Хатирчига мусофири бўлиб борса, бой-бадавлат бўлиб, тарақлаб кетади. Бас, Сизу биз ҳам бу ерда мусофири эмас, балки ўз уйимиздамиз. Менимча, ҳадеб киндигимиз мертилиб, «урра Хатирчи!» деявермасдан, пиримизнинг ва барчамизнинг ҳам она шаҳримиз Тошкент ва қонқариндошларимиз тошкентликларга таъзим қилишимиз тарихан вожиб ва жоиздир.

— Мана энди қийқириқни давом эттираверинг! — дедим сўзимнинг охирида.— Тўй тўйдай бўлаверсин.

Қаёқда! Майдон саҳни сув сепгандек тинчид қолди. Ортидан юртдошимиз кекса имом хатип ихлосу қироат ила дуюи фотиҳа ўқиб юбордилар.

Шохига урсанг, туёги зирқирайди, деган гап бор халқимизда. Тургунлик даврида одамларимизнинг тинкасини қуриттан иллат — рус улугдавлатчилик шовинизми билан маҳаллийчилик эди. Республикамиз мустақилликка эришгач, гарчи «ташқи шовинизм» ҳавфи ҳозир ҳам барча давлатлар учун мавжуд бўлсада («у ёқда» айрим оғзи шалақ, ҳокимият илинжида ҳеч нарсадан тап тортмаётган бир хил бебош сиёсатдонлар ҳанузгача «Ҳинд океанида оёгини ювишни» ошкора гапириб ётибди!), ҳозир асосий хатар «миллий либосга бурканган» иллат — маҳаллийчилиқда. Бунга қарши кураш қийинлиги шундаки, баъзан айнан кассоб, «ўтрини ушла!» деб бақиргани сингари, миллий чегараланган одамларнинг ўзлари гўё бу иллатта қарши курашаётган бўлиб кўринади. Бу жиноят бўлиб жиноятта ҳам ўхшамайди. Ўзи бору, ранги, туси, ҳиди йўқ. Аммо оқибатига кўра ҳар қандай жиноятдан қолишмайди. Маҳаллийчилик (одам ажратиш, унинг биографиясига, географиясига айрича эътибор қаратиш ва ҳ.к.) миллатни, шиллиқ қурт сингари, ич-ичидан емиради, кемиради. Унинг бутун вужудига зил кетади. Мазкур иллатдан, бир шоир айттанидай, миллатнинг товон-товоригача зирқирайди. Бунинг устига, бизда мавжуд нола-афгонлар орасида «вой товонгинам» дегани йўқ... Икки ҳасадгўй бир-бирининг гуноҳини тополмаса, синалган тайёр айбномалардан фойдаланади: маҳаллийчи! Топинг буларнинг қай бири «асл» нобакор эканини. Маҳаллачилик — яхши, маҳаллийчилик — ёмон. Фарқи — бир ҳарф, маъноси — ер билан осмон. Маҳаллада турли миллат вакиллари, турли жойдан келган одамлар катта, аҳил оила бўлиб яшайди, тўй-томошалари, маърака-издиҳомлари бир. Ҳукуматимиз маҳаллага катта эътибор бераётгани, рўшнолик кўрсатаётгани боиси ҳам шунда. Маҳаллийчилик эса...

Ёмони, эндинга росмана қанотини ростлаб келаётган қонуний-инсоний бир туйгу — миллий ифтихор билан миллий тўмтоқлик, маҳаллийчиликни бир-биридан фарқлаш қийин. Ўрталиқдаги кўзга

кўринмас юпқа парда, чизиқ, чегара қай нуқтадан бошланадио, қаерда тугашини пайқаш қийин. Бу ўзига, ўзлигига бино қўйиш, ўзини бошқалардан устун, алланечук мумтоз деб билиш, аслида эса гирт қолоқлик ва тубанлиқдан келиб чиқадиган жазава. Бир куни раҳматлик Шароф Рашидовнинг қабулига бир киши кириб, одамлардан шиква-шикоят қила бошлабди. Эмишки, у институтда хизмат қиласи, республика учун жуда керакли ихтисослик эгаси, аммо шаҳарлик оғалар маҳаллийчилик қилиш оқибатида уч йилдан буён квартира ололмаётган экан. «Фанга шунчалик зарур, ноёб мутахассис бўлсам,—дебди у пешонасини тириштириб,— бунинг устига, ўзим жizzахлик бўлсан!...»

«Нима? Жizzахлик?!»

Шароф ака титраб кетибди ва ўша «жizzахлик нодир мутахассисни» қабулидан чиқазиб юборибди...

— Сиз олим эмас, ашаддий игвогарсиз. Бу даргоҳга, мен бор эканман, ҳеч қачон қадам қўйманг!— дебдилар ортидан. Ҳуда-бехудага, билиб-бilmай, бир гапнинг тагига етмай туриб, галча-гализ уйдирмалар билан тирик иисонларнинг гашини келтириш, марҳумларнинг кафанига ўт қўйиш, арвоҳларни чирқиритишдан сақланиш керак. Кишининг бу дунёси ҳам, охирати ҳам куйиб кетиши ҳеч гапмас.

Турли даврларда республикани бошқариб келган раҳбарларнинг қилган ва қилаётган ишлари ҳамманинг кўз ўнгида ястаниб турибди. Ҳалқнинг ўткир нигоҳидан ҳеч нарсани яшириб бўлмайди. Сир эмас, беш кунлик ҳою ҳавас деб, ўзини мумтоз шахс санаганлар нималарнигина қилишмади. Келинг, ундан кўра яхши инсонларнинг яхши ишларини эслаб қўяйлик. Ўзбекистонимизни энг оғир кунлардан кимлар олиб ўтди? Уруш арафасида Катта Фаргона каналини, мудҳиш жанг йилларида Каттақўргон сув омборини кимлар қурди? Одамларимизнинг илигини қуритган ўша тургунлик йилларида, ўзини ўтданчўқقا уриб, ер ости саройлари — метроларни, Ҳалқлар дўстлиги Саройини, минглаб шинам квартиralарни, ярақдаган кўркли обидаларни қуришга ким бошқош бўлди? Бог-рөгларни яратган катта соҳибкор ким эди? Даҳшатли зилзиладан вайрон бўлган Тошкентимизнинг ўз қаддини ростлаши, уни Шарқнинг атоқли кўркам шаҳрига айлантириш ишига ким раҳнамо бўлди? Не ҳасратлар билан, вақти келганда, эҳтимол

«ҳийлаи шаръийлар» ишлатиб, коммунизм гоясига, комфирқага, «улуг огага» қасамёдлар қилиб бўлса ҳам, вайрон бўлган аллақанча кўхна Шарқ диний-тариҳий обидаларини қайта тиклаш ишларини бошлаб берган ким? Ҳозир азамат Истиқлоннинг нонини еб турганимиз бир шароитда, минг дўзахий азобларни бартараф қилиб, афсонавор ишларни амалга оширишга ким фидойи, балогардон бўлаётгиби? Машъум «ўзбеклар иши» тавқи лаънатига ким барҳам берди? Кимнинг даврида халқимизнинг отаси, улуг бобокалонимиз, дунёни ларзага солған саркарда, фотиҳ, жаҳонгир, донишманд ва адолатпарвар соҳибқирон Амир Темур ибн Тарогой Баҳодирнинг шаън-шавкати тикланди? Ўзбекистон БМТга аъзо бўлди. Бутун мамлакат бўйлаб улкан қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Туаржойлар, маданий-маиший ва спорт иншоотлари қурилмоқда. Ислом динимиз қаддини ростламоқда. Одамларимиз Аллоҳ таоло ва таборакнинг 99 номини баралла айта оладиган, намоз, рӯза, ибодатларини бемалол, қўрқмасдан ошкора адо этадиган бўлди. Минг-минглаб кишиларимиз муборак ҳаж зиёратига боришаётгиби. Ёшларимиз хорижга бориб ўқиётидилар. Бозорларимиз, хиёбонларимиз, саройларимизга бир қаранг. Шу суръат, шу кетищда сулув пойтахтимизни яқин ўн йиллар ичida ҳеч ким таниёлмайдиган бўлиб қолади. Арбобларнинг гапираёттган гапига, вაъзига эмас, амалда бажараёттан ишига қараб баҳо берадилар. Бу улугвор ишларни амалга оширган ва амалга ошираёттсанларнинг асли тошкентлик, бухоролик, туркистонлик, қовунчилик, водийлик, жizzахлик, самарқандлик... экани билан халқнинг неча пуллик иши бор! Гоҳида «Мен тубжой фуқаросиман» деб керилиб юрганларни ҳам доно пойтахтиклар кўриб-билиб турибди, уларнинг муносиб баҳосини бериб туришибди. Халқнинг ўзи даҳо, ўзи ҳакам, ўзи қозиюл қуззо. Уни ичи говак гаплар, пучак баёнотлар билан барибир алдаб бўлмайди. Аммо мана шундай мураккаб шароитда чучмал, калтабин, тангур тор миллий димог-фирогларга берилишдан чандон эҳтиёт бўлиш лозим. Одамларнинг таранглашган миллий туйгуларини «чалиш»га берилиш ярамайди. Ҳозир ҳар қадамда «синфий душман», «мухолиф», «ёвузлик» қидирадиган замон ҳам эмас. Игво, маломат, фисқу-фужурга берилманг, ўзаро ганимлашиш эмас, сафларни бирлаштириш, дўстлашиш, ягона, ме-

тин Истиқдол иншоотини биргалашиб қуриш томон равона бўлингиз, навқирон фарзандларим! Ўртада бегона йўқ. Ҳаммаси ўзимизники. Ўзини ягона Туркистон хонадонини қуриш ишига, Мовароуннаҳрнинг шаън-шавкатини тиклаш гояси сари сафарбар этаётган барча ватандошларимиз — ўзбек, тожик, эрони, араб, турк, озарий, рус, қозоқ, туркман, корейс, арман, қиргиз, олмон ва бошқалар, барча холис ниятли ўзбекистонликлар ва ватандош бўлмаганлар ҳам биз учун ўз Ўзбегимдан кам эмас.

Мен шундай тушунаманки:

- Яхшиликка яхшилик — яхшининг яхшилиги.
- Яхшиликка ёмонлик — ёмоннинг ёмонлиги.
- Ёмонликка ёмонлик — яхшининг ёмонлиги.
- Ёмонликка яхшилик — яхшининг мардлиги.

Буларнинг энг қийини — кейингиси: сенга ёмонлик қилган одамга яхшилик билан жавоб қайтариш. Бу иш, бундай қараганда, мантиқсиздай кўринади. Бироқ, отангни ўлдирганга онангни бер, дейди халқимиз. Ажаб. Ёмонлик айлаганга минг яхшилик қилган билан пасткаш, ёмон одам ёмонлигини қиласеради, яхши бўлиб қолмайди. Ҳа-да! Бизнинг кундалик жўнжайдари мантиқимизга кўра шундай. Лекин, аввало, жилла шундай ҳам эмас. Киши ўз рақибини то дўстига айлантиргунга қадар чарчамасин... Тангри таоло назарида бу яхшиликларнинг энг яхшисиdir. Бир ҳисобда, мусулмончиликнинг асл маъноси шунда. Бундан ташқари, ярамас одам сенинг унга қилган яхшиликларнинг тушунмади, тушунишни истамади, ҳам дейлик. Атрофдагилар-чи? Улар кўриб, билиб, тушишиб турибди-ку.

Мен ҳар қандай зулматдан ҳам нур қидираман. Ҳар қандай ёмон одамда ҳам яхшилик аломатларини топишни истайман. Унинг ўрнига ўзимни қўйиб қуришга ҳаракат қиласман. Башарти, ёмон одам яхшиликни тушунмаса, аввало ўзига ёмон.

Ҳалиги доцент масаласига қайтайлик Мен унинг хатти-ҳаракатларида муқаррар суратда маҳаллийчилик иллатидан ҳам кўра, одий ҳасад, кўролмаслик, инсоний ожизликни кўраман. «Маҳаллийчилик» унинг мағкурасида бир ниқоб, холос. Борингки, агар бизнинг ўрнимизни алмаштириб қўйилган тақдирда ҳам — фаразан, мен асл шу шаҳарлик, у эса бирон ёқдан «жийда халтасини кўтариб» ё «поездга осилиб келган» бўлганида, унинг ўзи мени гўё «тошкентлик

бебурд шахсга» чиқазган бўларди. Мазкур иллат бундай кимсаларнинг нуқсони ёки қусури эмас, балки фожеаси, тақдирни, матлабидир.

Бизнинг Тошкент ҳам сулув, шариф, файзобод шаҳар, ризқ-рӯз, тотувлик, дўстлик қалъаси. Миллионлаб кишиларнинг нигоҳи шу ерга қадалган. Ўзбек диёрининг пойтахти. Аммо унутмаслик керакким, бутун республикадан одамлар Тошкентта у Тошкент бўлгани учун эмас, балки пойтахт бўлгани важидан келадилар. Акс ҳолда, Тошкент ҳам истаган бошқа шаҳар сингари бир шаҳар. Бас, бутун салоҳияти, шукуҳи даъфатан унинг мамлакатимиз пойтахти эканлиги билан белгиланади. Фараз қиласлик, пойтахт — Наманган, Самарқанд, Жиззах, Қўқон ёки Бухорода бўлганда, фуқаро, жумладан тошкентликларнинг ўzlари ҳам ўша ёқقا интилишган бўлар эди... Бас, ортиқча кибранишга ҳеч қандай эҳтиёж йўқ.

Ўглим Ҳабибулла Саломов Хатирчида туғилган. Қизим Назира — Самарқандда, супра қоқдимиз Гуландом — Тошкентда таваллуд топишган. Келиним Машҳурахон — тошкентлик. Куёвим — Муҳаммад Юсуф — андижонлик. Еттита набирам бари пойтахтда туғилган. Нега мен муайян бир музофотта ёки қишлоққа қуллуқ қилиб, бошқаларига лоқайд бўлишим, ўзимга-ўзим қарши боришим керак?..

Эшитишинга кўра, яқиндан танимаган, билмаган кишилар мени «ўзимизнинг наманганлик», «қўқонлик» деб ўйлашаркан. Шу кунларда «жўтрофиям» яна бир шаҳар ҳисобига кенгайди: «ўзимизнинг жizzахлик» бўлиб чиқдим. Бундан беҳад кайфим чог бўлади. Негаки, алҳазар, шундай бир нокас бўлсайдимки, ҳамма мендан қочганда нима бўларди!.. Ҳа, ўзбегим, қоракўзлигим, ишонаверинг, мен барингизга ҳамқишлоқ, ҳамشاҳар, туғишган, ҳамюрт бўламан. Устозларим ва Пирим — ҳазрати Гавсул Аъзам Жилоний, Баҳовуддин Нақшбанд, Гадой Селкин. Тарихий саждагоҳим — Амир Темур пойтахти кўхна Самарқанд ва Бухорий шариф. Киндик қоним тўкилган жой: Навоий вилоятининг Хатирчи тумани. Фаҳр ила айта оламан: асл тошкентликман. Қирқ йилдан бўён шу ерда тургун яшайман. Фирқавий матлабим — тутма партиясиз. Раҳнамоларим — хатирчилик Ўрин Камолий, Воҳид Абдуллоий Самарқандий, Сайид Ризо Ализода (гойибона), Нуриддин аш-Шукур, Ҳам-

дам Бердиёр, тошкентлик Санжар Сиддиқ (гойибона), Аҳмаджон Ёқуб, Файзулло Эргози, Ҳамид Сулаймон, Фузайл Максум, бухоролик Иброҳим Мўмин, ургутлик эшони Қутбидин Муҳиддин, жалолободлик Олим Усмон, Сулаймон Азим, қўқонлик Улуг Турсун, Жалолхон Азиҳон, Мадамин Иброҳим... Юзлаб шогирдларим юртимизнинг барча вилоятлари, шаҳар ва туманларида хизмат қилишади.

Миллатим — ўзбек. Ватаним — Ўзбекистон. Пойтахтим — Тошкент. Мана Сизга менинг руҳий «жўғрофиям».

## 8 - фасл

### ОТАЛАР ВА БОЛАЛАР

Айни пайти келди. Оталар ва болалар, устозлар ва шогирдлар тўгрисида икки оғиз шакаргуфтторлик қилишга эҳтиёж борга ўхшайди. «Устоз» деган қалом бизга нондай арзанда, қадриобод тушунчани англатади. Бу сўз аксари ҳолларда бошқа тилларга ҳатто таржима ҳам қилинмай, ўзи олинади. Бутун машриқ заминда устод-шогирдлик ҳурмат, иззат-икром ва ўзга олиймақом қадрияtlар шоҳсупасининг энг тўридан жой қозонган. Модомики, биз ўзбеклар, бутун ўз миллий моҳиятимизни чуқур англашга киришган, минг йиллик тарих силсиласида ўз муносиб ўрнимизни аниқлашга жадди-жадал қилаётган эканмиз, бу устивор масалада ворисийлик анъаналарини давом эттиришимиз вожибdir. Фавқулодда қизиқ. Озодлик, адл-адолат, ҳурлик, тинчлик, демократия, мустақиллик байроқларига ҳар бир давр ўз муҳрини босар экан. Бу йўриқда ҳамма нарса гўёки ўша-ўша. Ўша тенглик, ўша адолат, ўша мустақиллик... Йўқ, «ўша» эмас! Шўролар даврида ҳуқуқий жиҳатдан гуё озодмиз деб дунёга жар солдик. Амада — том маънода марказ Масковга қарам эдик. Демак, атамалар, шиорлар, қонунлар, конституциялар, мадҳиялар, байроқлар алдар экан. Дардчил, изтиробли муқояса /қиёс/: «Ким эдигу ким бўлдик» икки даврда— қарамлик ва озодлик шароитида бир-бирига зид тарзда икки хил жарангламоқда. Буни беозоргина тиниш белgilari воситасида шундай ифодаласа бўлади:

- 1. Ким эдигу, ким бўлдик?*
  - 2. Ким эдигу, ким бўлдик!*
- Ёки:*
- 1. Ким//! эдигу, ким/? бўлдик!?*
  - 2. Ким/? эдигу, ким//! бўлдик?!*

Ота-боболаримиз, бобокалонларимиз, момо-момо-калонларимиз азал-азалдан муршид-муридлик, устод-шогирдчилик мақомида яшаб келганлар. Ҳар бир пирнинг ўз муридлари бўлган. Улар ўзаро садоқат йўлида қовушган. Худони ўртага қўйиб муҳрланган бу иттифоқда хиёнат, дудмаллик, иккиланиш, лабз-сизлик, субутсизлик бўлмаган. Гувоҳлик берадилар-ким, пир ҳатто жаҳли чиқиб, қувиб солганида ҳам, мурид унинг даргоҳини тарқ этмаган.

Ривоят борким, ота ўз севимли фарзандидан сўрабди:

— Эй писар, қани айтинг-чи, Сиз учун ким кўпроқ мўътабар —мен отангизми ёки устозингиз?

— Албатта — устозим.

— Қандай қилиб? Ахир Сиз мендан туғилгансиз-ку. Мен дунёга келтирганман Сиздай инсонни. Мен бўлмасам, Сиз қаёқда эдингиз. Қиблагоҳингиз бўла-ман-а!

— Дуруст. Сиз мени Осмондан ерга туширдингиз. Устозим мени ердан Осмонга кўтарди!

Мана бу луқмада олам-жаҳон маъно бор. Ҳўжа Аҳмад Яссавийнинг ҳам, Баҳовуддин Нақшбанднинг ҳам, ҳўжа И smoил Бухорийнинг ҳам, Искандар Зулқарнайн, Соҳибқирон Амир Темур, ҳазрат Алишер Навоий, Мирзо Улугбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва истаган бошқа авлиёю валиюллоҳ, шоҳ, саркарда, мутафанинн қомусий олим ва мутафаккир шоирларнинг ҳам устозлари, пирлари бўлган.

Улуглар ўзларининг энг муқаддас сирлари, дил жароҳатлари, ҳеч кимга, ҳатто, маълум ва номаълум сабаблар туфайли, ўз болаларига, жигарбандаларига ҳам айта олмаган дард-аламларини ўз маслақдош яқинига, шогирдига ишониб айтади.

Мен Жалолхон Азизхоновни яхши танирдим. Бул зот моҳир таржимон (Маркснинг «Капитал»ини ҳам ўзбекчага ўтирганлардан), ношир, ҳарбий арбоб, зукко сиёсий раҳбар эди. Урушларда иштирок этган, кейинчалик узоқ йиллар «Ўқитувчи» нашриётiga ди-

ректорлик қилган, умрининг сўнгги паллаларида раҳматлиқ Ўзкомпартия Марказқўмитаси матбуот бўлимининг бошлиги бўлиб ишлаган. Ул кишининг рафиқаси рус аёли эди. Жалолхон акани содиқ, эътиқодли, комил бир инсон сифатида танирдик ва ўзи ҳақиқатан ҳам шундай эди.

Етмишинчи йиллар эди, чогимда. Устод Жалолхон aka вафот этдилар. Дағн маросимида қатнашиб, қабристонгача бордик. Қайтишда мунис-мехрибон бир инсон, таниқли мутаржим, сўз устаси ва ношир Мадамин Иброҳим домла билан йўл-йўлакай суҳбатлашиб кетдик. Марҳумнинг ажойиб-гаройиб одамша-вандалик хислатларини эсладик. Ул киши каминага багоят таъсирчан бир гапни айтиб бердилар. Огани дағн этиш чогида оломон ўргасидан ёриб ўтиб, Мадамин aka ўзлари қабр ичига тушадилар, майитни ўз қўллари билан ерга қўядилар. Ҳамма иш биттандан сўнг, гўрков ва бошқа тегишли кишилар гўрдан ташқарига чиқишиди. Мадамин Иброҳим барчадан орта қолиб, лаҳад ичида бироз ҳаяллади. Ўзларининг айтишича, тахта тобут (гроб)нинг устига қўйиладиган қопқогини мих билан қоқтирумай, чиқаёттан чогида оёги билан даст сурисиб юборган эканлар.

Ҳозир бу воқеани нима учун айтиаётиман? Воқеа салкам чорак аср олдин содир бўлган. У вақтларда сўқир даҳрий (атеистик) «дийдиё»лар айни авжида эди. Атеизм ҳамда даҳрийлик ниқоби остидаги улугдавлатчилик, айнигана насронийлик васвасаси ҳукм сурарди. Одамларнинг дарди ичида. Қулогини қимирлассан мусулмон банда борки, калласи кетиб турган кезлар! Жалолхон Азизхон билан Мадамин Иброҳим ҳамюрт (қўқонлик) бўлиб, aka-укачилик, устод-шогирдчилик мақомида бўлишган. Ҳамкасаба, ҳамфир, ҳамдард. Бир куни ога Мадамин акага васијат қиласидилар.

— Ўзингиздан қолар гап йўқ, мулла Мадамин-жон,— дейдилар чуқур дард, ишонч-эътиқод оҳангига. — Мен фалон олий даргоҳда (Секада) фалон вазифада тураман. Ички ваъзиятлардан ҳам тўла воқифсиз. Қазо қилганимда жасадимни гробга солиб, «карнай-сурнай» билан кўмишларини биламан. Бизнинг бу мудҳиш замонамиизда бошқача бўлиши мумкин эмас. Сизга тайинлайдиган гапим шу. Минбаъд унит бўлмасин. Жасадимни қабрга ўз қўлингиз билан

құясиз, биродар. Бошқа ҳеч кимга ишонманг. Үша лаънати гробнинг қопқогини қоқиб ташлашмасин. Үз қўлингиз билан уни бир чеккага суриб ташланг. Худо хайрингизни берсин. Юзим очиқ қолсин гўрда.

Димогдор шовинист-атеистлар айнан коммунизм гоясига хиёнат қилдилар. Тасаввур қилинг: одамлар ўзининг фақат тиригига эмас, ўлигига ҳам эга бўлолмай қолди. Миллатларнинг энг сара кишилари, асл гулларини сазойи қилдилар, йўқотдилар. Улар беному нишон йўқолиб кетди. Фарзандлари то ҳозирга қадар ота-боболарининг ҳатто қаерга кўмилганини ҳам билмайди. Дарвоҳе, Жалолхон Азизхон ҳеч қандай «миллатчи», «халқ душмани» ҳам бўлган эмас. Водариг, ҳатто шундай инсонлар ҳам ўз ўлигига ўзи «эгалик» қила билмабди. Коммфирқа аъзолари «виждан эркинлиги»дан тинмай гапирдилар. Аммо ҳаётда диний ва миллий виждан ҳам, эркинликнинг ўзи ҳам анқонинг уруги бўлиб қолганди. Ҳўш, мусулмон кишини насроний удумлар билан дағн этишга уларнинг маънавий ҳаққи борми эди? Бунинг аксини тасаввур қилинг. Республикалар, чиндан ҳам, «тenglар ичра тенг» бўлганида, шундай қиёсга бемалол мурожаат этиш мумкин. Чунончи, Русияда ёхуд ҳатто ўзимиизда бир христиан мардумни... исломий удумлар билан дағн этилса, қандоқ бўларди? О, великорусларнинг шу қадар ҳавоси баланд эдики, улар бошқа халқларни назар-писанд қиласди.

Асл инсон деган таъбирни қўлладим. Ўзи инсон бўлсаю, унинг ҳам «асл» ва «ноасли» бўладими? Азиз болажонлар, ҳеч қачон ёдингиздан чиқмасин: бўлади! Мен собиқ Ўзкомпартия Марказқўмининг биринчи котиби Шароф Рашидов, академик Ҳабиб Абдулло, академик Иброҳим Мўмин, академик Гани Мавлон, ёзувчи Мақсад Шайхзода. Сулаймон Азим, Ҳамид Сулаймон, Аҳмаджон Ёқуб, Жалолхон Азизхон ва бошқа шу сингари юзлаб ҳазрати одамларни асл инсон деб ҳисоблайман. Ҳулу қуруқ баравар ёнмаслиги керак. Сиз ёшсиз, адабиётлар, талқинлар, айбловлар хилма-хил... Давр фожеаларини ўз кўзингиз билан кўрмагансиз. Эҳтиёт бўлинг, алданиб қолишингизга йўл қўйманг. Ота-боболарнинг аччиқ тақдири Сиз учун ҳеч қачон бефарқ бўлмасин. Ўтмишга нисбатан чиқариладиган ноодил ҳукм келажагимизни хароб қилиши мумкин. Беҳисоб кўп асл инсонлар великорусларнинг гулханларида ёндиilar. Кўпларини, уларга

қўшилиб, ўзимизни килар ҳам ёқишиб юбордилар. Фожеа устига фожеа юз берди. Кўзингизни очинг, агар Сиз ҳам чалгиб, ўзларининг ҳатто гўридан ҳам маҳрум этилган пок вижданлар шаънига нобоп гап айтсангиз, қаттиқ шикаст ейсиз. Ёргу дунёдан кўз юмиб /ёки кўзи очиқ/ кеттанинг ҳукми баңдасининг қўлида эмас, ёлгиз Аллоҳнинг изнидадир. Ҳамма нарса фақат Ўзига аён. Бизнинг билганимиз шулким, эл-юрт бошида турган, фанимиз ва маданиятимиз ривожига катта ҳисса қўшган бундай инсонлар, коммунист сифатида, ўз халқини ҳам, бошқа «улуг халқларни» ҳам алдаган эмас. Не ажабким, улар ўз эътиқоди ва гояларига сохтакор, совуқ ақидалар билан эмас, катта инсонпарварлик, инсонсеварлик, қардошлиқ, том маънодаги тенглик, миллий тотувлик ва равнақ мавқеидан туриб ёндошдилар.

Жалолхон Азизхон комил инсон эди. Эътиқодли мусулмонлардан. Асл ўзбекпарвар бир киши бўлган. Оқил, одил шахс эди. У ўзининг ким эканлигини бошқа бировга эмас, энг яқин кишиси — дўсти ва шогирдига айтди. Мана устод-шогирдчиликнинг, одамохунликнинг мумтоз намунаси. Бундай худораҳмати валломат зотларни маломат қилиш эмас, уларнинг табаррук номлари билан фахрланиш керак. Машғум қизил жоҳилият даврида раҳбар-раҳнамо борки, фирмә аъзоси бўлган. Аммо ҳаммалигининг шаънига бирдай тавқи лаънат ёғдиришдан ўзингизни тийинг.

Устод-шогирдчилик маҳсус шартнома асосида муайян бир муддатта тузиладиган аҳдлашув, шерикчилик ширкати эмас. Бу қалб амри билан амалга ошадиган жараён, чирмашиб ҳосил бўладиган инсоний қотишма, муқаддас бирлик, парчаланмас иттифоқ. Оқибатли устод истеъдодли шогирд учун тогдай таянч. Ихлосманд шогирд эса нуроний устоднинг қаноти.

Менинг устодларим вафот этиб кеттан. Ўзимдаги яхши хулқ-атвор, инсоний фазилатларим билан уларга бурчорман. Бу инсонлар менга ёргу кунларимда ёндош, оғир кунларимда қариндошдан зиёд оқибат кўрсатган. Устодларимнинг ҳар бири ҳақида ёзган хотираларим бор. Уларга миннатдорчилик изҳор этиб, дил сўзларимни айттанман. Гўрига нур ёгилсин уларнинг.

Ҳадиси шарифларимиз биз учун битмас-туганмас

хазина. Уларда инсоний оқибатнинг энг юксак маънавияти ўз ифодасини топган. Чунончи, кишининг отонаси вафот этиб кеттандан сўнг, у қиблагоҳи ва онайизорининг энг яқин одамлари, ёру биродарлари, дўстлари, дугоналари, устоду шогирдларининг ҳам аҳволидан хабар олиб, кўнглини кўтариб юриши керак экан. Чиндан ҳам, бу гацда жуда катта ва нозик маъно бор. Бундан ўн беш йиллар олдин мен дадам мулла Тожининг яқин биродари мулла Мамасоли бобонинг аҳволидан хабар олгани борганимда, ул валломат инсон, кўзлари ожизлашиб қолган бўлса-да, ўзлари қирқ йил кўрмаган каминани овозимдан таниб, ниҳоятда ҳаяжонланиб кетдилар. Мени дуо қилиб, устимга тўн ёпдилар. Ўша кун, ўша дақиқ онлар ҳеч ёдимдан чиқмайди (Бу ҳақда яна қаранг: Сайди Умиров. «Солланиб оқаётган дарё», Тошкент, «Фан» нашриёти, 1994 йил). Кейинчалик Мамасоли бобо ҳақида «Хизр алайҳиссалом» деган достон ёзdim. Ҳаётимда шундай вақтлар бўлдики, ўзимни гоҳо гаровга қўйиб бўлса ҳам устодларимни (Олим Усмон) ҳимоя қилганман. Аҳмаджон Ёқуб, мавлоно Иброҳим Мўмин, эшон Қутбиидин Муҳиддин, алломай Фузайил Махсумлар билан мулоқотларимиз, меҳр-оқибатларимиз мазмуни бутун бир романга татииди. Даалолат бера оламан: бундай аъмол Аллоҳга хуш ёқади ва ажр-мукофотлари бўлади. Бу даъвонинг исботи учун келтиришим мумкин бўлган хотираларим ҳам дақиқ, мароқли ва ҳазин.

Устод тополмаган киши саҳрода ёлғиз ўсаёттан саксовудай гап. Шогирди йўқ олим эса бефарзанд, бефайз, таянчсиз одам. Олим бўлса бордир, аммо ўзи учунгина, худбин олим.

Мен, азиз фарзандларим, тўқсон иккинчи йилнинг адогидан буёгига кечган (ҳозир тўртинчи йил кетаяпти) оғир руҳий ҳолатимни бировга тушунтириш им қийин. Балким бунга зарурат ҳам йўқдир. Кун сайин, соат сайин, дақиқа сайин ваҳийдан яхши хабар кутиб яшайман. Менинг ҳаётим ўзи бир хотира бўлиб қолган. Гоҳо уйга бериламан. Бутун умримни одамларга багишлаб яшадим. Не сабабдан менга, менинг оиласига бундай оғир синов тушди экан? Бу саволга Тангри таолодан бўлак ҳеч ким жавоб бера олмайди.

(Шоир номидан үзимга бағишлиов)

Түшкунлик тумандек тарқалур,  
Умидлар үт каби ям-яшил.  
Комронлик елида чайқалур  
Күнглимда күммаган күз ёшим.

Бошимдан булуңдек гам арир,  
Баҳт келар қуёшдек бус-бутун.  
Рұхим — қалдирғоч сингари  
Вужудимга қура бошлар ин.

(Гулом Мирзо. «Яхшиям Сиз борсиз...», 1995).

Нафасларига фарышталар омин дегай.

Икки йил бұлды содиқ шогирдим, Тошкент дорил-фунуни сақнида чорак асрли оғир ҳәётни мен билан бирга қаричма-қарич одимлаб үтган истеъдолди шоир, зүкко олим, асл инсон Тилак Жұра ҳәётдан күз юмди. Тутдай түкилдім. Кексая бошлаган, дардизтироби чогимда буткул довдирағ қолдім. Ё Гавсул Аъзам пирим! Ё Гадой Селкін бувам! Инсон ҳеч қачон Парвардигорнинг нигоҳидан, меҳр-шафқатидан, паноҳидан четда эмас. Үттан йили бир оқибатли, мушфиқ инсон, садоқатли шогирдим мени, ёнимга яна үзим танлаган сакқизта бошқа шогирдларым билан бирға, Байтуллоұға жүнатди. Үз ҳисобидан. Мана Сизга устод-шогирдчиликнинг баҳоси, қадр-қиммати. Буни ўлчаш учун олтиндан тарози, гавҳардан тош керак.

1995 йили, шукр, пайғамбар ёшға (63) кирдім. Үйимиз жим-жит. Оғир рұхий суқунат ичра мубҳам ҳолатда караҳт бўлиб ўтиар эканман, уйга бирор қўнгироқ қилди. Телефон гўшагини кўтардім. Саломалиқдан сўнг дедім:

- Лаббай... Қулогим Сизда. Қандай хизмат бор?
  - Хизмат? Мен Фалончиман. Табриклайман Сизни.
  - Ҳим... Нима билан табриклайсиз?
  - Ие, ёдингиздан чиқдими, устод? Пайғамбар ёшига чиқдингиз-ку.
  - Ҳа-я, дарвоҷе... Қуллуқ, қуллуқ...
- Юрагим ҳаприқиб кетди. Мен учун шундай улуг

айём кун бўлсаю, уни маҳзун ва руҳий тушкун ҳолатда қаршиласам... Эртаси куни пешин чогида эшигимиз тагида бир енгил машина келиб тўхтади. Мени Фалон улуг даргоҳда Фалон киши кутиб турганларини айтдилар. Бу инсон ўглимнинг қалин ўргани бўлади. Алқисса, дўстлари маслаҳатлашиб, менинг таваллуд кунимни ўтказадиган бўлишибди. «Эй азизу мукаррам инсонлар, эй баҳтиёр авлод. Эй Сиз боғамнинг ва ўзимнинг оқил дўст-биродарларимиз. Жўражонларим! Дурустроқ ўйладингларми? Нега мени ҳижолатта қўясиз? Оқсарой янглиг Анов-мановдай муҳташам бир даргоҳда менинг таваллудимга беш юз кишилик ош берамиз деб тарафдудланасиз? Буёги ўзи вазминчилик бўлса... Нега бунчалик маҳобат? Минг марта тўгри. Дўстингиз Ҳабибулло ҳозир ёнигизда бўлса, худди шундай каттакон тўй қилиб бе-рарди. Ва арзирди, ярашарди ҳам ҳаёт сўқмоқларини пиёда одимлаб ўттан мендай бир камсуқум одамга. Бутун ҳаётим давомида билганларим шу бўлдики, баайни киприкларим билан чўг тердим. Шунча ёшта кирибману, нечук бўлиб умримда атиги бир мартағина 1992 йилда олтмиш ёшимни нишонлаган эдик. Ўглим ҳоли-жонимга қўймай, ўзи бош бўлиб ўтказган. Ўша ҳам татимади. Оғзимдаги оғзимда, бўғзимдаги бўғзимда қолди.

Яшириш не ҳожат. Мен ҳам Сизларнинг ўрнингизда бўлсан, худди шундай қилган бўлардим. Кўкрагимни захга бериб, нимжон бўлиб ётган жойимдан суюб тургазиб, бошингиз узра даст кўтардингиз. Бу фақат инсонпарварлик, шунчаки одамгарчилик эмас, бундан-да зиёд, бунданда муборак, алланечук улкан бир нарсаки, ўша «бир нарса» нима экан деб, номини тополмай ётибман...

Устоз — отангдан улуг деган гап бор. Уста кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўргалар деган огоҳ ҳам бор. Ҳунарига, билимига, маҳоратига қойил қолганларни «Устозингга балли!» дея олқишлийдилар.

Устод — муаллимлик, мураббийлик, муқаввийлик, ватандош-фуқаровийлик, инсонийлик ва, албатта, билимдонлик, зуқколик фазилатларини ўзида мужассам этган зот. Бу рутбага ҳамма ҳам сазовор бўлавермайди. Бинобарин, Сизга дарс берадиган ҳар бир домла ҳам устод эмас. Баъзи бирларини чин маънода мударрис, мураббий дейиш ҳам қийиндир. Университет, институтни битириб чиққан акаларингиз, опала-

рингиздан сұранг: сабоқ берган ўттиз-қирқ нафар домладан нечтасини тан олар, устод деб эъзозлар экан? Эҳтимол, бешта-олтитасини, балким күпрогини. Ҳамонки, дилингизда чуқур из қолдирған сиймони Устод деб билдингизми, бир құшиқда айтилганидек, «таълим берган устозингдан айрилма».

Машхұр наслашунос (генетик) олим, академик Жұра Мусаев билан шу йил бошида ТошДУ ректоратауда учрашиб қолдик. «Устозларим — И. А. Райкова таваллудининг 100 йиллиги, Полвон Азизовнинг 85 йиллиги хусусида раҳбарият билан маслаҳатлашмоқчи эдим», — деди Жұра ака. Ұзи зукко, камтар, олийжаноб инсон, номи катта ҳарфлар билан өзиладиган олим, ҳамиша устозлари, айниқса, И.А.Райкова, П.Б.Азизовлар ҳақида оғзидан бол томиб гапириб юради. «Мени, қишлоқи бир йигитчани құлымдан етаклаб, университетте олиб кириб құймаганларида шу даражага етаришдім», — деган шукронани күп тақрорлайды. Салкам эллик йил СамДУ, ТошДУда декан, проректор лавозимларида ишлаган, интиҳойи камсұқум, инсонпарвар, муомаласи йиллар оша ҳеч үзгармаган фан арбоби раҳматли Полвон Бобоевич Азизов Жұра Мусаев ва у каби йирик олим бўлиб етишган истеъодди, содик шогирлари ҳақида фахрланиб гапирадилар.

1980 йили Санъат саройида ТошДУнинг 60 йиллиги тантанали нишонланди. Шароф Рашидов катта нутқ сұзлади. Университет олимлари, жумладан, йигирманчи йилда, илм-фан поездидә Тошкентта келгән, умрини илмга, таълимга, шогирлар тайёрлашга баҳшида этган фидойи рус олимаси И.А.Райкова ҳақида күп илиқ гаплар айтди. Оліма билан хайрлаша туриб, одатига күра, «Илария Алексеевна, бизга қандай хизмат, топшириқлар бор?» дебди Шароф ака. Устод ҳам айни мавриди келганидан фойдаланиб: «Жұра Мусаев деган иқтидорли шогирдим бор. Генетикамиз учун күп иш қылды ва яна күп иш қилишга қодир. Фақат уй-жой шароити қийин, бир хонали уйда сиқилишиб қолышган. Ұзи айтмаса ҳам биламан, илтимос, ёрдам берсангиз», — дебди. Эртасига ёқ Жұра Мусаевни республика раҳбари ўз ҳузурига тақлиф этади. Иши, ҳаёти, муаммолар ҳақида яйраб суҳбатлашадилар. Бир кун үтиб уйига шаҳар Советидан масъул одамлар келади. Улар бир неча жойдан беш хоналик уйни күрсатиб, қайсиси ёққан бўлса,

танланг, дейишади. Илтифот, гамхұрлиқдан багоят мұтаассир, мамнун бұлған олим қайта-қайта миннатдор-чилик билдиради ва дейди: «Минг раҳмат, бизга беш хоналиги керакмас, катталик қиласы!».

Илария Алексеевна билан мавлоно Полвон Азизов ҳаётдан күз юмишганиң аңча бұлды. Лекин академик Жұра Мусо доимо, туғилған күнләри, бошқа муносабатлар билан устозларини өд этиб, хонадонларига ташриф буюриб туради. Табиғи таралғанда үзи бошқош бұлади. «Агар мен Декартдан узоқроқни құрағып бұлсам, сабаби шуки, мен Декартдай бир алпнинг елкасыда турибман» (Исаак Ньютоң).

Миннатдор шогирдлар үз устодлари билан сарафroz. Устодлар эса үз садоқатлы шогирдлари сиймосида ҳамиша бардағында жүрді.

## 9 - фасл

### ХАТ ЁЗИШГА ТОБИНГИЗ ҚАЛАЙ?

Күпчилигингиз Тошкентта, Самарқандга, бошқа иирик шаҳарларға узоқ-яқын районлардан үқишиң келгансиз. Ота-онанғиз, қариндош-уруг, ёр-биродар, жұра-дугоналар билан алоқаларни қай тарзда давом эттирмоқчысыз? Құнглингиздан кечгандай жағобни айтышим мүмкін: «ора-сира, телефон орқали». Юқорида айттанимиздай, алоқаларимиз ҳам шунға мос бўлиши керак-да: телеграмма, телефон, телекс, факс... Фавқулодда ҳолларда бўлмаса, телеграммадан фойдаланмаган ҳам маъқул: ота-она, қавм-қариндошни чўчитиб юборади. Энг сози телефон. «Салом. Қалай? Яхшими? Соғлиқлар? Мен яхши. Пулим тугаб қолди. Юборинглар. Хайр. Ҳаммани сўраб қўйингизлар». Илгаригидай, ярим соат эзма-чуриклиқ қилишга вақт ҳам, имкон ҳам йўқ. Ҳар бир дақиқаси фалон сўм бўлғандан кейин гаплар ҳам қисқа, лўнда, шошилиничнома услубида, қуруқроқ бўлади. Вақт ўта бориши, ўзингиз ӯса боришингиз билан телефон қилишлар ҳам қисқара боради. Баъзилар, жилла қуриганда, йўли тушадиган ҳамқишлоқларидан «бизниkilарга ҳам саломлар!»га ўтиб олишади.

Бир йўриқда телефон ҳам чакки эмас. Бир-бирингизнинг жонли овозингизни эшитасиз, нафасингизни

хис этиб турасиз. Факс, телексларга ўтиб олинса қандоқ бұларкин? Шоир айтганидай, «темир одамлар»ға айланиб қолмасмынмиз?

Дангал савол: хат өзиб турибсизми? Ёзув пайдо бұлган пайтдан урфға айланған қадрдон, жонбахш мактубнинг беминнат хизматидан баҳраманд бұлағтибсизми?

Хеч бир нарса хатнинг ўрнини боса олмайды, азизлар. Мактуб жон озиги, күнгил ҳордиги. Унинг ҳар бир сүзи, сатри, жумласи согинган, талпинган, интизор, безовта дилларга қанчалар севинч, юпанч, таскин, даlda беради. Отабекнинг Кумушга, Кумушнинг Отабекка өзган мактубларини эслайлик. Нақадар самимий, чұтли, әхтирослы. Ё ишқ, мунча қудратлисан! Малъун Ҳомид ўзгартыриб биттан хатларни хотирланғ: найзадор, зақарлы. Бундан ортиқ тубанлик, иблислик бўлмас! Роман сюжетида, қаҳрамонлар тақдирида кескин ўзгаришлар ясаб юборган ҳам ана шу самимий ва сохта мактублар бўлди. Қолаверса, улуг адабимиз Абдулла Қодирийнинг фожеали қисматида ҳасадгўй, сотқин кимсаларнинг енг учидა, пинҳона өзилган, бўхтондан иборат хатлари ҳам ўз кучини кўрсаттан бўлса ажаб эмас. Бошдан-оёқ номалар асосига қурилган мароқди ҳикоялар, қиссалар бор.

Жигарбандининг уруш жангтоҳларидан өзган бир парча мактубини ойлаб орзиқиб куттан онайизорлар, бардошли оталар ҳақида эшигтансиз. Учбурчак конвертдаги мактубнинг ҳар бир сүзини, сатрини жон қулоги билан, ҳаяжонланиб эшитишган. Кўзларига тўтиё қилиб суртишган. Хушхабар келтирган чопар (почтачи), ўқиб берган ўқувчини узоқ дуолар қилишган, суюнчилар беришган. Айрим оиласарда бундай мактублар ҳали ҳам сақланиб қолган. Дарагини топсангиз, ўқиб кўринг.

Афсус-надоматлар бўлгайким, биз хат өзишдан чиқиб кетаяпмиз, ўзимизни бетакрор ҳузур-ҳаловатдан маҳрум этаяпмиз. Эҳтимол, техника қулайликлари туфайлидир, балки ҳафсаласизлик, лоқайдик, оқибатсизлик оқибатидир.

Бу қусур ўзи кўп жойда тарқалган, шекилли. Дейл Карнеги дўст танлаш, кишилар кўнглини ром этиш ҳақидағи китобида галат бир гапни айтади. Шотландиялик аёл университетда таҳсил кўраёттан икки ўғли хабар олмаёттани, хат өзмаёттани, ўзи жўнненнан хат-

ларга ҳам жавоб қайтармаётгани юраги безовта бұлаёттанидан ёзгириб, укасидан күмак сұрайди. «Бұнинг йўли осон,— дейди опасини юпатиб йигит.— Шундай йўл топамизки, улар дарҳол акс-садо беради. У жиянларига биттадан хат ёзиб, ўқишилари, сиҳат-саломатликларини сұрайди. Койинмайди, гинахонлик ҳам қилмайди. Охирида, конвертларингизга беш доллардан пул солиб қўйдим, дейдию, аслида пул солмайди. Икковидан ҳам яшин тезлигига жавоб хати келади: «Тогажон, мактубингизни олдик, ҳол-аҳволимизни суриштирганингиз учун раҳмат. Фақат....конвертдан пул чиқмади-ку! Кимдир ўмарган кўринади...» деган мазмунда.

Академик Саъдихон Сирожиддинов Тошкент давлат университетига раҳбарлик қилган кезларда журналистика факултети деканини чақириб, хоразмлик бир аёлнинг хатини кўрсатади. Онайизор кечки бўлимда ўқиёттан қизидан озурда бўлиб, қўни-қўшниларимнинг ўқиёттан фарзандлари вақти-вақти билан ота-онаси ёнига келиб, хатлар ёзиб, ҳол-аҳволини билдириб туришади. Менинг қизим эса на келади, на бир парча хат ёзади. Бошқаларга ҳавас қиласман, кўнглим ўксийди, безовта бўласман, ҳар хил тушлар кўриб чиқасман. Койиб, насиҳат қилиб қўйсаларингиз, деб илтижо қилган экан.

Машҳур олим, ажойиб инсон, зукко раҳбар Саъди Ҳасанович Сирожиддинов учун таълим-тарбияда катта-кичик масала йўқ эди. «Қизига яхшилаб тушунти-ринглар, танбеҳ беринглар, онасини ўйламаган фарзанд, яна бўлгуси журналист бошқаларнинг қадрига етармиди», деб тайинлаган. Худди шундай қилинди. Қиз хижолат чекди. Онасиға самимий хат ёзди. Узр сўради. Онайизорнинг безовта бўлганича бор экан. Қиз бир йигит билан танишган. Йигит роса бошини айлантирган. Шошилиб турмуш қурадилар. Фарзандли бўлишгач, номард эр ташлаб кетади...

Узоқ йиллар раҳбарлик лавозимида ишлаган масъул ходимлардан бири ҳикоя қилиб қолди: биласиз, фарзанд ширин, невара ундан ҳам ширин. Неварам хорижда хизмат қиласади. Худога шукур, эслик, ҳушлик. Ишидан кўнглимиз тўқ. Қўнғироқ қилиб туради. Ўзим ҳам вақти-вақти билан телефонда гаплашиб қўяман. Яқинда бир хат юборибди. Шунаقا таъсирли, илиқ, юракка бориб тегадиган гаплар ёзибдики, беихтиёр кўнглим бўшаб кетди. Она юртимни, Тош-

кентни, Сизларни, одамларимизни жудаям согиндим. Ватанимиз, она тилемиз қадри узоқдан айниқса билинار экан, дебди. Телефонда қисқагина ҳол-аҳвол сұраш бошқаю, хатда дилда борини тұкиб солиши бошқа. Мактубда жозиба, каромат күп экан.

Хат үзининг нимаси билан қадрли? Бу мужда, согинч, умид. Одамлар бир-бирларидан меҳр-оқибат, таскин, тасалли, қалб малҳами кутиб яшайдилар. Бир-бирларининг нондай арзанда сўзларини, шеваларини, исларини согинадилар. Кўрганмисиз, узоқ вақт ҳарбий хизматдан, хорижда ўқиёттан ёки бошқа бирон юмуш билан бўлак шаҳарларда юриб қолган ёхуд мусофири бўлиб яшаётган ё бўлмаса тутқунлиқда, асирикда умргузаронлик қилаёттан жигарбандидан бир энликини хат-хабар келиб қолганида, уни юз-кўзига суртиб, йиглаб ўқиёттан чол-кампирларни? Онанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли далада, дейдилар. Сиз, эй менинг кичик дўстларим, ўз юртларингизга, ота-она, қавм-қариндошларингизга хат ёзмаганингизга қанча вақт бўлди? А? Уч-тўрт ой? Нега бунчалик интиқ қиласиз ой сайин, кун сайин йўлларингизга нигорон, бир парча мактубингизга зор бўлиб ўтирган чол-кампиру, онайи зорингизни? Билсангиз, Сизсиз уларнинг еган овқати томогидан ўтмайди. Сизга илинади. Болам мусофири шаҳарларда нима еб, нима қилиб юрибди, деб хавотир олади. Турақолинг, илиққина хат ёзиб юборинг. Уйдагиларни жуда согинганингиз, катта бувингизни неча бор тушингизда кўрганингиздан воқиф қилинг. Мендан хавотир олманглар, ҳаммаси жойида, денг. Гап орасида сўраб кўринг-чи, таргил сигиринглар туғибдими ёки пича ҳаяли бормикан? Қўшни хонадоннинг эркатои Тиркашвойни кучук тишлибди, деб эшитувдингиз. Сўранг-чи, тузалиб кетибдими? Ва ҳоказо.

Лоқайдлик қандай хунук оқибатларга олиб келишини тасаввур қила олмайсиз, болам. Эсланг. Қайси бир фильмда кўрганингиз бор: ўзи ёлгиз яшаёттан бир кампир шаҳарга кетиб қолган набирасини куттани-куттган. Хар куни эшик олдига чиқиб, мунгайибгина ўтиради. Ундан дарак йўқ, йўқ... Дунё кўзига тор бўлиб кўринади. Кошкийди билса унинг қаёқда яшаёттанини. Нима қилиш керак? Ахийри, бу жудоликка, ҳижрон азобига малҳам топади: тунлари ўтириб, набираси номидан ўзига ўзи хатлар ёзади ва қишлоқнинг почта қутисига ҳеч кимга кўрсатмай

ташлаб келади. Шу зайдада кампирга гүё набирасидан бот-бот орзиқиб кутылган яхши хат-хабарлар кела бошлайды... Бу мактубларни у ҳар гал қўни-қўшниларига тўлиб-тошиб ўқиб беради. Ўзи тўқиган зангори ширин ёлғонларга шу қадар берилиб, ишониб кетади-ки, кўзларига ёш олади. Уни мириқиб тинглаб ўтирганлар ҳам таъсирланиб кетади.

Қандай фожеа-я!

А.П. Чеховнинг «Ванька» ҳикоясини ўқиганмисиз? Мабодо ўқимаган бўлсангиз, топиб ўқинг-а. Атиги икки-уч саҳифалик майда бир ҳикояда бир дунё ҳасрат-надомат мужассам. Мазмуни катта романга татийди.

Ванькани бобоси шаҳарга обориб, бир этикдўзга югурдакликка (етимчиликка) беради. Олти-етти ёшлар чамасидаги болакай бегона одамлар орасида ниҳоятда қийналиб кетади. Унга зугум қиладилар, кун бермайдилар. Қорни нон-ошга тўймайди. Азоб-уқубатнинг чеки йўқ. Охир бир кун бобосига хат ёзишга тушади. Ўз шиква-шикоятларида зулмнинг барча турларини болаларча бирма-бир санайди. Сўнгида, жон бобожон, дунёда менинг Сиздан ўзга ҳеч кимим йўқ, ўлиб қолмасимдан бурун мени бу ердан олиб кетинг, деб ялиниб-ёлворади. Сўнг мактубни буқлайди-да, конвертга солиб, устига ёзади:

«Кишлоқقا. Бобомга тегсин»

Шу кўйи почта қутисига ташлайди... У нома устига манзилгоҳини ёзиш кераклигини билмайди. Қанақа қишлоқ, қайси бобо?! Бола дунёда қийналади. Дунё эса болани унугтан. Унинг оҳ-зорларини ўзидан бўлак ҳеч ким эшитмайди. Ўқувчининг қалбида сўнмас бир ўкинч қолади. Багри-дили ўртаниб кетади. Водариг!

Мен кейинги вақтларда дастхат ёзишга кўнгил қўйдим. Ва бир нарсани пайқадимки, хатда гап кўп. Мактубда мактубнависнинг ўзи, ички руҳий олами тўла-тўқис намоён бўлади. Ёзган хатига қараб бехато айтиш мумкин: бу одам сермулоҳаза, латиф, доно, ишонувчан, дилгир, куюнчак, меҳрибон, ё бўлмаса шошқалоқ, зиқна, асабий, қўпол, қўрс, дагал, тўқимтабиат, бефаросат, домули, лоқайд ва ҳоказо.

Бармоқларнинг руҳи ва сеҳри бўлади. Ана шу сеҳр бармоқлар ҳамда қоғоз орқали бошқаларга ҳам ўтади, таъсир кўрсатади. Агарда Иккинчи Жаҳон Уруши жанггоҳларидан хонадонларга келган миллион-миллион учбурчак хатларни бир жойга йигнаб,

мислсиз Мактубхона-музей барпо қилишнинг иложи бўлсайди!.. Эҳ-ҳе, қанчадан-қанча руҳий ҳолатлар, изтироблар, инсоний фожеалар, алдаш ва алданишлар, садоқат ва хиёнат, пайхон бўлган, топталган ва хўрланган тақдирлар, севгиларнинг шоҳиди бўлардик. Мазлум ва мазлумалар, асиру асиralарнинг оҳидан чиққан тутундан метиндеқ деворлар ҳам қоқ ёрилиб кетармиди... Бир яқин дўстимнинг умр адогида бошига тушган руҳий азоб-уқубатлар, ташвишлардан кўпчилик хабардор эди. Дўстимиз ҳеч бир кутилмаганда ўзининг ёлғизгина ўғлини тириклай йўқотиб қўйди. Унинг тақдирини ҳозирга қадар ҳеч ким билмайди. Биз яхшиликка, эзгуликка ишонувчан одамлармиз. Умиднинг этакларига осилиб яшаймиз. Буёги матбуотда, радиода, ойнаи жаҳон саҳнидан туриб ўша оиланинг аянчли қисмати ҳақида узлуксиз хабарлар берилди. Бутун жумҳурият, юз минглаб танишнотаниш мушфиқ инсонлар қаттиқ изтироб чекди. Шундай тангур тарзиятда йигитнинг ота-оналари, юзлаб таниш кишилар республиканинг тегишли зўравон ташкилотларига бир неча марта ёзма арзиҳол қилдилар. Зўр бериб «дело» йигиш, расмиятчиликни инобатта олинмаса, надирки бирон зот астойдил «нима деяпсан ўзи?» деб сўраса! Нихоят, биринкита жавоб хат олинган ҳам бўлди. Мен бу «жавоблардан» кўчирма келтириб, катта-кичик мансабдор афандиларни мулзам қилиб ўтирумайман. Мазкур жавоб хатларини ўқисангиз, худди қўл билан эмас, оёқ билан ёзилгандай. Шу қадар саводсиз, ҳиссиз, мазаматрасиз бир нарсалар. Бундайлар ҳақида зукко инсонлардан бири «Унинг ҳатто сукугида ҳам грамматик нуқсонлар бор эди!» деб айтганида минг марта ҳақли. Грамматика, маданият, одобни ҳам қўя турайлик. Оддий бир инсоний туйгу, ҳамдардлик, таскин ҳам иондай азиз. Дардингни кимга айтасан? Дунё қўзингга қоронги бўлиб кетади кишининг. Қани энди катта бир сайхонлик бўлсаю, бор овозинг билан бақирсанг: «Ҳой, барака топкурлар! Бола-чақангизни эгилигини кўринг. Бир инсоннинг бошига тушган фалокат сенларнинг ҳам чекингга тушиб қолса (илоё тушмасин !!!), нима қилган бўлардиларинг? Фақат инсон эмас, ҳайвонда ҳам бор-ку шафқат ҳисси, ҳамдардлик туйгуси. Асакаларинг кетармиди ўлик идоравий услубда битилган мана бу «хат»ларингизга икки оғизгина инсоний оқибат, масиҳий нафас пур-

каб юборсангиз? Ёниб турган инсонлардан ақалли күнгил сұраш шунчалар анқога шафеми, тулпорлар? Ким «кашф» эттанийкин бунчалар бетаъсир, совуқ шевани? Ҳеч бұлмаса мазлум ота-онанинг кекса мұраббий, ёши бир жойға борган адіб эканлигини ҳам и nobatga олмабсиз-да? Биз инсоний мурруват, шафқат ва илохий муҳаббатта асосланған янги Истиқол иншоотини Сиз каби баъзи бир оғир карвонлар билан қурамизми? Ҳокиму ҳукамо одамларнинг дард-аламларини тингловчи, ҳушер, тамизли инсонлар бўлиши керак эмасми? Сизнинг ҳамиятингиз шуми ҳали?»

Бу ерда масала муомала одоби, инсоний иншо ва тафаккур услуги хусусида бораётibi. Бор-йўги шу. Элга таниқли, нуфузли, ҳалол, мард бир қанча раҳбарларнинг уларга кўрсаттган ва кўрсатаётган катта муурвати, чин инсоний гамхўрлиги юқорида айтганим таъналардан бутунлай холи. Лочинларим, Сиз ҳам ўқишини битириб, келгусида муносиб лавозимларга эга бўлишингизга иймоним комил. Ана шунда, Сизга мурожаат қилган кишиларга озгина дил, меҳринингизни қўшиб мактуб битишни унутманг!

Энди мактубнависликнинг тарихий такомил жиҳатларига, нома улугларимизнинг ҳаёти ва ижодида қандай товланганига бир назар солайлик.

(Қаралсин. Неъматулла Отажон. «Бобурнома» жаҳон адабий жараённіда. Докторлик диссертацияси. Тошкент, 1994).

Юқорида қайд этилганидай, ҳозирги вақтда, одамлар ва жаҳон мамлакатлари ўртасидаги турли-туман муносабатлар қалинлашиб, ҳар хил техникавий воситалар: чопархона (почтa), телеграф, телефон, фазовий (космик) боғланишлар, радио, факс, ойинаи жаҳон кашф қилинганидан сўнг мулоқоту муносабатлар енгиллашди ва қулайлашди. Бир вақтлар бетоб отаси ҳазрат Бобурни зудлик билан Бадахшондан Оргага бориб кўриш учун Ҳумойун Мирзо отда кунига саксон чақирим йўл босган ва бунга фавқулодда воқеа деб қаралган бўлса, ҳозир енгил автомобиль соатига ўртача саксон чақиридан йўлнинг танобини тортади... Бир кунлик жадди-жадал бир соатта келиб қолди. Замонавий тайёра (самолёт) эса Бадахшон-Орга орасидаги масофани бор-йўги бир неча соатда ўтади.

Хўш, ақдни лол этувчи катта фан ва техника тараққиётини бунчалик юксакликларга парвоз қилган

экан, асрий инсоний муаммолар ҳам шунга мос ва муносиб тарзда ҳал қилинди? Гоҳо «Бобурнома»да ёки бошқа күплаб тарихий ва адабий манбаларда ўша қадимул айёмда каллалардан қўпорилган «тоглар», тепадай уйилган гавдалар, дарё бўлиб оқсан қонлар, тириклайн териси шилингган маҳкумлар ва ҳоказоларни эшитганимизда, этимиз музлаб, жунжикиб, «ахир бу ваҳшийлик-ку!» деб юборамиз. Ҳолбуки, асрлар давомида ер фарзандлари — одамларнинг ўзаро муомала-муносабатларида шафқат ва тавозе, ҳурмат ва ишонч, меҳрибонлик ва оқибат қанчалик нозиклашган бўлса, рақобату ҳасад, очкӯзлигу йиртқичлик, хунрезлик билан зулмнинг тааддиси ҳам шунчалик, балким, ундан ҳам зиёдроқ «ривожланиб» кетди.

Бировга хат ёзиш ботиний руҳий эҳтиёждан туғилади, дедик. Бу жудаям ўзига хос дил изҳоридир. Мактубнавислик ўзи бир санъат. Иншо, муншаот ҳам ижод. Абдураҳмон Жомий ҳамда Алишер Навоийларнинг бир-бирларига ва бошқа азиз инсонларга ёзган мактублари ниҳоятда нозик ва зариф, нуктадонлик ва меҳрибонлик туйгулари билан сугорилган. Биз бу сингари инсонлардан улар ёзиг қолдирган бениҳоя гўзал бадиий асарлари учунгина эмас, балки бир-бирларига ёзган номаи аъмол ҳамда хатлари, булатни жамлаб борганилари ва маҳсус мажмуя ҳолига келтириб, биз авлодларга тухфа этиб қолдирганлари учун ҳам тоабад миннатдор бўлишимиз даркор. Сабаби, юксак бадиий ижод соҳиблари хатда ёзиг бўладиган қалб сирларини бошқа бирон восита билан айта олмас эдилар. Ҳолбуки, ижод қанчалик ижод бўлса, ижоднинг сирлари, ижодхона мўъжизалари, иқрор ва инкор, тасдиқ ва раддия, муҳаббат ва нафрат... булар бари, аксарият, шу хатларнинг қатига битилган бўлади. Зоро, зоти пок инсонлар, мутафаккирлар, ёзувчи ва шоирларни биз қанчалик чуқур ўрганмайлик, барибир, уларни ҳеч ким уларнинг ўзларичалик билмайди, билолмайди.

Гарб адабиёти ва, жумладан, рус адабиётида ҳам муншаот тури, эпистоляр жанр хийла ривожланган. А.С.Пушкин ва Л.Н.Толстой, А.П.Чехов ва И.С.Тургенев ҳамда бошқа бир талай адабларнинг хатлари ўзи алоҳида жилдларни ташкил этади. Уларда бир олам ҳаёт, руҳ ва маъно мужассам. Бадиий асарларидан топа олмаган ва илгай билмаган маъно, ишо-

ра, эътироф ёхуд эътироzlарни уларнинг хатларидаиң уқиб оласиз. Булар қанчадан-қанча завқ-шавқ багишлайди кишига. Зеро, ёзувчи ёзди, аммо ўзи ҳақида гапира олмайди. У гүё Ўзидан Ўзи маҳрум этилган. Аслида, бу унинг учун жазо-ку. Ўз асарининг муҳокамасида қатнаша олмаса. Асарни ёзиб, ўқувчиларга узатганидан сунг гүё ўз дил фарзандидан маҳрум бўлгандай аҳволга тушади. Баъзан шундай бўладики, адаб ўзини ўзи ҳимоя қила олмайди. Даврнинг гаддорлиги, ганимларнинг галамислиги, фисқ-фужур, туҳмат, бўҳтон, миш-мишлар уларни адо қилади. Абдулла Қодирий билан Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чулпон, Абдурауф Фитрат билан Усмон Носирий, Сайийд Ризо Ализодаларни олинг. Уларнинг «мактубнавислиги» ГПУ, НКВД, КГБ сингари собиқ мудҳиш маҳкамаларнинг заҳ ертўлаларида, зиндан ва қийноқларда «ижод қилинган» сўроқларда том-том «делолар» ҳолида қолиб кетди...

Нома, хат, мактуб мавлоно адилларнинг иккинчи ижоди. Бу ижоднинг мороми, бошланиши, ижод жараёни таҳлили ва давоми. Биз юқорида адиллар ўзлари ҳақида гапира олмайдилар, дедик. Гапира оладилар. Улар ихтиёрида кичик бир имконият, ҳар қалай, бор. Бу: ўз яқинларига, дўстлари, пир, муршид ва муридларига, яъни ўзларига энг сирдош ва ҳабиб бўлган инсонларга, ҳатто ўз рақибларига ёзган хатларидир. Ёзувчи маънавий дунёсининг ич-ичига кириб боришини истаган киши унинг хатларини ўқисин. Муаллиф ўз асарининг ичига яширинган бўлади. Уни ошкор этувчи нарса — хатлари, кундалиги ва хотира-номалари. Баъзан бадиий ижоднинг ўзи ҳам «нома», «мактуб», «хотира» шаклида ёзилади. Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си, Шарафиiddин Али Яздийнинг «Зафарнома»си, Хоразмийнинг «Муҳаббатнома»си, Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома»си, Муқимиининг «Саёҳатнома»си ва бошқалар.

Мана энди буёги — «Бобурнома», «Акбарнома», «Табақоти Акбар Шоҳий», «Равзатус сафо» ва бошқа хотиралар. Мазкур «нома»лар орқали биз бу фотиҳ ва жаҳонгир, инсон ва адилнинг ҳаётини баайни ичдан ва ташқаридан билиб оламиз. Чунончи, Гулбадан Бегим, Абулфазл, Мирхонд ва бошқа улуг муаррихларнинг асарлари туфайли Бобурнинг қандай табаррук ва фидойи, мўътабар зот бўлганлиги аён бўлади. Бироқ бир довюрак «Арслон», темурийзода, ҳиндий таъбир

билан айтганда, нотиқлик ва илм маъбуди, мусиқа ва шеърият ҳомийси Сарасватининг суюкли, арзанда ўглиниг (Роҳул Сан Критиан) кимлигини, қилган барча улугвор ҳамда мардуд ишларини, мамнуниятию пушаймонлари, орзу-армонларини ўзи ёзган «Вақоєс»дан бўлак бирон манбадан топа олмаймиз. Бу онҳазрат Бобур Мирзо ўз қули билан ясаган шундай кўзгуки, бу ойнада унинг ихтироиси бутун бўй-басти билан кўринади. Хат, мактуб, нома шунчаки бир шахснинг бошқа бир шахсга биттан дил изҳоригина эмас. Ёки фақат шунинг ўзи эмас. Аслида, бу катта, қамровдор, мураккаб ва зиддиятли муштарак муаммодир. Бу маънода, олайлик, Алишер Навоийнинг «Хамса»дай бир салмоқдор Бешлиги ҳам ўзига хос бир «хат». Ҳазрат Навоийнинг дастхати. Ўз ҳалқига— дил изҳори. Ўз тилида — туркийда мустақил, фасиҳ ва саҳиҳ «хат ёзиш» мумкинлигини исботлаш учун бунёд этилган шукуҳли адабий-тариҳий шаҳодатномадир. Бу хусусда ул мутафаккир зот ўзининг «Мұҳқаматул лугатайн» асарида жуда яхши айтган. Ҳозирги вақтда «ўзбек тилида мактуб ёзиш мумкинми ёки йўқми?» деган масала кўтарилса, ҳамма бирдай елка қисиши табиий. Чунки бунда дафъатан мантиқсизликни кўрувчи одамлар топилади. Аслида эса, масала қанчалик оддий ва жўн кўринмасин, шунчалик мураккаб. Масалан, ўша саволга жуда кўп кишилар, биринчи галда бизнинг зиёлilarимиз инкор жавобини берадилар. Гап «мактуб», «нома», «хат» сўзларига қандай маъно берилаётганида. Ахир, Навоий ҳазратлариdek буюк зот олдида ҳам ана шундай инкор маъносидаги тасдиқ турар эди-да! Инкорни инкор этиб, тасдиқ жавоби олиш учун «Лисонут тайр» сингари бақувват назарий рисола, дастур ёзиш лозим эди. Лозиму, аммо бу кифоя қилмасди. Назария зўр, аммо амалиёт билан зўр. Амалиёт назариясиз ҳам амалиёт бўлиб қолаверади. Бироқ назария амалиётсиз мавҳум нарса.

«Хамса»! Адабий тил сифатида туркий тилнинг зўрлиги ва мустақиллигини узил-кесил исботлаган далил мана шу «панж ганж» (беш хазина) бўлади. Мантиқ, ифода, исбот, калом, иншо, мажоз, атама, муаммо, жавоб ... — бари туркона. Гайри-арабий, гайри-форсий, гайри-юнонний, «соф» туркий хат эмас, албатта. Зоро, «соф туркийлик» даъвосининг ўзи мантиқсиз тушунча. Аммо негиз, грамматика, алфоз, ифода ва нафосат туркона эди.

Қизиқ. Мустақил адабий тил, мустақил давлат тили бўлишликка даъвогар ҳар бир тил олдида шундай муаммо кўндаланг туради. Тамомийла бошқа тупроқ, ўзга миллий муҳит, бўлак маънавий-жўгрофий кенглик бўлмиш Пушкин даври Русиясида ҳам (уч асрдан сўнг!) худди шу муаммо пайдо бўлган эди. Гал Пушкинга келиб етди. Айнан А.С.Пушкин «Евгений Онегин» шеърий романида рус тилининг мактубна-вислиқда оқсашидан ўксис, зорланиб гапирганди. Фаранг тилида бурро бўлган бизнинг ўрис зиёллари, войдод-вовайло, ўз она тилисида бамаънироқ бир нима дея олмайди, деб қаттиқ ранжиганди. Тилга ишлов бериш ёзувчиларнинг зиммасидадир. Бу борада ҳам туркий тилининг равнақи, ҳозирги ўзбек адабий тилини бойитиш, айниқса атамачиликда «Бобурнома»нинг ўз ўрни ва аҳамияти бор. Бунда тилининг лугавий бисотидаги ҳар хил қатламлар, иборасозлик, мақол ва маталчилик, тури-туман касб-кор сўзлари, маъмурий-идоравий истилоҳлар, миллий ва тарихий тушунчалар мавжуд.

Маълумки, Мирзо Бобур, ота, дўст, улфат, подшо мақомида жуда кўп одамларга жуда кўп хат битган. Бу хатларнинг ҳар бири тарих. Улардан асрлар оша подшоҳ ҳазратнинг ўқтам овози, одоби, фикр-мулоҳазалари, тажрибаси, мижози ва сажиаси бизгacha етиб келган. Бу мактубларни такрор-такрор ўқиймиз, мириқамиз, тўймаймиз. Уларда онҳазрат ўз ҳолидан зорланади, нималарнидир тайинлади ва насиҳат қиласи: — Хумойунга, Комронга, Ҳўжа Калонга ва бошқаларга. Аммо ўша «бошқалар» бошқалар эмас, балки биз бўламиз. Қиблагоҳнинг ота сифатида ўз фарзандларига чексиз меҳрибонлиги ҳамда насиҳату васиятлари худди ҳалқига, бизга, айниқса Сиз навжувон авлодга, суйикли талабалар, қаратилгандай жаранглайди.

Эсизки, унинг ўз яқин-йироқларига тури муносабатлар — давлат ишлари, шахсий аҳволот, оилавий муносабатлар, одоб, рафту омад, осойиш ва оройиш йўриқларида битган «нимарсалари», бу ранг-баранг улкан бойлик мунтазам йигиб борилмаган. «Муншашот» шаклига келтирилмаган. Кўпдан-кўп нарсалар сақланмаган. Алгов-далговларда йўқолиб кетган. Шуниси борки, биз яна Бобур подшоҳнинг ўзидан миннатдор бўлишимиз керакки, унинг бир қанча хатлари «Бобурнома» («Вақоевъ»)дан жой олган. Бундан беш

йил мұқаддам яна бир муборак хат топилиб, матбуотда әзълон қилинди, бу «Насиҳатномаи Бобур ба фарзанди худ» деб номланади. (Мáзкур ажайиб насиҳатнома нусхасини филология фанлари доктори, профессор Бегали Қосим Қозон шаҳридан топган ва «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида чоп этирган).

## 10 - фасл

### БОБУР МИРЗО СИЗГА НАСИҲАТ ҚИЛАДИРЛАР, АЗИЗЛАР...

Қуйида жузъий қисқартыриш ила мазкур хатнинг табдилини эътиборингизга ҳавола қиласиз:

Ҳазрати Бобуршоҳ ғозийнинг Ҳиндистондан Қандаҳорга саодатманд Мирзо фарзандига йўллаган хайрли ҳолномаси.

Доно, қадрли ва саодатли фарзанд Муҳаммад Комрон баҳодирга муҳаббатли саломдин сунгра булким, қондош, жондош ва сирдош амалдорларинг билан бирга сабоқ ўқишга саъи-ҳаракат бошлабсен. Бу важҳдин кўнглум кўтарилиб, дилим яйради, бисёр қувондим. Тенгри таоло даргоҳидин умидворменким, жамии қобилият ва салоҳият бобинда барқамол сероб бўлиб, камол топгайсен. Ҳамиша шу тариқа иш кўриб, асло хатога йўл қўймагайсен. Зоро, ҳазрати Хожа Ҳофиздин нақл бўлмиш:

*Пирон сухан зи тажриба гўянду, гуфтамат,  
Хон (эй) писар, ки пир шави, панд гўш кун.*

Мазмуни: Улуг одамлар ўз тажрибаларига суюниб гапирадилар. Эй ўғил, ҳар қанча улуг бўлсанг ҳам, насиҳатимга қулоқ ос.

Воқиф бўлдимким, ҳазрати раҳматлик ва марҳум Султон Ҳусайн Мирзо вафотидан кейин қолган чигатой эли билан бирга юриб, бирга туриб, бисёр қобилият ва лаёқат пайдо қилмишлар, латофатдин холи эрмамишлар [...]. Турк улусидин отаси қўл очган, онаси тўй бошлаган тартиб-интизомли кишилар борким, аларнинг оталари ота-онамизга хизмат қилиб, жон нисор айлаб, иссиқ-совуқ, сафар ва

ұтроқда бирга бұлиб, бир лаңза ҳам ташлаб кетишишманған. Аларнинг хизмати шойиста, панд-насиҳатлари жүяли. Алар орасидан сұраб-суроштириб, даргоҳинга йўл берип, ўзингга яқин олиб юр, гофил бўлмагайсен. Ёшлари кичик бўлса, алар билан ҳам кенгашиб, маслаҳатлашиб, аларнинг сўзига амал қилиб, асло ва мутлақо номатлуб ишларда иштирок этмагайсен. Мулоҳазакор беклар билан сенга хайриҳоҳ бўлган оддий одамшаванда кишиларким бор, қайсики ёнингга ҳамиша муҳим ишлар юзасидан маслаҳатта келиб турарлар, аларнинг савол-жавобларидан ўзингни тортмагайсен ва кенгашларидан чиқмагайсен. Хушомадгўйлар сўзига алданиб, хайриҳоҳлар борким, давлатта муносиб сўзларни эшитиб, кўриб-билиб, ёнингга келиб бетингга (бор гапни қандоқ бўлса шундоқлигича) айтурлар, аларга жаҳлинг чиқмасин. Гарчи аларнинг гапи эшитар қулоққа филҳол [дафъатан] малол келса-да, оқибати хайрли бўлур.

Масал борким, дўст йиглатур, душман кулдирур. Дўст билан душманни таниб, шундай бир мақомда амал қилгайсенким:

Мисраъ: Жойе гул-гул бош ва жойе хор-хор.

Мазмуни: Ўрнига қараб: гулга-гул, тиканга-тикан бўл.

Тагин, Қандаҳор лашкари долзарб келади. Ҳар нечук ушог [кичик] одамларнинг гапига кириб, алар билан (бировларнинг устига) отланувчи бўлмагайсен. Мабодо зарурат туғилиб, лозим бўлса, ишбилармон, мажлис кўрган, қонун-қоидадан хабардор, тартиб-интизомли хайриҳоҳларинга кўнгул ёзиб, яхши гапларни тайинлаб юбор. Элга яхши сўз айтиб, дилҳоҳ бўлиб, истеъоди мукаммал инсонлар билан ҳамдам бўлгайсен. Узоқ-ёвуқдин эшитар қулоққа ва кўрап кўзга яхши.

Тагин, ножинс, зоти паст ўлароқ, ҳар қанча ёқимтой ва қобилиятли бўлсалар, тарбият қилиб, мамлакатни идора этишга имдод бермагайсенким, ҳазрати Шайх Саъдийдин қолган гап бор:

*Нокас бо тарбият нашаванд, эй ҳаким, кас,  
Дар бօғ лола рўяд ва дар шўра хору хас.*

Мазмуни:

*Нокас борким, тарбият билан инсон қилиб  
бўлмас,  
Эй ҳаким, бас,  
Богда гул унади, шурхокда хору-хас.  
Ҳазрати мавлоно Жомийдин бу қитъа  
шоён бўлубтур.*

*Ҳарки нокас бувад дар аслу сиришт,  
Мунқалиб натавон кардан, эй жигар.  
Нокасеро агар куни мақлуб,  
Қалбе ў гайре баста кай нашавад.*

Мазмуни:

*Ҳар кимки асли нокас бўлиб яралмиш,  
Уни тузатиб бўлмайди, жигарим.  
Мабодо ўшал нокасни ҳарчанд ўзгартири-  
гаңда ҳам,  
Унинг қалби ўзгармай қолаверади.*

Тагин. Мовароуннаҳр эли кўп содда бўлади. Ҳар қанча қобилиятсиз бўлсалар ҳам уларга ишонса бўлур.

Алалхусус, ул фалак доираси зулматининг ёргу чароги, ҳаёт бўстонининг суханвор булбули ҳазрат Хожа Убайдуллоҳим имдод қилмиш эрканлар, таобад бу ишларнинг саромади ул азизларнинг ҳимматидин-дир.

(Вақтеки) ул сулоланинг мурид ва ҳамроҳлари, подшоҳзода тортиб сенга келсалар, зинҳор иззат-ҳурматларини жойига қўйиб, аларнинг ҳузурида бирон қусурга йўл қўймагайсен (хотирларин ранжида қилмагайсен). Аларким, ишқ бобинда бўларлар, севарларнинг итини ҳам севарлар.

Тагин. Ҳиндистон кайфиятини фатҳномада маълум қилурмен. Ҳиндистон подшоҳи Иброҳимким, анинг ўғли қўлга тушибтур. Ани сен жонажон фарзандимга йиборилди. Инчунин, анинг ҳол-аҳволидан хабардор бўлиб, ўзинг назорат остида туттайсен. Вассалом. Ҳусни жамолинг тароватига пайвастамиз. Бошқа гап йўқ. Жоно, Ўзидан ўзга қарам йўқ.

## АҲВОЛИНГ НЕЧУК, ЁТОҚХОНАМ?

Ҳаётингиз, дўстларим, икки хонадон оғушида ке-чади. Факултет (бўлим) — биринчи уйингиз бўлса, ётоқхона — иккинчи уйингиз, ёки, аксинча, ётоқхона — биринчи, факултет, таълим-тарбия ўчоги — иккинчи уйингиз.

Мустақил ҳаётга қадам қўйиш, кўпинча, ётоқхонадан ўрин олишдан бошланади. Илгари ўз уйингизда, ота-онангиз багрида яшагансиз. Рўзгор нималигини билмагансиз. Ташибинни чекмагансиз. Ҳамма нарсани ота-онангиз муҳайё қилган. Қизларимиз су-пириш-сидириш, бичиши-тикиш, пишириш-қовуришдан бир қадар хабардор ҳолда келишган. Ўғил болалар, асосан, тайёрини еб-ичишга, кийишга ўргангандан мустасно).

Ётоқ жамоа орасида яшашга, умумий тартиб-қойдаларга қатъий риоя қилишга ўргатади. Бир ётоқда, айтайлик, юз эллик бола турса, Сиз шулардан бирисиз. Бир хонада уч ё тўрт киши яшаса, шерикларингиз Сизнинг, Сиз уларнинг қош-қовогига қарай-сиз. Ётоқнинг темир қоидаси: кўпчилик қандай бўлса, Сиз ҳам шундай — оч бўлса оч, тўқ бўлса тўқ. Стипендия олинган кезларда уч-тўрт кун бемалолчилик бўлади. Уйдан келган нарсалар курсдошлар, жўралар, дугоналар ўртасида дарров «бир ёқлик» қилинади. Заҳирадан эртага ҳам бирор нарса топиш мумкин... Индинига — худо пошшо. Ё Оллоҳ, ё насиб. Лекин умумий руҳ, кайфият доим бир хил: тетиклик, қувноқлик, мақолни жиндак ўзгартириб айтсан — оч қоринга қўшиқ ҳам ҳожат. Талабалик ҳаёти шуниси билан ўзига хос, жозибали.

Ётоқхона талабаларни ҳамжиҳатликка, ҳамнафасликка, аҳилликка, қувноқликка, мустақилликка ўргатади. Ҳашару учрашувлар, мушоираю мубоҳасалар, наврўзу сумалаклар узоқ вақт ёддан чиқмайди. Туғилган кунларни нишонлаш ҳам. Камтар, файэли ҳамда қут-баракали дастурхон атрофида шеъру мушоира, ҳазил-мутойиба, гулу табриклар билан ўтказилган таваллуд айёми мутаваллид («юбилияр») йигит ёки қиз юрагида ўз уйида, жигарбандлари даврасида, қуюқ дастурхон тузатилиб ўтказилганига қараганда ёрқинроқ нақшланиб қолади.

Тақдирлаш учун энг яхши хоналарни танлаш кезлирида ётоқнинг ҳусн-жамолини бир кўрсангиз эди. Айниқса қизларнинг хоналарини: ҳаммаёқ саранжом-саришта, чиннидек артилган, топ-тоза; жовоонларга китоб-дафтарлар дид билан териб қўйилган; маҳсус тувакчаларда анвойи гуллар ўстирилган; деворларда ота-онаси, яқинлари, дугоналари, курсдошларнинг суратлари; севимли актёрлар, хонандалар, шоир ва ёзувчиларнинг суратлари; тикилган каштаю рўмолчалар... Кўзингиз қувонади. Янги тушган келининг ясоглиқ уйи дейсиз.

Ораста хоналар, кўнгилли тадбирлар кўзни қанча қувонтирса, айрим ётоқлардаги нохуш манзараларни кўриб дилингиз хира тортади. Кундуз кунлари кирсангиз ҳушингиз учади: (кўпроқ йигитлар турадиган) хоналар бесаранжом; кўрпа-тўшаклар йигиштирилмаган; чойшаблар исқирт бўлиб кетган; столдаги сигарет қолдигидан, яна аллақандай ачимсиқ ҳидлардан кўнглингиз беҳузур... Йўлақда ҳар хил қоғозлар, папирос қолдиқлари; чой қайнатиши, овқат тайёрлашга ажратилган, «пишчеблок» деб аталувчи хос хоналарда газ плиталари қорайиб, деворлар ис босиб кетган; ҳар хил пўчоқлар уйилиб, сочилиб ётиди. Йигиштириб қўювчи бирор зот топилмайди. Сўралса, ҳамхоналарнинг ҳар бири ўзининг навбатчи эмаслигини пеш қиласди ёхуд «бу фаррошнинг иши, маош олгандан кейин йигиштиради-да» деб чақиб олади. Ҳар замонда ҳашар уюштирилганда ўзини касалликка соладиган ёки бирор баҳона топиб четта тортадиганлар учраб туради. Қибрай, Янгийўл, Келесдан, узоқ-яқиндан ҳар куни эрталаб Талабалар шаҳарчасига вақтида етиб келишгани ҳолда, ётоқдан ярим чақирим келар-келмас факултетта, дарсга кечикиб келадиганлар, уззу кун гафлат босиб, хуррак отадиган азаматлар ҳам учраб қолади...

Августнинг охирги кунлари Сиз, биринчи курс талабалари, ётоқнинг уч ё тўрт кишилик хоналарига жойлашдингиз. Ҳали бир-бирингизни дуруст танимайсиз ҳам. Шу илк танишлик аста-секин қадрдон жўралиқ, сирдош дугоналиқ, кейинроқ бориб яқин дўстликка айланиб кетса айни муддао бўларди. Бу анча қийин. Уч-тўрт киши — шунча тийнат, хархаша, феъл-автор дегани. Бирингизнинг аъмолингиз бошқаникига тўтри келмаслиги, бошқанинг бирор қилиги қолганларга ёқмаслиги мумкин. Бири-бирини ранжит-

май, күнглини қолдирмай, умумий тил топиб, юзага келган муаммоларни бартараф этиш, сабр-бардошли, келишимли, кечиримли бўлиш, муомала маданияти бу катта гап. Баъзан ҳайрон қоласан қиши. Бир йил, икки йил ўтгач, ёшга ёш, ақлга ақл қўшилиб, кўз очила бошлагач, айрим тантиқ талабаларда инжиқлик бошланади: «Менга икки кишилик ё бир кишилик жой берасиз»; «ановилар билан эмас, мановилар билан тураман»; «жой фалон қаватда бўлсин»... Манзара қоришиб кетади: кеча апоқ-чапоқ дугоналар, қалин жўралар бугун ораларидан қора мушук ўтган, бир-бирига тескари қараган, хонасига кирмаган... Тайинли сабаб йўқ: кимдир нимадир деган, гийбат қилган, фалончи танқид қилганда ёнини олмаган, қиз талашган, йигит талашган ва ҳоказо. Ўйламай сўзлаб, дилни вайрон қиласиган, бир оғиз қаттиқ гап айтиб қўйиб, бир умр хижолат чекиб, виждони қийналиб юрган одамларни кўрганмиз. Муомалага эҳтиёт бўлинг, жон қизлар, алп йигитлар!

ТошДУ Талабалар шаҳарчаси директори Адҳамжон Эргаший билан тез-тез учрашиб, гурунглассиб турамиз. У журналистика факултетининг кечки бўлимини тутаттан. Узоқ йиллар деканатда тадорикчи (методист) бўлиб ишлаган. Ҳозир таржимашуносликдан дарс беради ва илмий иш олиб боради. Ўз шогирдимиз. Фаргоналикларга хос мулоиймтабиат, ширинсухан, солиҳ йигит. Ишига пухта. Талабаларга отадай меҳрибон ва талабчан. Ихлос-иштиёқ билан ишлайти, ходимларини ишлатаётиди, тасарруфидағи ётоқхоналарни анча тартибга солиб қўйди.

— Янгилик шуки, ўқитувчиларнинг ётоқхоналарда хўжакўрсинга навбатчилик қилишидан воз кечдик,— дейди Адҳамжон. — Турган биттани даҳмаза. Ёшларга ишончсизлик тұғдиради, боқимондалиқка олиб келади. Ётоқхона маъмурияти, талабалар кенгаши бор. Студентларни биринчи кундан бошлаб мустақилликка ўргатишимиз даркор. Токи талаба, аввало, ўзини-ўзи назорат қиласин, бурчи ва масъулиягини чуқур англаб етсин.

Раҳбарият, мутасаддий-комендант, талабалар кенгаши қаттиқ турса, ҳаммаси жойида бўлади. Шу йилнинг тўрт ойида биз, тартиб-қоидаларни бузгани учун, олти талабани ётоқхонадан чиқазиб юбордик. Ойига беш-олти юз сўмдан тўлаб, ижарада туриб кўрсинг. Кейин билади ётоқхонанинг қадрини. Ётоқ

ҳақи биласизми қанча? Кулгили даражада оз! Уч сүмга ҳам етмайди. Нима бу? Энг ками 50 сүм бўлиши керак, деб ўйлайман. Шунда ётоқнинг, давлат мулкининг қадрига етадиган бўлишарди. Айрим талабаларнинг давлат мулкига лоқайд муносабати, боқимондалик кайфияти бизни ташвишга солади. Усталаримизнинг кўп вақти синган стул-столларни тузатиш, эшик, каравотларни таъмирлаш, деразаларнинг синган кўзига ойна солишга кетади. Газни ёқиқ, сувни очик ҳолда, пўчогу қоғозларни йигиштирмай қолдириб кетиш кишини ранжитади. «Онанг қатори аёлни ортиқча хизматга қўйганингга хижолат бўлмайсанми?»— дея танбеҳ берамиз айбдорларга. Баъзилар хонасини ўзича, «шарқона реконструкция» қилиш, яъни стол, каравотларни йигиштириб полда ётиш, хонтахта атрофида овқатланиши одат қиласидиган бўлишибди. Бетон бинода яшаёттанларини унтутишган кўринади. Миллий қадриятларга не етсин. Лекин миллийлик миллий муҳитда яхши-да. Студент халқи учун мана бу тамойил муҳимроқ: «Соғлигинг қадрига ет, соглигинг кетмасдан бурун!» Елвизак тегиши, бел оғригини орттириш, бунинг асорати ёмон бўлиши мумкинлигини йигитларимиз, айниқса, қизларимиз уччалик ўйлашмаяпти. Афсус.

Ҳам ётоқдан жой олиб қўйиб, ҳам ижарада турадиган бойвачча болалар, тўгрироги, бойваччаларнинг болалари ҳам йўқ эмас. Отасидан алоҳида, онасидан алоҳида мўмай пул оладиган бундай учар, устомон фаранг-сарангилар ҳафта-ўн кунда ётогига бир келиб кўриниш беради, бегона улфатларини эргаштириб келади. Ичкаридан қулфлаб олиб майхўрлик қилишади, қарта ўйнаб бир-бирининг пулини шилишади. Жанжал чиққан, мелиса аралашган пайтлар ҳам бўлиб туради.

Яна бир тоифа борки, шовқин-суронни хушламайдиган, ёлғизлиқни ёқтирадиган, тинч қулбада китоб ўқишини, тажриба ўтказишни хоҳлайдиганлар. Кўпроқ йигитлар орасида учрайди. Уларни одамовига чиқармаслик керак. Ҳалим, мўмин-қобил, у-бу ишларга қарашадиган, маъқул келиб қолган болаларни хонадон соҳиблари ҳам қўйиб юборишмайди. Ижара ҳақини кам олиб бўлса ҳам яшаб туришга имкон берадилар. Баъзан умуман ҳақ олмайдиган одамшавандада соҳиблар ҳам учраб қолади.

Аввал ижарада туриб кўрган, ижара ҳақи чақиб

қетишини, соҳибларнинг қош-қовогига қараш, майдакаш, носамимий панд-огоҳларини эшитиш қанақа бўлишини бошидан кечирган толиб ётоқнинг қадрига кўпроқ етади. « Ётоқда яшамабсиз, талабалик нималигини билмабсиз» деган гапда жон бор. Фақат уйини, факултетини биладиган, курсдошлари ётоқхонасига кирмайдиган, ўзлариникига ҳам таклиф қилмайдиган, бошқа шаҳар, қишлоқларга тўй, меҳмондорчиликка қўшилишиб бормайдиган, хонадонига ҳам меҳмонга чақирмайдиган айрим шаҳарлик йигит-қизлар студентчилек нималигини камроқ билишса, гаштини камроқ суришса ажаб эмас. Яна шундай чеҳраси очиқ, меҳрибон, барака топкур йигит-қизлар бўладики, вақти-вақтида, турили муносабат билан курсдошларини, кўнгил тортар ўртоқларини, дугоналарини уйига қўймай олиб кетадилар. Уларнинг ота-оналари, боламнинг орқасида боламсизлар, дея хўп сийлайди, тансиқ таомлар торгади (талабанинг бир тўйгани— бойигани!), яна келиб туришларини тайинлайди. Бундай одамийлик, хотамийликни талabalар ҳам кейинчалик доимо миннатдор бўлиб эслаб юради. Айни чоқда, айрим сўхтаси совуқ, қурумсоқ кимсалар ҳақида «беш йил бирга ўқибмизу уйини кўрсатмабди, ҳатто бир куни кўчасидан утаётганимизда ҳам, кўнглимиз учун, «бизнинг уйга кириб бир пиёла чой ичib кетинглар демади-я, шоввоз» — деб қўйишади.

Меҳнат таътилида, командировка қилиб ёхуд бўш вақтида шаҳарга келиб кетадиган тушунгган, тўқмижоз, саховатпеша одамларнинг бир хислатини алоҳида эслашга бурчлимиз. Улар, ўзлари ҳам бир пайлар талаба бўлганини эслашса керак, студентлар ётогига, фарзандлари, қариндош-уруглари, қишлоқдошлари ҳузурига маҳсус ташриф буюради, бозор-учар қилиб, тайёргарлик кўриб келади. Шу ерда ё бирор самоварда ош-овқат қилиб, яқин оғайниларини ҳам таклиф қиласилар. Кейин ҳар бирининг чўнтағига пул солиб қўйишади. Бундан ҳамма, айниқса, илк бор танишган талabalар бениҳоя ҳаяжонланиб кетади. Узоқ вақт миннатдор бўлиб юради. Москвага командировкага борган бир тадбиркор икки тамом нотаниш юртдош талабага, қийналиброқ ўқишаётганини сезган бўлса керак, юз доллардан пул берганини айтиб юрадилар. «Тортинмай олаверинг, хижолат чексангиз, қарз деб билинг, ўн-ўн беш йилдан кейин, катта одам бўлиб етишганингизда қайта-

парсиз», дея кўнглини кўтарганини эшишиб, таҳсин ўқийсиз. Беихтиёр кўзингиз намланади. Қанийди шундай ҳотамтой муқаввийлар (спонсорлар) кўпроқ бўлса...

Американинг таниқли фермерларидан Дейл Карнегининг «Дўстнома» («Дўст қалбини қандай ром этиш, одамларга таъсир этиш йўллари») китобини албатта ўқиб чиқинг. Ўнлаб тилларга таржима қилинган ушбу пандномадан парчалар ўзбек тилидаги нашрларда ҳам пайдо бўлди. «Одамлар билан муомаланинг асосий усуллари», «Амал қилинса, одамларга хуш ёқадиган олти қоида», «Риоя этсангиз, кишиларни ўз нуқтаи назарингизга оғдиришга ёрдам берувчи ўн икки қоида», «Адо этилса, одамларга, таҳқирламай, кўнглини қолдирмай таъсир этадиган тўққиз қоида», «Мўъжизакор хатлар», «Амал қилсангиз, оиласи ҳаётингизнинг янада баҳтиёр, фаровон бўлишига кўмаклашувчи етти қоида» каби мавзулар Сизга лаззатли руҳий гашт багишлади. Чунончи, учинчи қисм қуидаги ўн икки қоидадан таркиб топган: «Баҳсада устун келиб зафар қучиб бўлмайди», «Душман орттириш ва бунинг олдини олишнинг йўли», «Агар ноҳақ бўлсангиз, тан олинг», «Инсон ақл-идроқига энг тўғри йўл», «Суқротнинг сири», «Шикоятларни текширишда жонга аро кирадиган усул», «Ҳамкорликка эришиш сири», «Сиз учун мўъжиза яратиб берадиган формула», «Ким нима истайди», «Барчага хуш ёқадиган даъват», «Кинода ва радиода шундай экан, нега Сиз шундай қилмайсиз?», «Бошқа ҳеч бир нарса таъсир этмаса, бунисини синаб кўринг».

Хўрматли талаба! Гарб этикасининг энг яхши қоидаларини мужассамлантирган ушбу ва бошқа китобларни, шарқона мумтоз одоб-ахлоқ нақш этилган пандномаларни, «Ҳадис» ва ҳикматларни тез-тез мутоллаа қилиб туринг. Ёшлик эҳтиросини ақл, мантиқ кучига бўйсундиринг. Иймонимиз комилки, бу Сиздек навниҳолнинг тўғри, бақувват чинор, сермева дарахт бўлиб ўсишингизга ёрдам беради.

Меҳнат билан спорт бамисоли эт билан тирноқ. Бирини иккинчисидан ажратиб бўлмайди. Инсон сугаги меҳнат билан қотади. Жисмоний тарбия, спорт эса уни чиниқтиради, зуваласини пишигади, иродасини мустаҳкамлайди.

Ҳар бирингиз, бақадриҳол, меҳнат билан ўсгансиз. Спорт билан шугуллангансиз. Қизларимиз, ҳар қалай,

үй йигиштиришган, ҳовли супиришган, идиш-товоқ ювишган, сигир согишган, дала ишларига қарашишган, тикиш-бичишни ўрганишган. Баъзи йигитларимиз мол боқищда, ер чопиш, сугорищда оталарига қарашишган, ҳар хил юмушларни бажарган, жисмоний тарбия билан машғул бўлган: тўп тепиш, сувда сузиш, от, велосипед сайри ва ҳоказо. Уйда, мактабда нимаики ўрганганди, фойдали нарсани одат қилган бўлсангиз, энди шуларни давом эттиринг, такомиллаштиринг.

Сиз мустақил юртимизнинг кўрас кўзи, бугунги таянчи, эртанги умидисиз. Иншооллоҳ, билимдон, ма-лакали мутахассис бўлиб чиқасиз. Соғлом, кучли, иродали инсон, қирқ ҳунар эгаси бўлиб етишасиз. Ақлий ва жисмоний меҳнат билан бақамти шугулланинг, мияни узлуксиз пешлаб, тани чиниқтириб боринг. Гайратли, бақувват одамгина катта, кўламли ишларни кўнглидагидай адо этади. Улуғларимиз соғлом авлод тарбиясига бу қадар катта эътибор берадиганни бежиз эмас. АҚШ, Олмония, Италия, Япония сингари тараққий эттан мамлакатларда, эътибор қилган бўлсангиз, машҳур спортчилар — волейболчилар, баскетболчилар, гимнастлар, тенинсчилар, қиличбозлар, хуллас, юртининг донгини дунёга таратгандарнинг аксарияти талабалар орасидан чиқкан. Хайрият, мана энди ўзимиздан ҳам чиқа бошлияди.

Мустақилликни қўлга киритган бизнинг республикамиизда ҳам физкультура ва спортта жуда катта аҳамият берилмоқда. Биргина футболни ривожлантириш ҳақида икки фармон чиқди. Кўпдан-кўп тадбирлар кўрилди, кўрилмоқда. Футболчиларимиз ҳам қойил қолдирди — Сеуда Осиё чемпионлари бўлди. Уларнинг кўпчилиги талабалар табақасидан.

Курашчиларимизнинг довруги, қўлга киритган медалларини айтинг! Классик курашнинг барча турлари ҳадисини олишган. Карапе, дзу-до, тэквондо каби турларда ҳам хитой, японлардан қолишмайди — бу марди майдонларнинг ҳам аллақанчаси кечаги ва бугунги талабалар. Умуман, қуёш нурини симирган, ширин дармондори меваю сабзавотлардан тановул қилган ёшлар азалдан чайир, чидамли бўлиб келган. Ишончимиз комилки, спортчиларимиз эл-юртимизнинг довругини ҳали дунёга кўп таратгусидир. Уларнинг кўпчилиги қаторида Сиз талабаларнинг номларини кўришни истардик.

Ардоқди үтил-қызларимиз! Талабаликнинг илк кунларидан бошлаб спортта меҳр-ихлос қўйинг, эрталабки жисмоний тарбияни қанда қилманг, дарсдан бўш вақтлари спортнинг ўзингизга манзур бўлган тури билан астойдил шугулланинг. Асло бўш келманг. Омад ёр бўлсин. Рекордчилар, чемпионлар ҳам осмондан тушмайди, ўзимизнинг шу саҳий заминимиздан кўкариб чиқади. «Менинг улардан кам жойим борми!» деб жаҳд қилинг. Ватан шуҳратига шуҳрат қўшинг. Майли. Сиздан чемпион чиқмаса чиқмас, медал, катта совринлар ҳам насиб этмас, лекин абжир, чаңдаст, кучли, соглом бўласиз — муҳими шу!

АҚШ, Олмония каби мамлакатларнинг ўқув юртларида бўлган ҳамкасларимиз талабалар дарсдан бўшади дегунча спорт майдончаларига боришлари, уч-тўрт соатлаб машқ қилишларига қойил қолганликларини айтишади. Эътибор беринг: уларда талабалар, ҳеч ким мажбур қилмаса ҳам, ўз азму ихтиёри билан спортда мунтазам шугулланади. Бизда бўлса баъзилар ҳатто мажбурий дарсларга ҳам бормаслик йўлини қидиради, ҳаётий заруратга панжа орасидан қарайди. Хорижда ҳамма нарса, жумладан, ўқиш, медисина хизмати пуллик. Касал бўлиб дўхтирга мурожаат этган, касалхонага ётган одам катта харажатга тушади. Шифокорга иши тушмасликнинг энг оддий, қулай йўли — касал бўлмаслик. Бемор бўлмаслик учун дардга чап бериш, бунинг олдини олиш, соглиқни чиниқтириш, жисмоний тарбия билан муттасил шугулланиб бориш лозим. Оддий фалсафа шу.

Шаҳарлик ўқувчи, талабаликка қабул қилингач, уйида қандай меҳнатта ўрганган бўлса, шуни давом эттираверади, сабаби, ҳаёт тарзи деярли ўзгармайди. Бошқа вилоятлардан, шаҳар-қишлоқлардан келган йигит-қызларда иш ҳажми бир қадар қисқаради, дастлабки пайтларда бу нарса сезилади ҳам. Жисмоний тарбия, спорт бир қадар бунинг ўрнини босиши мумкин. Кундузги бўлим талабаларининг баъзилари, биринки ийл ўттагч, дарсдан бўш вақтларда яrim ҳисса ёхуд шартнома асосида, ихтисосига мос, яқин соҳаларда ишлай бошлайдиларки, бу юқорида бир карра писанда этилганидай, тажриба орттириш, қўшимча даромад топиш, ота-онасиға оғирлик туширмасликка интилиш маъносида диққатта сазовор. Масалан, журналист талабалар матбуот, радио, телевидение, нашриётларга ишга жойлашади; филолог, тарих-

чи, риёзион (математик), физик, кимёгарлар мактаб ва бошқа ўрта махсус ўқув юртларида дарс берадилар, ёшларга тил ўргатадилар; биолог, тупроқшунос, жүгрофиюнлар тажриба стансиялари, лабораторияларда; механиклар ҳисоблаш марказларида, турли устахоналарда меңнат қиласы, мустақил ҳаётта ўрганадики, бу таҳсинга сазовор.

«Бұш вақт» деган атама, аслида, нисбий түшүнчә. Эзгу мақсад, орзу-умидлар билан яшаёттан, тер тұкаёттан одамда бұш вақт нима қылсын. Ҳар қалай, асосий машғулотлардан ортирган фурсатдан ақыл одам мияси, шуури, тасаввуридаги бұшлиқни тұлдириш, ички маданий әхтиёжни қондириш мақсадида фойдаланади: газета, журнал, китоб мутолаа қиласы, радио эшигади, ойнаи жақонни құради, кино, театр, концертларга боради, музей, күргазмаларни тамошо қиласы, саир-саёхатта чиқади, одамлар билан суҳбат құради, уй-жойини таъмирлайди, мол-холига қарайди, томорқасида ишлайди, спорт билан шугулланади.

Меъёрида ухлаш — ҳориган асаб ва бадани тиниқиб дам олдириш, уни янги күч билан ишлашга, янги мэрраларни әгаллашга сафарбар қылдириш демақдир. Бу — фаол дам олиш, бұш вақтдан самарали фойдаланишин тақозо этади. Умрни үн икки-үн түрт соатлаб гафлат уйқусида үтказиш, қолган вақтни сағоварда ёнбошлаб ётиб, беҳуда гап сотиш — қимматли дақиқаларни елга совуришни англатади. Умрингизга зомин бұлманг.

## 12 - фасл

### ҮЙЛАЙМАН, ДЕМАК БОРМАН

#### I. ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

##### БҰРИГА МУХАББАТ

Инсоният құллук асоратидан қутулганига минг ийллар бўлди. Қутулишга қутулдию, лекин қутулмадида! Дуруст, қулдорлик жамияти емирилди. Гуломлар, чўрилар, мазлум ва мазлумалар озодликка чиққандай

бўлди. Аммо кишилар онгига ва қалбида қуллик руҳияти, қарамлик, мутеълик, малайлик майллари абадул-абад сақланиб қолди. Сабаби, бу ниҳоятда яшовчан, шилқим, юқувчан иллат экан. Қарабсизки, бирор-бировнинг миннатини чекади, бирори бошқа бировига пул қистириб кун кўради. Одамлар бир-бирла-рига зугум қиласди. Бирор амалнинг қули. Лавозим илинжида. Бошқа бири хўжайиннинг малайи. Югурдак.

«Қуллар қул бозорида ошкор, эркин сотилган замонлар ҳам бўлган-а!» деб уткир заҳарханда қиласди поляк адаби Станислав Ежи Летс.

Франсуз шоири Жан Лафонтенда шундай масал бор. Тоглар, қирлар, чўлу саҳролар оша ризқ-рўз қидириб, биқини ич-ичига ботиб кетган оч бўри ногаҳонда ҳайҳотдай бир қўргонга тушиб қолади. «Бўрини оёғи боқади» деб бежиз айтмайдилар... Қўргон саҳнида тимирскиланиб хўрак қидириб юаркан, бир бурчакда ўзига ўхшаш маҳлуқотга дуч келади. Бу ит эди. О-ҳо! Қарасаки, итнинг егани олдида, емагани кетида. Иzzатхурмати жойида. Туппа-тузук «одамдай» яшаб ётибди. Йиссиқина, тоза, шинам уй. Кўшпак тўқлигидан ялтираб, тўнгиздай семириб кетган.

— Эҳ-ҳе, ишларинг бажо-ку, кучукбой оғайни,— дебди қашқир оғзидан сұлакайи оқиб. Ошиғинг олчи. Бўл-бўл, Ит бўл экан-да. Нечук? Қанийди мен ҳам сен бўлсан! Қорнинг тўқ, кайфинг чоғ экан сенинг. Увв!

— Бўлмасам-чи,— ялтоқланади кучук.— Тўрт маҳал овқат тайёр. Ҳатто анови одамлар емаган тансиқ нарсаларни тановул қиласман! Ҳар қанча ҳавас қилсанг арзийди қашқиржон. Қиласдан ишим: мабодо қўрага ўтри келса, хўжайнни огоҳлантираман: вов-вов-вов! Ҳаммалигининг, айниқса уй бекаси Кобелина Волфнинг жони-дилиман. Мендан ҳеч нарсани аямайди..

— Вой-бўй! Мен ҳам шу ерда қолсан қандоқ бўларкин, кўшпаквой? Биргалашиб маза қилиб юардик...

— Марҳамат, гарчи авзойинг бузук, жиндай ноҗинс хилидансан-у, сенга раҳм-шафқат юзасидан катта хўжайн ёки бекам билан гаплашиб бера қолай. Аҳволинг кўп ночор қўринади, биродар. Уларнинг шартига кўнсанг, бас. Йўқ дейишмас. Кобелина хонимнинг қўйнига қўл солиб қўрайин-чи...

— Қанақа шарт экан, ирр?

— Э, арзимаган нарса: буйнингта мана меникидай

чиroylli занжир солишадио, ҳув анови бурчакка boglab қўйишади. Бир-биримизга қараб ириллашиб-вовиллашиб ётамиз. Тез орада кўникиб ҳам қоласан.

— А? Занжир?! Боглаб қўяди?! Ирр!.. Аттанг, шуниси менга тўгри келмас экан, биродари Кўппакий. Занжир-панжиринг ўзингга сийлов. Орастга, қорним тўқ бўлиб бу олтин қафасда диққинафас қамалиб ётгандан кўра, ўлганим яхши. Оч-юпун бўлсам-да, сахрома-саҳро, чўлма-чўл, дашту биёбонларда шамолдай эркин кезиб юрганим минг чандон ортиқ! — дебдию, қашқир жон ҳолатда қўргон деворидан бир сакраб, ўзини кенг далага урибди...

Қизил мустабид салтанатнинг кишанларини соғиниб, ҳамон совуқ шимол тарафдан «нажот» кутиб ётган баъзи «итмижоз» қоринбойларни учратганимда:

— Ҳей, ҳеч бўлмаса анови бўридан ибрат олсангчи, одамзод! — деворгим келади-да баъзан...

### ТАВАЖЖУҲ

Миллатки мустақилликни қўлга киритиб, ижтиомий тараққиёт сари таважжуҳ кўрсаттанида (нигоҳ ташлаганида), кўпмиллатли давлатларда биринчилар қаторида юзага қалқиб чиқадиган баҳс— бу тил масаласидир. Ўзбек тили республика миқёсида 21 октябр 1989 йилда, тарихда биринчи маротаба, давлат тили мақомини олди. Барча расмий давлат ишлари, ёзувчиизулар, муомала-муроқабалар (кузатиш, мушоҳада), илмий тадқиқотлар асосан ўзбек тилида олиб борила-диган бўлди. Ажабки, шу йўриқ билан ёнар эканмиз, ҳеч кутимаганда жуда мураккаб кўҳна ва янги муаммолар юзага қалқиб чиқа бошлиди.

АҚШ, Германия, Франсия, Япония, Финландия, Швеция ва бошқа аллақанча гарб давлатларида бизнинг тилимизни ўрганувчилар сони тобора ортиб бормоқда... Ўша мамлакатларда ёруг ниятли мутахассислар ўзбек тили грамматикалари, лугатлар, турли қўлланмалар, тарихий обидаларимизнинг энг янги таржималарини нашр этишмоқда. Бир неча топқир шоҳиди бўлганман: ажнабий ўлкаларда туғилиб ўсган, ўз она диёри, ота юргини тушида ҳам кўрмаган ёш ўзбек муҳожирлари соф ўзбек тилида гапиришади. Ва буни ўzlари учун ифтихор деб биладилар. Бу жанобларнинг мусаффо ўзбекча нутқлари, муножотла-

рини тинглар экансан, жонинг роҳат қиласи нинг. Қандай соз! Қалбларни, ақл-идрокни мафтун этадиган рўшнолик. Улар билан мулоқотда ноўхшовороқ, мошкичири, олақуроқ тилимиздан ўзимиз уялиб қоламиз гоҳо. Иттифоқо, бирон олмон дипломати, американ тожири, франсуз сайёхи, япон олими билан ... ўзбекчада сұхбатта киришсангиз, кай-фингиз чог бўлиб кетади. Айни вақтда, қарангки, ўзимизда, шу мулки Туронзаминда тугилиб ўстган русийзабон кимсаларга ва бошқа миллат кишиларига ўзбекчани ўргатиш зарурати пайдо бўлди. Бу иш хийла оғриқли, зиддиятли лисоний-руҳий қийинчилкларга дуч келса-да, аста-секин қандайдир натижаларга ҳам эришилаётгандай. Ҳар қалай муз эрий бошлаганга ўхшайди... Аммо бу орада бошқа бир гайри шуурий ҳодиса воқе бўлдики, тавба деб ёқа ушлайдиган: бу ўзимизнинг ҳаддан ташқари «маданийлашиб» (тўғрироги — ўрислашиб) кетган хонасот ўзбек зиёлиларининг ўз она тилини билмасликлари! Ўйлаб кўрадиган гап: бошпиртига «ўзбек» деб ёзилгани билан, она тилини билмаган (яна ёмони билишни истамаётган, буни ўзига ҳатто иснод деб тушунадиган!) одамни шу миллат намояндаси деб бўлармикан? Галат: хорижий миллатта мансуб киши билан бинойидай ўзбекча яйраб чутурлашасану, бу ёқда ўз миллатдошинг, ватандошинг, эҳтимол, қариндошингга фикрингни ўзбек тилида тушунтиrolмай хунобсан. Ўзбекчани тақир билмайдиган, аммо сенга хайриҳоҳ бирон чет эл кишисига, имо-ишоралар ила бўлса-да, ўз мақсад-муудаойингни муайян даражада англатишинг мумкин. Англата олсанг, икки томондан бир жуфт табассум билан муродинг ҳосил бўлади. Инсон инсон-да. Аммо манови мирзақуроқ худбин «ўз бегингтга» ўз тилингда бир нарса дея олмайсан. Елкаси ни қисади, лабини буради, кўзини лўқ қиласи-да, сендан жиркангансимон, шарт тескари бурилиб кетади... Ана холос! Майли, ҳозиргача нима бўлди-бўлди. Энди-чи?! Эндилиқда бу ўта «замонавий» ўзбекларнинг ўзбекча гапиришларига нима монелик қилаётир?

Бир-икки йил олдин ўзимизнинг радио карнайидан ниҳоятда кишини озурда қиласидиган воқеанинг гувоҳи бўлганим бор. Бутун жумҳуриятда таниқли бир зоти шариф, узоқ йиллар масъул раҳбарлик лавозимларида хизмат қилиб келган ўзбек олими, фан ва

жамоат арбобининг муборак 80 ёшга тўлиши муносабати билан сұхбат уюштирилди. Эшиттириш сўнггида ҳурматли оқсоқолга сўз берилди. Унинг қандай «нутқ ирод» қилганини бир эшитсангиз эди... Шармандалик. Шундоқ мутаваллид аллома ўзи ҳақида ўз она тилида тўрт оғизгина яйраб гапира олмади-да! У зўриқиб сўзлар экан, пақдос өрилай дейсан-е! Аллақандай «фарангি» оҳангуталафғузда истифода этган 30-40 та сўздан тақрибан 26-27 та калима гайри ўзбекона эди. Орадан уч-тўрт кун ўттач, радиочи шогирдларим билан учрашиб қолганимда, уларни койиган бўлдим.— Катта бир олимни ўзбекча гапиришга ундан, уни қалака қилдинглар-ку. Уят иш бўлди. Мен бундай академиқдан ҳам кўра, унинг галдир тилида чайналган она тилимизнинг қадрига ачиниб кетдим. Аммо пичноқсиз сўйдиларинг... Яхши бўлмади.

Қанчалик куйманиб гапирмайин, улар маънодор жилмайиб қўя қолиши. Англадимки бу соддамугамбирлар халқа бугунги ўзбек зиёлисининг мубҳам маънавий-лисоний қиёфаси қанчалик ҳувуллаб қолгани, аянчли эканини унинг ўз «тили» орқали очиб бермоқчи бўлишган кўринади.

Ўтган йили яна бир гапнинг шоҳиди бўлдим. Етакчи илмий тадқиқот институтларимиздан бирида давлат тили масаласи муҳокама қилинар экан, каттакон, нуфузли раҳбарлардан бири, академик, аталадан суюк чиққандай, бизда илмий ишларни... фақат рус тилида олиб борган маъқул, деб даъво қилиб қолса бўладими!..

— Агар мен ўз ихтиrolаримни ўзбек тилида ёзсам (аслида — ёзолмайди!..— F.C.), — деди у, — бу янгиллик Тўйтепадан нарига ўтмайди. Бир республика доирасида қолиб кетади (нотавон кўнгилга қўтирижомашўв!—F.C.). Башарти, рус тилида ёзсам, дарҳол Москвага юбораман. У ерда 36 соатта қолмай картотекага тушади ва ўша заҳотиёқ бутун дунёга маълум бўлади (бу одам Американи қайта кашф этишга даъвогар ўзича!— F.C.). Хўш, қай бири афзал: ўзбек тилими ёки рус тилими?

Шу зайдада у, солим ақлни ҳам, виждан жароҳатию, давр руҳини ҳам поймол қилиб, қандайдир бошқа иқлим, ўзга қитъадан, балким узоқ бир сайёрадан келиб қолган хилқат сингари, кўп bemаяни гапларни айтди. Сурбетларча. Аммо бу телбавор тантиқлик, бу иддао ўша ерда ҳозир бўлган барча

чала зиёлларга, айниңса гайри миллат кишиларга ёқиб түшди. Чапак ҳам чалинган бұлды... Эвох, мантиқнинг палагдалигини қаранг. Аввало, институтта каттаю-кичик ҳамма биладики, олимимиз умр бўйи рус тилида илм ёзиб, Москвага юборибди, у ерда картотекага олдириб, бутун дунёга эълон қилдирибди, кошкийди дунё уни таниса... Наинки дунё, ўша ўзи тилга олган Тўйтепада ҳам унинг кимлигини ҳеч ким билмайди. Агар заррача андишаси бўлса, бу қондимоғ зот оддий бир ҳақиқатни тушуниши керак эдики, уни на Москва, на дунё эмас, тагинам ўзининг ўша ҳақоратланган, камситилган ялангтўш ўзбеги академиклик шоҳсупасига олиб чиқди. Бу гариб жон, олим бечорада, ўзининг шахсий манфаатидан ташқари, ўз эли, юрти, миллати олдида бурчдорлиги ҳам бўлиши керақдир, ахир. Ҳеч бўлмаса, нон-тузни андиша қиласа керак эди. Қўйингки, йўқ нарса йўқ экан-да. Қулай йўлдан боришини ҳамма билади. Агар сен олимликка даъвогар бўлсанг, ноқулайликдан қулайлик қидир ва топ. Балким бепоён оламни қўя туриб, ҳозирча лоақал ўз эл-юртингни дурустроқ ўзлаштиранг ҳам бўлармиди.

Хуллас, ўша аснода яна кўп гаплар хаёлимдан кечди. Нима қилиш керак, агар атоқли олимларимизнинг маънавий қиёфаси (қанақа — «маънавият!»), фикрлаш тарзи, мулоҳазалари шу бўлса? Фараз қилайлик, башарти ҳазрат Алишер Навоий ҳам, худо кўрсатмасин, бугунги бизнинг мана шу биофизика академигидай ўйлаганларида, а, бутун аҳволимиз қандай кечган бўларди? Агар ул зоти пок, ўзларига боягида қулай йўлдан бориб, замонасининг мавжуд адабий-лисоний анъанасини рад этмасдан, фақат забони форсийда ижод қилгандарида-я... Навоий-Фонийнинг даҳолиги шундаки, у форсийда ҳам ажойиб девон тартиб бергани ҳолда, фақат ўз даврининг эмас барча замонларнинг армонли мушқулотини ҳал қилди: туркйда ёзди! Ўзбек адабий тилини асослади. Минг офарин. Тилимизни таҳқир ва нописандлик ботқогидан шеърият, фасоҳат, илм-маърифат осмонига кўтарди! Ўзига ҳеч қандай «карточка», хорижий саждагоҳ, енгил мартаба, ёт муҳитда таҳсину тасаннолар қидирмади. «Қулай шуҳрат» гадоси бўлиб қолмади. Туркй тилини азамат елкасида даст кўтариш билан ўзига ўзи абадий емирилмас олтин ҳайкал ўрнатди. Тарошланган, сайқалланган бой ва гўзал тилимизни асрлар оша бизнинг қўнимизга

топширди. Биз бұлсак, баъзи бир ношуд олимлар, нима қилаётібмиз?

Эслайлик: ўз замонида бул зоти олийларига не-не зүкко форсийдон қалам аҳлари, фозилу фузалолар, тақаббур шоирлар илон пүст ташлайдиган таънаю даъволарни ёғдириб ташладилар. Улуг мутафақкир Алишербекнинг устидан кулмоқчи бўлишди. Йўқ, Тангри таолонинг инояти ила ҳазрат Навоий ўз эли-улусининг асрий армонларини рўёбга чиқазди.

Ўз закоси ва қудрати билан бутун ер юзини тит-раттан буюк жаҳонгир соҳибқиран Амир Темур ибн Тарогой Баҳодир ва шавкатли темурийзодаларнинг иродасию салтанати янги туркиёна тафаккур ва иншо намуналарини тарих зарварақларига муносиб бир тарзда муҳрлашга муваффақ бўлди. Бу иймон бутлиги, илоҳий сеҳр, инсоний олийжанобликнинг рамзига айланди. Бугун, муazzзам Истиқлол тонгидаги бул мутафаккир зотларнинг шиҷоатига таҳсину та-саннолар ўқиёттанимизнинг боиси шу.

...Бу сўзларни битиб ўтирибману, ногаҳонда ўйла-ниб қолдим. Дарвоҷе, мазкур рад этиб бўлмайдиган ўжар тарихий далиллар бизнинг бутунги муҳтарам олиму алломаларимизга давлат тили — ўзбекона ал-фозда тушунарли бўлармикан ёхуд, ё Қаҳҳор!.. Буни ҳам рус тилида ўтириб беришимизга тўгри келмасми-кан, иш қилиб? Ул афандиларга тушунарли бўлсин учун дейман-да.

## 2. КЎЗГУ

### ЖОДА

(БИР СЎЗНИНГ ТАРИХИ)

Раҳматлик дадам мулла Тожи ниҳоятда нозиктабъ, инжиқ киши эдилар. Уйимизга келган меҳмонлар, айниқса ўқимишли жамоа, уламолар ул зотнинг раъи-ига қараб, зириллаб туришарди. Мабодо битта-яrimта қори Қуръон тиловатида сўздами, талаффуздами, қироатдами бирон сакталикка йўл қўйса, роса таъзи-рини ерди. Ҳовлимиизда деярли ой сайин ҳар хил ди-ний маросимлар, мушкилкушот, жудойи, хатми Қуръон бўлиб турарди. Қиблагоҳ даврада ўтирганларга панд-танбеҳ берар эканлар, ноёб бир сўзни қўлларди-

лар: жода! Бу нима эканини мен муштдай болакайгина эмас, назаримда, күпчилик катталар ҳам билишмасди.

Жода!

...Одамлар кеч пайти бизникига маъракага йигилишаркан, бирон юмуш билан узрли-узрсиз кечикиб келганларга остана ёнида туриб қаттиқ дашном берардилар. Тайин қилингандыкта дақиқамадақиқа етиб келмаганлар балога қоларди. Соҳиби хонадон уларни сазойи қиласынан берди. Буни жуда жиідий одобсизлик деб биларди. Шу боис бирон жойда ушланып қолғанлар гапни тавба-тазаррудан бошлашарди... Нихоят, ҳамма (80-100 киши) кенг меҳмонхонамизга жамалжам бұлғач, «асосий сабоқ» бошланарди:

— Ҳой! Мамарайим! Ҳе сени қара! Жодангни бил. Тур, Йұлдошвойнинг ёнига бориб үтириш. Сиз, Ҳафиз оқсоқол, ҳув анови жойга, мулла Мизом ҳожининг ёнига үтинг... Ҳамма үз үрнини билсин.

Тұрға үтгандарға-ку маза, деб үйлардим мен болақай. Аммо пойтакка түшгандарға яхши бұлмади-да.

Мен учун меҳмон-мезбон муносабатларининг эң қалтис дамлари шу зеди. Ажабки, дийдаси қотиб қолғанми дейман, одамлар чурқ этмай дадамнинг ўқтамлигини күтарар, амрини сұзсиз башаришарди. Ул киши күш дастурхондор бұлып, маърака тартиб-қоидаларини пухта билардилар. Боягидай, озгина бесаранжомлик, үрин алмашишлар ва «жода» хусусидаги аччиқ тәнбәхдардан сұнг, ҳамма-әң сув сепгандай, саранжом бұларди.

Ұша вақтларда камина — мактаб үқувчиси, пионер ёки комсомол болага жуда алам қиласынан берди. Мен падаримнинг ишларидан гоятда озурда бұлардым. «Ҳе ұша жода-поданғдан ўргилдим,— деб үйлардим үзимча.— Ҳозирги замонда барчанинг ҳуқуқи тенг. Қаерда хоҳласа үтираверади-да. Шунға ҳам отагүри-қозихонаами. Нима ишиңг бор! У замонлар үтиб кетди... Бу бориб турған маданиятсизлик. Балким ҳар бир кимсанинг ўтирадиган үрнини номерлаб қўйиш ҳам керак-ди?! «Бу мулла Гафур хұжанинг үрни»; «бу ерга қори Соли ўтиради»; «мана буниси — Салом бойваччаники» қабилида... Ол-а!» Ұшанды мен думбулвой қаёқдан ҳам билайки... Жамият бу дастлаб тартиб-интизом, одоб-ахлоқ ва унда ҳар бир шахснинг үз үрни бұлиши керак экан. Нафси заман, инсон ҳайвондан үз үрнини билиши билан фарқланаркан. Инчу-

нин, подада юрган мол қаторда ўз ўрнини билмайди, албатта. Қаердаки кўкат мўл бўлса — ўша ёқقا ўтлаб кетаверади... Инсон бўлса... Инсон одамлар орасида ўзига муносиб ўрнини топиб, ўз қадр-қимматини англаган ондан бошлаб инсон. Турган гаш, одатда, жамоат жойларида ўринлар ҳар бир кишига маҳсус тайинлаб қўйилмайди. Аммо ҳар ким фаҳм-фаросати билан ўз ўрнини ўзи билиши, ҳис этиши лозим. Хуллас, ҳар бир киши, ортиқча мулозаматсиз, ўз ёши, илми, мартаbasига қараб сафдан ўрин танламоги даркор. Бу ерда, ҳарбийларда бўлгани сингари, фақат бўй-бастига қараб қаторга тизилмайдилар.

Ҳозирги вақтда «жода» атамасини деярли ҳеч ким билмайди. Сабаби маълум. «Қулоқ» қилингган. Ўша қизил жоҳилият даврида, жуда кўп шарқона ахлоқодоб, қоида ва таомиллар қатори, жода ҳам унуглиган. Янги лугатларимизнинг биронтасида, минглаб бошқа атамалар қатори, мазкур калима ҳам қайд этилмаган. Фақат Алишер Навоий лугатларидага учратамиз: жода-йўл, йўл-йўриқ; қоида, низом, тартиб. (Овруповий алфозларда «субординация» дейишади.)

#### САВОЛГА - САВОЛ

Мендан сўрайдилар:

— Рус-байналмилал сўзларини улар рус-байналмилал сўзлар бўлгани учун ўзбек тили таркибидан сиқиб чиқазиш керакми?

Мен саволга-савол билан жавоб бераман:

— Ундоқ бўлса, арабча-форсча сўзларни улар арабфорс манбаларидан олингани учун тилемиздан сиқиб чиқазиш лозиммиди? Умуман, тилемиз табиатига ёт бўлган бирон нарсани сиқиб чиқазиш ҳам, сиқиб киритиш ҳам жоиз эмас.

#### ХИТОБ

Қирғинбарот уруш йиллари биноларнинг деворларига, дилдираб турган симёғочларга тоят маҳобатли бир сурат ёпиширилган бўларди. Унда муштипар, ўқтам, газабнок бир аёл, бармогини бигиз қилиб, ҳар бир кишидан жавоб кутарди: «Сен жанггоҳ учун нима қилдинг?» Ҳеч ким кўзларини Онанинг қаҳрли нигоҳидан олиб қочолмасди. Ҳозир бизга худди шундай бир хитобнома — сурат керак. Токим унда ўзбек

халқининг отаси, шавкатли бобокалонимиз, соҳиби даврон, жаҳонгир Амир Темур ибн Тарогой Баҳодир, асрлар оша, ҳаммамизга ва ҳар биримизга юzlаниб, десинлар: «Сен Истиқол учун нима қилдинг?» Токим Унинг нажотталаб, ёндирувчи, мағрур ва меҳрибон кўзларидан асрлар давомида тош қотган дийдамизни, баъзан лоқайд нигоҳимизни яшира олмайлик. Бугунги кунда, босқинчилар томонидан топталиб, таҳқирланиб келган, таланганд Ватанинг, дардчил, залворли кўхна тарих ва аждодларнинг биз авлодларга хитоби, даъвати, маънавияти шундоқ бўлиши даркор.

### ИЛМ

Абубакр ибн Тоҳир ал-Абҳарийдан сўрмишлар:

— Ҳақиқат не?

Ул зот жавоб бермишларки:

— Ҳақиқатнинг бари илмур.

— Илм, не?

— Илм ҳақиқатдур.

(Садриддин Салим Бухорий. «Дилда ёр»).

### АЙЛАНИШ

Мунофиқлик ва риёкорлик чиркин ахлоқий иллат. Ажабки, инсон зоти руҳан алданишга мойил. Айтайлик, бир рост гапга кишиларни ишонтириш баъзан амри маҳол. Лекин ақл бовар қилмайдиган, куракда турмайдиган гирт ёлгонга анойи одамлар лаққа ишонади-кўяди. Нафақат ўзгаларни, рўйрост ўзини-ўзи лақиллатиб юрганлар ҳам сон минг...

Ҳозир Ер ўз ўқи ва Қуёш атрофида айланишини жумлайи жаҳон билади. Бунга ишонмайдиган одам бўлмаса керак. Замонлареки, худди шу оддий ҳақиқат учун италиялик олим Галилео Галилейни (1564-1642) мутаассиб насроний дин пешволари... қаттиқ қийнашган. Мислсиз азоб-уқубатлар остида олимнинг тилини тийишга ҳаракат қилганлар. Қарангки!.. Жони узилиш олдидан Галилей деган:

— Барибир у айланади!..

### ЮМУРТҚА

Ҳар қандай юмуртқадан ҳам Колумб ёриб чиқавермайди.

Станислав Ежи Летс.

Замондан ортда қолганларни урадилар. Замон билан баравар қадам ташлаганлар, аксарият, дориломон яшайди. Замондан ўзиб кетгандарни эса ўша замон ўзи жазолайди.

## МЕҢӘР

Бирорни ошириб-тошириб мақташ уни ортиқ дара-жада ерга уришдай гап. Ҳар иккаласида ҳам меңәр бузилади.

## ОФАТ

Билиш лозим бўлмаган нарсани билиш, охир оқибатда, одамзод наслига оғият эмас, оғат келтиради.

## РИЁ

Мен баъзи бирорларнинг ширин-шакар сўзларини тинглар эканман, уларнинг кўзларига қараб туриб, ўзимни маънавий ўлимга маҳкум этилган маҳбусдай сезаман. Ич-ичимдан эзиламан: мени шафқатсизларча алдаяпман, деб ўйладилар. Ё Рабби! оламин! Кошкийди бу ҳамду санолар замираидаги зигирдай самимият бўлса, риё балқиб турмаса, заҳарли ҳасад тигларининг ўткир панжалари мажруҳ багримни тилка-пора қилмаса. Билишмайдики, улар чиндан-да алдаяпти. Кимни? Ўзларини да. Аттанг. Тагинам бу нокасларга раҳмим келади. Ўзимизникилар-ку, дейман. Ўзимизникилар! Таскин қидираман ва топган ҳам бўламан. Мунофиқлик қилиш уларга ҳам осон эмасдир, ахир. Шўрликлар изза тортмасин деб, ўлганимнинг кунидан «артистик» қиласман. Ўзимни овсар, тўпори, содалавҳ, лақма, анойи қилиб кўрсатишга мажбурман. Сезганимни сезиб қолишса хафа бўлишмасин деб. «Эҳ, буқаламунлар!.. Наҳотки сезмасангиз — Сиз мени пуфлаб осмони фалакка кўтараёттанингизда мен белимгача ернинг қаърига чўкиб кетаёттанимни!.. Ҳозир мен Сизга керакман, ихтиёрингиздаман, қулингизман. Ёрилиб кетганим қадар шишираверинг. Эртага, оёқ-қўлларим фалаж бўлиб, шифтга термулиб қолганимда мен Сизларни қаёқдан топаман? А? «Гойибистон» мулкидан дейсизми? Бас, риёни тўхтатинг».

Сұзларимга ишонманг, азизлар. Барибир, мен бу гапни айтишдан ожизман. Соқов, кар ва басирман. Шундан яхшиси йўқ, мен Сизга айтсам. Гапирмайман, эшифтмайман, кўрмайман. «Менга тилёгламалик қилаёттанингизда эҳтиёт бўлинг, раҳмингиз келсин, биродарлар!» деб огоҳлантиришга ўзимда мажол ва журъат тополмайман.

### ТАХАЙЙУЛОТ

Шундай бир гипотезани илгари сураман. Замони келади: бир томчи қонга қараб, кишининг сиймоси, ёши, тийнату сажияси, жинси, миллати ва ҳоказоларни аниқлашнинг иложи топилади. Чунки томчи қонда шахснинг бутун борлиги, вужуди, қолипи ва салоҳияти яширинган, аксланган бўлади. Эҳтимол, томчи кўз ёшига қараб, асаб тизимига даҳлдор зарур маълумотларни ҳам билиб олса бўлар. Балким бир томчи тер тери ости безларининггина эмас, юракнинг ҳолатидан аниқ далолат берар.

Ким билсин, бу гаплар дунёнинг қайсиdir бурчакларида аллақачон «гипотеза» бўлмай ҳам қолгандир!..

### БУҚАЛАМУН

Эй дунёи буқаламун! Бирам жилвадорсанки... Гоҳида ҳақ сўзинг билан тогу тошларни қоқ ёрасан, тап-тақирип ерда гул ундирасан. Бир қарабсанки, Филини сичқонга тиз чўқтирасан, еру кўкни ларзага соласан, денгизларни чўлу саҳрора айлантириб, бир томчи сувга зор қиласан. Бирда меҳрибон волидам янглиг бошимни силайсан, бирда уриб бошимни ёрасан... Бир қараашда ҳозиқсан, бир қараашда мунофиқ... Намунча нозик адосан, намунча гарип гадосан, намунча гаддор, бадкору бадкирдорсан... Басирларга рўшнолик багишлайсан, кўрап қўзларни кўр қиласан. Энг моҳир мусаввир бўлгандаям, турқу тароватингни ўзининг қил-қаламида ҳам тўла ифодалай билмас.

## 3. ОДАМЛАР

### ФАРИШТА

Яхши инсон — ердаги фаришта.

*Ибн Сино.*

## ҲАЛОКАТ

Үлиб кеттганларни ҳақорат қилгувчи одам ҳалокатга яқин.

*Ҳадиси шарифдан.*

## ИШОНМАНГ

Бир кишидан «одамлар бузилиб кетди» деган гапни эшитсангиз, билингки, ўша одамнинг ўзи бузилгандир.

*Ҳадиси шарифдан.*

## РАЙЙ

Агар ҳалқ сенинг сўзинг била иш қилмоғин тиласанг, сен ўз сўзинг била иш қилгил.

*Ануширавони Одил.*

## ҚАЧОН?

Яхшини ёмон кунда сина.

*Амир Темур.*

## МУНОФИҚ

Душмандан қўрқма, мунофиқдан қўрқ.

*Амир Темур.*

## ПАРХЕЗ

Маглубни тепиб ўтмак мардлик эмас.

*Паҳлавон Маҳмуд.*

## ШУҲРАТ

...Ҳаргиз талаби шуҳрат этмаким, офат турур.  
*Абдулхолик Фиждувоний.*

## ХОМУШЛИК

Осмонга етса бошинг, мисли Мусо хомуш ўл.  
*Бобораҳим Машраб.*

Бахт Қуши шунинг учун ҳам Бахт Қушики, у ҳар куни бошингга пориллаб қўниб ётмайди. Бир марта қўндиими, маҳкам ушла. Бўлмаса—хайрлашавер!.. У бошқа «кални» қидириб топади.

## СЕН

Гарчи сен ўша сенсан, лекин сен эмассан. Ҳаётингнинг турли паллаларида сен «ўша-ўша сен» бўлолмайсан. Ҳар қандай ҳолда ҳам «бултурги Эшмат» бўлиб қолишинг амри маҳол. Ҳар бир инсон онадан туғилиб, дунёни таний бошлар экан, уни ўзи учун янгидан кашф этади. Дунё ҳам уни янгидан кашф эттани сингари. Бояги дилбар бир қўшиқда айтилади-ку:

— Бул ўзи эски дутордир, аммо навоси ўзгача...

## ҚИЛИҚ

Инсон бўлсанг, инсоний қилиқ қил.

## ИСБОТ

Ҳайвон эмаслигиннга даъвогар бўлсанг, инсон эканлигиннги исбот қил (Убайд Зоконий).

?!

Ҳайвонлар ҳам бизга қараб: ие, баний одам деганиари ҳали шуми?.. деб ўйлашармикан? (Станислав Ежи Летс).

## ДИЛ

Ўзгаларнинг қалбига тилинг билан эмас, дилинг билан кир.

## КИМГА?..

Ҳаммага ўхшаган одам ўзига ўхшамайди. Толеъ шулким, ўзингга ўхшасанг.

## РАДДИЯ

Инсон қорамол эмаски, нуқул қорин ташвиши би-

лан яшаса. Агар шундай бўлганида, бош, қорин, кўкрак қафаси, ички ва таносил аъзоларининг ўрни алмашиб тушган бўларди...

### БОҚИМОНДАЛИК

Бирор ёпган нонни ейиш, бирор айттан қўшиқни тинглаш, бирор соққан сутни ичиш ҳар кимнинг қўлидан келади. Ўзларидан сўрасак?..

### ЗИДДИЯТ

Ё Одам сафиуллоҳ! Бунчалар буюк ва майдада, тўқмижоз ва тамаъгир, сахий ва суқ бўлмаса Сизнинг қавмингиз! Гоҳо ўз қудратида — ожиз, зукколигида — басир, марду майдонлигида — қўрқоқ, донишмандлигида — нотавон...

### МАСОФА

Дунёнинг ишлари қизик. Одамлар бир-бирларига янада яқинлашишлари учун гоҳо бир-бирларидан узоқлашишлари ҳам керакка ўхшайди. Ана шунда улар бир-бирларининг исини, шевасини, дийдорини согинади. Кимни ва нимани йўқоттанини англайди. Бир-бирларига талпина бошлайди...

### МЕЗОН

Инсон ўзида шафқату мурувват туйгуларини қанчалик тарбия қила олгани қадар инсон.

### ГАШТ

Маънавий асоратнинг юз йиллик роҳат-фарогатидан кўра, бир лаҳзалик озодлик гашти-машақдати минг чандон тотлироқ мен учун.

### ИЖАРА

Тил бирорларга ижарага бериладиган ашё эмас.

### ШАТАК

Одамлар бари бирдай аравакаш. Бир умр, ўзларини тортолмай қолганларида, бир-бирларини шатакка

оладилар. Навбатма-навбат. Галма-гал... Шунинг учун ҳам улар одам-да.

### ЧУМОЛИ

Чумоли билан дўст тутин. Аммо чумолиникига меҳмонга борма...

Летс.

### ГИНА

Одамлар борки, ўлик лотин, санскритни, ўнлаб сунъий тилларни биладилар. Сен бўлса, ўзинг тирик бўла туриб, ўз оғзингдаги тилингни билмайсан-а.

### ЗИНДАЛИК

Кечаги таваллудинг сенга боғлиқ эмас эди. Қазову қадаринг ҳам шундай. Сенинг туғилишингу ўлишингни ўзингдан сўрамадилар. Аммо эртанги ҳаётинг ва тақдиринг бусбутун ўзингга вобаста.

### ҚУРБ

Бир киши бухоролик табаррук қария, ҳазрат Теша бобога дебди:

- Тақсир, буюринг, ҳамма иш қўлимдан келади!..
- Шундайми? Йўғ-ей...
- Баҳузур айтаверсинглар.
- Хай, ундай бўлса, ҳув анови жойга бориб, бир тогора сомондан бир коса сут тайёрланг. Кўнглим сут ичишни тусаяпти.
- Ие... Сигир эмасман-ку мен. Бу иш қўлимдан келмайди, отахон,— бўйин товладди ҳалиги одам.
- Хай, ундай бўлса, бир сават тут баргидан ипак матоҳ тўқиб бера қолинг. Давлатингиз соясида ипак чакмон кийиб юрайин...
- Ана холос! Мен Сизга қурт эмасманки, тут баргидан ипак тўқисам. Бу иш қўлимдан келмайди, ҳазратим, — дебди «ҳожатбарор».
- Баракалла. Қандай юмушга ярайсиз ўзи? Бир говмиш ё ипак қуртичалик қурбингиз йўқ экан-ку, «ҳамма иш қўлимдан келади» деб кериласиз. Минбаъд кибрланманг, — панд берибдилар Бобо.

**Эвод, ўзбек бўлиш нақадар огир!..**

СУВ

Баъзи бирорларимиз бир-бири мизнинг тагими зига сув қўймасак туролмай миз. Чўллаб қолами з.

ГУСТОҲЛИК

Инсонлар ким, Кўҳи Қоғни нинг нариги бурчагида дард-алам чекаётган мазлумларни ўйлаб нола-афгон қиладур, ёқа чок этадурлар, мотам тутадурлар. Вой-дод-вовайло, бу нечук густоҳликким, сен норасо, мардум билан ёнма-ён яшайсану, уни кўрмайсан, кўролмайсан! Кўзи ожиз банда эмас, қалби сўқир нотавон одам интиҳоийи бадбаҳтдур.

ЖИНОЯТ

Тирик жон борки, ўзини унтутилган, ёлгиз, ташландиқ, кераксиз деб ҳис эта бошлаган чогидан эътиборан ўзини «ортиқча киши» деб тушунади. Ич-ичидан зил кетади, чирийди. У ўлимга маҳкум. Қутқазинг уни! Одамкушликка бепарво бўлманг. Лоқайдлик — жиноят. Унутманг: қанчадан-қанча ҳазрати инсонлар Сизнинг пойи қадамингизга, бир оғизгина ширин сўзингизга муҳтоҷ. Шуни ҳам улардан дариг тутманг.

ФУРСАТ

Ҳаёт оқар дарё... Дам ганимат. Ҳазрати Одамни зиёрат қил. Ожизларга кўмаклаш. Эртага дейсанми? Эртага... кеч бўлиши мумкин. Агар бугун ҳам кеч бўлиб бўлмаган бўлса...

ҚАДР

Ҳаёт нима эканини ўлимга маҳкум этилган кишидан кўра чуқурроқ ҳис этадиган хилқат бўлмаса керак. Соглиқ нималигини bemордан сўра. Ватан қадрини Ватанидан мосуво этилган киши яхшироқ туяди.

ДИҚҚАТ!

Бирон киши билан гаплашмоқчи бўлсанг, шундай

бир тилда гаплашгилки, то гаплашгунингга қадар у сенга душман бўлса, дўстга айлансин, илло дўст бўлса, душманга айланиб қолмасин.

### МУВОЗАНАТ

— Дунёда ким кўп? Яхши одамларми ёки ёмонлар? — деб сўрайдилар мендан. Мен дейман:

— Умр бўйи санаб адогига етмадим... Фосиқлар кўп бўлганида, руҳий мувозанат бузилиб, она замин тўнтирилиб кетган бўларди... Ер силкинишлари, зилзилалар бекорга содир бўлади дейсизми? Бовужуд: дунё яхшиларнинг елкасида туради. Шуниси борки, ёмон битта бўлса ҳам — кўп, яхши мингта бўлса ҳам — кам.

### 4. МАНТИҚ

#### ПАНОҲ

Аллоҳ Воҳид. Биру бор. Аммо у ўзининг ёлғизлигидан ўксинмайди. Илло Воҳидлик фақат Аллоҳнинг ўзига ярашади. Инсон ҳеч қачон ўзини унутилган, ташландиқ, кераксиз ва танҳо деб ҳис этмаслиги керак. Унинг Парвардигори бор. Худо ўзининг ҳеч бир баңдасини ташлаб қўймайди. Биз Аллоҳ билан бирга эканмиз, Аллоҳ ҳамма вақт биз билан бирга. Баңдаси доим Унинг паноҳидадир.

#### ШУКРОНАЛИК

Куфр қилмай десангиз, шукр қилинг.

#### ЗИЁ

Томчида Қуёш акс этади. Қанчалар оддий, қанчалар ҳайратомиз! Ҳар бир инсон баайни ўзи бир заряю, ўзи бир Қуёш. Аллоҳ таоло ва таборак яратган мўъжиза. Маъбуднинг( яратувчининг) мавджудлигини рад этиб бўлмайдиган далил ва кафолат. Бинобарин, у ўзидан нур таратмоги ва ўзида нурни акс эттирмоги лозим.

## ҲАЙКАЛ

Қабрга эмас, қалбга ҳайкал қўймоқ керак.

*Билол Амин.*

## ЗАРАР

Ҳар кишининг билими бўлсаю, унга лойик ақли бўлмаса, бу билим унга зарар етказгусидир.

*Ануширавони Одил.*

## МЕЗОН

Одамлар борки, олим эмас. Бўлмаса бўлмас. Олимлар борки, одам эмас.

## ДУШМАН

Дўсти йўқ одам ўз-ўзига душман.

*Шота Руставели.*

## ДОНО

Нодон билан улфатда бўлгандан кўра, доно билан кулфатда бўлган яхши.

*Украин мақоли.*

## ОРАЛИҚ

Икки жаг ва икки бут оралиғига эҳтиёт бўлган киши балодан ҳоли.

*Араб мақоли.*

## КЎПРИК

Хотира — ўтмиш билан бугунни бoggловчи кўпrik. У бизга келажак учун зарур, дебди ҳушёр одамлардан бири.

## ИНСОН

Мен инсонда миллатни эмас, миллатда инсонни ҳурмат қиласман.

## НЕКБИНЛИК

Ўзини яхши кўрмаган одам яхши одам эмас. Чун-

ки ўзини яхши кўрмаган одам ўзгани ҳам яхши кўрмас.

### ҚАЪР

Бошқаларни пастта тортаётган одам ўзини ернинг қаърига кириб кетаёттанини сезмайди...

### КЎТАРИЛИШ

Юксалишни истасанг, бошқаларни кўтар...

### ЖАҲОЛАТ

Олимнинг жоҳиллиги нимаю, жоҳилнинг олимлиги нима.

### БУКУР

Воажаб: букур киши ўз букурининг тузалишидан кўра, барча одамларнинг букур бўлишини орзу қиларкан. Э-ҳа... Шунинг учун «букурни гўр тузатади», дер эканларда.

### ДУШМАН

Бирор сенга душман бўлиши учун сен унга душман бўлишинг шарт эмас.

### МАВҲУМОТ

Билмаслик гарчи айб эмас, илло фазилат ҳам эмас.

### БУЗГУНЧИЛИК

Тил бизни тарбиялайди. Биз уни бузамиз.

### МАСЛАҲАТ

Ёмоннинг ёмонлигини гапиргандан кўра, яхшининг яхшилигини гапириш яхши.

### КИМНИКИ?

*Бир одам дебди:  
— Бу ер — меники!  
Иккинчиси даъво қилибди:*

— Йўқ, меники!!  
Ер дебди:  
— Ҳар иккаловинг ҳам — меники.

## УҚ

Ўқишиш бошқа, уқишиш бошқа. Уқиб ўқи. Ўқиб уқ.

## 5. НИГОҲ

### ИЧКАРИ

Кўз инсонга нима учун берилган ўзи? Кўриш учун эмасми? Кўз кишини ташқи дунёга олиб чиқади... Аммо у, ажабки, алдашга ва алданишга мояйл. Балким шунинг учун эмасмикан, айрим кўзи ожизлар тийрак, бироқ ақли қосир одамлардан чандон зийрак бўладилар. Эй дўст, билгилки, инсон инсонни қалб кўзи билан кўра билмоғи даркор.

### ХОҲИШ

Кўришни истасанг, ҳар қандай кимсада ҳам истаганча яхшиликларни кўришинг мумкин. Бунинг учун некбин кўз бўлиши керак сенда.

### НАЗАР

Сен ўзингга — бошқаларнинг кўзи билан қара.  
Бошқаларга — ўз кўзинг билан.

### ҲАССА

Ўзимиз шафқатсиз алданувчандирмизки, бизни алдайдилар-да. Фалсафамиз ҳам интиҳоий антиқа. Инчунин, ҳар гал «навбатдаги» хатога дўндириб йўл қўйгач, бармогимизни тишлаб, ўзимизча гүё сабоқ олган бўламиз:

— Кўр ҳассасини бир марта олдиради.

А? Бир марта? Яна ҳассамизни олдираверамиз, олдираверамиз... Бу кетищда ҳасса чидайдими, садага? Ундан кўра, яратган Парвардигорга нола — афгон қиласайлик:

— Ё Аллоҳ, ўзинг шафоат қил. Тұгма күр күзларимизни оч, равшанлик ато эт. Асрий зулмату жаҳолатлар ўртадан күтарилигай.

## 6. ИЙМОН ВА ЭЪТИҚОД

### МАҚСАД

Улугвор мақсад олдида турганингда, меҳнатни роҳат бил.

*Араб мақоли.*

### ЖАЗО

Пайғамбар алайҳиссалом айдиларки, «Ҳар кимики олимларни хор тутса, қиёмат куни ани Худойи таоло ҳалойик ичида хор қилур».

*«Манбаъул маориф».*

### ТОШ

Мевали дарахтта тош отадилар. Бовужуд, мевали дарахтта тош оттан билан у мева бермай қолмайды.

*Теша бобо.*

### ЎЗЛАРИ

Хожа Баҳовуддин ўзлари буғдой экиб, уни ўзлари сугориб, ўзлари ўриб, ўзлари ҳўп қилиб, ўзлари янчиб, ўзлари хамир қориб, ўзлари нон ёпиб еганлар...

*Султонмурод Олим*

### МАНБА

Ҳар бир кишининг бахти ҳам, бадбахтлиги ҳам ўзи билан бирга.

### ОЖИЗЛИК

Динсиз бўлиш учун ҳайвон бўлиш керак.

### ЧЕГАРА

Худони, динни инкор этиш нуқтасидан бошлаб ялпи ажлоқсизлик, емирилиш, ваҳшийликларга йўл очилди... Илм-фани инкор этиш чизигидан бошлаб

сүқир қироатхонлик, онгсизлик, биңдәт, жаҳолат ва мутаассиблик авж олади...

## ПАЙГАМБАР

Водариг, пайгамбарлар дунёдан ўтиб кетдилар... Бүёгига тоабад пайгамбар йўқ. Кимда-ким ўзини «пайгамбар» деб айтса, у пайгамбар эмас, телба. Бовужуд, баний башар шу қадар камол топдики, энди ҳар бир оқил инсон ва мутафаккир зот, пайгамбарликка даъво қилмаган ҳолда, пайгамбарона яшashi керак.

## ШАЙТОН

Ҳар ишни бошлаганда «бисмиллоҳир раҳмонир раҳим» деб бошлаймиз. Раҳмон меҳрибон ва раҳмли, кечиримли. Ҳеч бир бандани шайтон йўлдан оздирмасин, деймиз. Айни вақтда мантиқ тақозоси шулким, шайтони лаъинсиз ҳам иш битмайди. Бандасига шайтон ҳам керак. Аллоҳ таоло ва таборак уни нима учун яратади? Одамларни фақат қийнаш учумми? Бу тасодифdir балким? Йўқ. Худонинг йўригида бад ният ва тасодиф йўқ. Нимаики мавжуд экан, алҳамдулллоҳ, у вожиб. Бас, Иблис аш-шайтоннинг борлигини тан олиш ҳам Раҳмоний эътиқодга айнан қойим. Ҳар гал беш вақт намоз адогида «Ассалому алайкум ва Раҳматуллоҳ» деймиз ҳар иккала елкамиз узра. Агар шайтон бўлмаганида, инсон ўзининг инсонлигидан маҳрум ўлароқ, «соф фаришта» бўлиб қолмасмиди? Худованди Карим инсонни раҳмоний ва шайтоний рагбатлар орқали синайди. Аллоҳ мўъминларнинг дилида барқарор. Шайтон эса эт билан тери орасида жавлон уради... Инсон вужудида бамисоли қондай оқади, дейилади Ҳадиси шарифларда. Алдайди, аврайди, васваса қиласди... Раббимиз «қил» деган амрни шайтон «қилма» дейди. Ва аксинча. Иблис, шайтони лаъин одамларни Ҳаққул барҳақ йўлидан адаштиришга даъват этилган. Гуноҳ ишларга бошлайди, гиж-гижлайди, қутқу беради. Бир ёқдан — Аллоҳ даъвати, иккинчи томондан — иблису шайтон жазавалари: бу бамисоли меъёр лангари. Қайси томонда собит бўлишга қараб кимнинг кимлиги, қандайлиги — жаннатий ёхуд дўзахийлиги аниқланади. Бари илоҳий закога ва солим инсоний ақлга бусбутун мос. Чўғ пуфлаб аланга олдирилмаса, устини кул босиб, сұнади. Пичоқни қайраб турмаса, ўтмаслашади,

кесмайды... Ихтилоф, мухолифат бўлмаган жойда тараққиёт йўқ. Рақобат йўқ жойда инқироз пайдо бўлади...

## НАЖОТ

Магарам бугун биз зиёлиларни Ҳақ таоло ва ўз виждонимиз олдида бирон мўъжиза қутқазиб қола олса, у ҳам бўлса — онҳазрат Истиғфор жаноби олийларидир. Кимки Аллоҳ олдида, ўз хаста иймони қаршиисида изтиробли тавба-тазарруни ихтиёр этмабди, егани заҳар, кийгани кафан. Бўлак ҳеч қандай куч уни машъум мунофиқлик балосидан, юрак тўлгоқларидан, охират азобларидан қутқаза олмайди. Икки оламда юзи қаро бўлиб қолади.

## ИСТИҒФОР

Ҳаммамиздә ҳам ожизлик бор. Ожиз ва ожиза бандалармиз. Ўз ожизлигини эътироф этмасликнинг ўзи ожизлиқдир. Бу бизга Одам алайҳиссалом билан Момо Ҳаводан мерос. Акс ҳолда, улар шундоқ Жаннатул маъвода, нафс балосига гирифтор ӯлароқ буғдой донини еб қўйиб бовур қилишармиди ва Равзатус сафодан мосуво бўлишармиди?.. Инсон зоти қанчалар қудратли, қанчалар мўрт! Зиддиятлар тутуни. Яхшилигига ҳам, ёмонлигига ҳам тараф йўқ. Ҳаётда шундай бўладики, бир одамни қанчалик севганинг сайин ундан шунча озурда бўласан. Қанча озурда бўлганинг сайин унга талпинасан, уни севасан, кўргинг келади, согинасан. Зотан, тўғри-да. Ҳар бир кишидан ожизлиги туфайли узоқлашаверсанг, ахиди бориб ўзинг кимсасиз одамови бўлиб, ёлгизланиб қоласан. Одамлар қандай бўлса, шундайлигича, барча кучли ва заиф томонлари билан, «кўтарасига» қабул қилмоқ керак. Зеро, қара, улар ҳам сени қандай бўлсанг шундайлигингча қабул қилишибди-ку. «Пуф, сассиқ» демасдан. Ё сен фариштамисан? Бе-е! Қанчалик оғир бўлмасин, кечиримли бўлган маъқул. Камсуқумлиқдан яхшиси йўқ, бутам. Истиғфор туйгуси инсоннинг энг олийжаноб хислатларидан биридир. Тавба-тазарру қиласанг, бу сенинг ожизлигинг эмас, олийжаноблигинг. Икки дунёда кам бўлмайсан. Қўзингни очиб, атрофга қара: Аллоҳ таоло кечиралио осий бандасини! Сен билан мен ким бўлибмиз...

## 7 ТАБИАТ ВА ИНСОН

### ТАНСИҚЛИК

Ҳайвон инсоний муносабатта муҳтож.

### БУЛБУЛ

Сассиқ қайин дарахтига қўниб, чаҳ-чаҳлаб  
сайраёттан булбулни ким кўриди?

### ИТ

Сиз учун қай бири аъло: ёвуз одамми ёки вафодор ит?..

### АЙТОЛМАЙДИ

Ўйламаслик керакким, ҳайвон инсонни тушунмайди деб. Тушунади. Эсизки, айтолмайди... Не ажабким, одамларнинг ўзи уни тушунмайди. Агар тушунганида, икки баттол бир-бирини «ҳайвон» деб ҳақорат қиласмиди? Ахир, бу ҳайвон зотига иснод-ку.

### СҮНГГИ БЕКАТДАГИ БИТИКЛАР

Эшитмай туриб эшитинг ва эшитиб туриб эшитмаслик санъатини мукаммал эгалланг.

Бирон ишга киришганда биламан деб киришманг. Билмайман деб киришсангиз, кўпроқ нарсани билиб оласиз. Билиб билмагандан кўра, билмай билган яхшироқ.

Тор ихтисосликни чуқур эгалланг. Кенг билимли бўлишга интилинг.

Фаол дам олинг, баданин тоза тутинг, иймон-эътиқодли бўлинг. Ухлаганда тиниқиб ухланг.

Бош омборхона ёки осори атиқалар музейи (ажо-йибхона) ҳам эмас. Уни ҳар хил кераксиз нарсалар билан тўлдириб ташламанг.

Бардам бўлинг. Бўлар-бўлмас гапларга парво қилманг. Хафагазак, савдои бўлиб қолишдан сақланинг.

Она тилида фикрлашга, тоза гаширишга, нутқингизни ҳар хил ёт унсурлардан сақлашга ҳаракат қилинг. Қаерда ва ким бўлмасин, она тилини камситишларига асло йўл қўйманг. Тил мавсумий либос эмаски, об-ҳавонинг ўзгаришига қараб алмаштирилса. Онайи зор, Ватан, миллат ҳар бири биттадан. Она

тили ҳам битта. Агар ўз халқингиз орасида гунгалаксоқов ва ёт бўлиб қолишни истамасангиз, она тилини пухта ўрганинг, бошингизга кўтариш. Киши бошқа тилда билимли бўла олади. Аммо фақат она тилидагина бекаму кўст бўлиши мумкин. Она тилини эъзозлашни, қадрлашни ва асрарни маърифатли миллатлардан ўрганинг.

Дилни кераксиз шубҳалардан тозаланг. Гумон иймондан айиришини унугтманг.

Қоринни тўқ тутинг. Аммо билингки: қоринни тўқлаш уни ҳар хил керак-нокерак нарсалар, ҳашаки хўраклар билан лиқ-лиқ тўлдириш деган гап эмас. Ўз вақтида тамадди қилиш ёдингидан чиқмасин. Оз енгу, соз енг.

Спиртли ичимликлардан ҳазар қилинг. Сиз мусулмон фарзандисиз. Ичманг. Кайф берувчи нарсаларни ичиш тугул, ҳидлаш мумкин эмаслиги ёдингидан кўтарилемасин. Ароқ соглиқни емириш, асабни бузиш, обрўни тўкишдан ташқари, наслни бузади. Даҳшатлиси шу.

Ароқ ҳаром эмас, кайфи ҳаром, дейдилар. Ишонманг. Ўзи ҳам ҳаром, кайфи ҳам ҳаром. Кайф қилмасанг, ичиб нима қиласан?

Китоб билан абадий дўст тутининг. Орангиздан қил ҳам ўтмасин.

Хорижий тилларини қунт билан ўрганинг.

Ватан тарихини билинг. Уни ҳар хил муртад талқинлардан, туҳмат ва ахлатлардан тинимсиз тозаланг. Шавкатли тарихимизни замонавий маҳобатли тарихий ишлар билан бойитишга ҳаракат қилинг.

Камтарга камол, манманга завол. Мутакаббирлик фақат Аллоҳга ярашади. Ҳоксор бўлишга ҳаракат қилинг. Кибрланманг. Мақтаса Сизни бошқалар мақтасин. Сиз эса олқишиларни эшитманг.

Газабланманг. Газаб руҳий мувозанатингизга барбод беради. Сизни тўғри издан чиқазиб юборади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам сокин бўлишга интилинг.

Дилозор бўлманг. Дилозордан Худо безор. Одамлар билан шундай гаплашингки, улар яна Сизга интилсинлар, Сиз билан суҳбатлашишни ҳавас қилсинлар.

Ота-она, қавм-қариндош, ёр-биродорларнинг аҳволидан доим хабар олиб туринг. Ота-онанинг дуосини олиб қолишга ошиқинг. Савоб ишлар орасида энг зарури шу.

Ватанингиз, Халқингиз ва Истиқлол шаънига дод тушидиган ишлардан ҳазар қилинг.

Дўст ортириинг. Дўст юзта бўлса ҳам — кам, душман битта бўлса ҳам — кўп. Ганимни дўстга айлантирмай қўйманг.

Қизлар билан муомалада лутф кўрсатинг. Аммо ҳаддингиздан ошманг.

Заифалик аёл кишининг табиий сифати. Уларни таҳқирлаш эса ўзини эр билган кишининг заифлигидирки, бу Сиз учун нуқсон ва иснод. Заифа мардлик қилсаю, Сиз ожизлик қилсангиз, ўрнингиз алмашади.

Дагал сўзлардан тийилинг. Тилни булгаманг. Бирор Сизни ҳақорат қиласа, Сиз уни қайтариб сўкманг.

Алдаманг ва алданманг. Алдов — шайтонийдир. Ёлғоннинг умри қисқа. Бир кунмас бир кун миси чиқади.

Ўз табиий тароватингизни сақданг. Ортиқча пардоз-андоз, латта-путта, кераксиз «модний» лақашиқидоқлар билан ўзингизни ерга урманг, эл аро кулги бўлманг. Шарқона ҳусн-жамол пардали ва иболидир.

Ориятни қўлдан берманг.

Одам бўлиш — бир умр. Элдан чиқиш — бир нафас.

Севинг-севилинг. «Мўлжал» билан эмас.

Одамларга ёрдам қўлини чўзинг. Соф одамгарчилек юзасидан, холис ва бағараз.

Ҳаромдан ҳазар қилинг.

Чувалчанг бўлманг, гоз бўлинг. Чувалчанг ер остида гимиirlайди, гоз сув устида сузади. Нима учун сувга чўкиб кетмайди, биласизми? Тери ости безлари унинг патларини мойлаб турди. Сиз ҳам ўз мувознатингизни сақлаб туриш учун руҳий ҳолатингизни поклаб юринг. Дилингиз хира тортмасин.

Сиз Вақтни тежамасангиз, Вақт Сизни тежаб юборади.

Дангасаликнинг бошланиши баҳтсизлик дебочасидир.

Самарадор гоянинг этагини ушладингизми, уни то ўзлаштиргагунча қўйиб юборманг. Гоя ўгриларидан ҳазир бўлинг.

Бозор иқтисодиёти шароитида ўзингизни бозорга солманг. Айниқса — «ким ошди» савдосига.

Сўз Сизнинг ичингизда экан, у Сизнинг қулингиз. Та什қарига чиққанда эса Сиз ўзингиз унинг қули бўлиб қоласиз.

Мухолиф билан баҳс-мунозарага киришдингизми, вақти келганда ўз эҳтиросларингизга раддия бериш, ўз-ўзингизга «вето» қўйишни ҳам унутманг.

Тана аъзоларини тургун бир ҳолатта, фаолиятсизликка маҳкум этиб қийнаманг ва қийналманг. Токи бош, кўз, қулоқ, тил, оёқларингиз рўзи маҳшарда Сизга даъво қиласин.

Дард ўзи Сизни фош этишини кутиб ўтирмай, ўзингиз дардни фош этинг.

Тангри таоло ва таборак айттанким: мендан ўзга ҳеч зотта ишонма. Лекин табибга ҳам ишон. Акс ҳолда мен уни нима учун яратдим?

Бизни туғдирган ва туққан ота-онамизни қанчалик севсақ, ўз миллиятимизни ҳам шунчалик ардоқлашга тегишимиз. Ўз миллатини, унинг шаън-шавкатини, салоҳияти ва қадриятларини оёқости қилган, дардига малҳам бўла олмайдиган киши қандай мавжудот бўлса бордир, аммо яхши инсон эмас.

Мен ҳар бир кишига унинг уй ҳайвонларига, кенгроқ айтсан, умуман ҳайвонот ва маҳлукотта, ундан ҳам кенгроқ миқъсда айтсан, умуман табиатта бўлган муносабатига қараб баҳо бераман.

Совуқ ақлга жиндай қалб эҳтироси қўшилса, жуда чиройли чиқади.

Гапирмасликнинг иложи қолмагандагина гапи-ринг.

Шамол эсаёттан томонга қараб бақирманг, овозингиз зое кетади...

Ёшлар агар униб-усиш, маънавий соглом бўлишни истасалар, маҳаллийчилик касалидан худди вабодан қочгандай қочсинлар...

Мана, таҳсилга ажратилган йиллар ҳам киприк қоққунча, турнақатор бўлиб ўтди-кетди... Давлат имтиҳоналарини топширдингиз, диплом ишларини ҳимоя қилдингиз. Васиқа нақд. Муборак бўлсин. Меҳнатингизнинг эгилигини кўринг, ёш дўстларимиз. Сиз энди малакали, етук мутахассис, шавкатли мамлакатимизнинг энг керакли, қодир ва қобил одамисиз. Айтгандай, кўпчилигингиз юртимиз Истиқлонни қўлга киритган йили толиб бўлгандингиз. Улугвор байрамимизнинг беш йиллиги арафасида тутатдингиз. Тасанно.

Истиқболимиз кўп жиҳатлардан Сизларга ҳам боғлиқ. Бурч ва масъулият ҳиссини бир зум унутманг.

Яна. Ўқишини тутатдим деб керилманг, дўспини осмонга отманг. Ўқиш, ўсишдан асло тўхтаманг. Ҳадиси шарифлардаги бешиқдан то қабргача илм ол, деган ўгитни эсдан чиқазманг. Бир донишманд, шу ёшга кириб, шунча илм йигиб, китоб ёзиб билганим шу бўлдики, ҳеч нарсани билмабман, деган экан.

Бир ўқув маскани эшиги қия ёпилиши билан Сизга янги, янада улут, қуттуг даргоҳ — ҳаёт институти, университети, академияси эшиклари ланг очилади. Бу олий таҳсилгоҳнинг синов ҳамда имтиҳонлари чандон қийин ва масъулиятли. Ҳаёт дорилфунунида эл-юртта, одамларга, ота-онага, дўст-ённларга, касб-корга садоқатингиз, оқибатингиз, сабр-бардошингиз ўбдан синовдан ўтади. Навбатдаги, шарафли имтиҳонлардан қоқилмай, адл ва дадил ўтишингизга ишончимиз комил. Шоир бобонгиз айттанидай:

*Аъло мамлакатнинг аъло фарзанди,  
Билиб қўйки, сени Ватан кутади.*

**ГАЙБУЛЛОҲ АС-САЛОМ**

Бу номни мамлакатда ва хорижда ҳам танийдилар. Бизда янги таржимашунослик фанининг тамал тошини қўйган. Биринчи Ўзбек Қомусини яраттандардан. Асалари ва шогирдларининг номлари рўйхати ўзи 150 бетлик катта китоб. Олим зоти бизда кўш. Докторлар, профессорлар...Атоқли фан арбоблари бор. Лекин Гайбуллоҳ ас-Саломимиз битта. Устоз тийнатида тушуниксизроқ антиқа нарсалар ҳам бор. Ортиқча камтарликимей, қайсалик деса ҳам бўладиган. Ўз фойда-зиёнини билмайди. Гоҳида ўз дарвозасига тўп уриб қўйиб, «го-о-л!» деб юради. Баҳор ҳавосидай ўзгариб турадиган ижтимоий ҳаётнинг иссиқ-совуқларини, довул ва бўронларини кечирган бўлса-да, ўзини қайта қуришга ички эҳтиёж сезмаган. Аввал бошдан ўзини яхши қуриб олган бўлса керак. Курашни деярли тан олмайди. Инсон ҳаётта курашиш учун эмас, одам бўлиш учун келади, дейди. Классик паришонхотир. «Шу ростдан ҳам ўзиммикан?» деб қай бир вақтларда ўзларини ойнага соладилар», дейди кулиб қайнин синглиси Гулчөҳрахоним. Эшиттаним бор. Собиқ Югославияда Тетовога бориши ўрнига Битолага кетиб қолган (ишонмасангиз, шоир Эркин Воҳидовдан сўранг). Домла билан тез-тез чугурлашиб турамиз. Жиқиллашиб ҳам қоламиз гоҳида. Аразлаган, совутган пайтларим бўлган. Яширмайман. Аммо... Қанчалик узоқлашсам, шунчалик яқинлашибман, қарасам. Ундан қочиб кетолмайсан киши. Оҳанрабоси бор. Мехри ва сеҳри тортиб туради. Сиртидан жайдари бўлса-да, ишонманг. Юки бениҳоя оғир. Буни кўтариш учун тўртта фил керак, дейди ўзи тўлиб-тошиб кетган вақтларида. Устига устак, бошқа «филларнинг» юкини

күтаришга ҳам ярайдай. Жонига, тоқатига, сабр-бардошига түзим берсін.

Гайбулла ака ҳақида илиқ гапларни күп келтириш мүмкин. Лекин тұнгич қизи, шогирдим Назира бонудан ҳам үтказиб айтиш қийин бұлса керак...

### *Сайди Умр*

#### **ОТАЖОН**

*Кече-кундуз одим отган тулпоргинам,  
Товонлари дардға боттан bemоргинам,  
Дардчыл ҳаёт буйнидаги туморгинам,  
Тумор бұлсанг, сен үзингни асра энди.*

*Эзгуликнинг эш бұлгани баҳтинг бұлди,  
Халқым дарди елканғдаги ягириңгдир.  
Сен умрингни бердинг, кимнинг  
күнгли тұлди?  
Эл-улуснинг гами сенинг оғириңгдир.*

*Бири мүмин, қайси бири беради панд,  
Миллатимнинг ярми сенинг учун фарзанд,  
Барисига баробарсан қуёш монаңд,  
Устоз бұлсанг, сен үзингни асра энди.*

*Ота десам вужудимни тутди фахр,  
Юрагимдан таърифингга сүз тилаңдим.  
Шеърга сигмас ҳисларимни дилга солиб —  
Она булиб, полапондек эркаландым...  
Отажоним, сен үзингни асра энди.*

### *Назира ас-Салом*

#### **САЙДИ УМР**

Яхшиликшунос. Ҳеч кимни хафа қылғиси йүқ. Ашаддий галамисни ҳам. Эй ҳазрати одам. Нобакор бу нобакор. Фосиқ бу фосиқ. У сенинг фалсафангни тушуниб үтирибдими! Қаёқда. Киши бир мүмин бұлмасин экан. Уни қайта «тарбиялаб» бұлмайды. Бул кичикфеъл дүстимиз студент халқининг катта дүсти. Баъзан күзининг ёгини еган кимсалар унга хиёнат қиласы. У эса буни тушунмайды. Тушунишни истамайды ҳам. Хиёнатта садоқат билан хизмат қилавера-

ди. Эҳтимол, тўғри қилар? Ўзини ўйламайди. Билмайдики, ўзини ўйламайдиганларни ўйламайдилар. Баттар бўлсин. Нафсиамр, жилла «фаришта» эмас. Одамлар ҳақида инсоншунос бўлиб қалам сурганида, баъзан ҳайратта тушаман. Бир нафасда ёзади. Қотириб. Ниҳоятда ҳозиржавоб, ниҳоятда сусткаш. Озгин на кайфи келишмаса, қалами юрмайди... Менга ўхшаш кетади — сал-пал «қўшиб ёзишнинг» ҳавосини олган. Ўзбек-да, минг бўлсаям. Ёлғонни ҳам дўндириб ростлаб юборади гоҳо ва ишонтиради. Нозиктабъ. Шоиртабиат. Бирда — балли, бирда — далли. Шафқатсизларча муросасоз. Истардимки, ҳаёт Сайди Умрни қайнашга ундовчи инсоний фазилатларга, баҳорий сасларга, сифатларга тўлиб-тошса... Худораҳмати муштипар волидасини кўрганман. Оҳ, ўзбегимнинг онаси-я. Таърифига тараф йўқ. Отасини эса... Отасини ўзи ҳам кўрмаган: урушда ҳалок бўлган. Онайи зори Ойсулув оға 16 ёшида турмуш қуриб, 21 ёшида бева қолган. Отинг ўчкур қирғинбарот урушда нобуд бўлибди ҳамки, ёстиқдошини буёқда кутаверади, кутаверади... То бу бевафо дунёдан кўз юмганигача. Ваҳ!! 21 ёнда бизнинг шошқалоқ қизлар эндигина кўзлари биёв-биёв бўла бошлайди. Ёш келинчак Ойсулув икки ўғил, бир қиз билан боши очиқ қолиб кетади... Жўжиқларини кипригида катта қиласди. Фарзандлар ҳам икки матонатли инсон — Отаси ва Онасига чексиз муҳаббат туйгуларини ўз мургак қалбларига индиришади. Нима десам экан? Бизим ардоқли, мунису мушфиқ, мутафаккир шоир, мавлоно ҳожи Абдуллои Ориф ўзининг гўзал «Аёл» шеърини Сайдийнинг онаси ҳақида ёзган бўлсалар керак. Шундай эмас, албатта. Лекин — шундай! Шундай эмасми, шоири замоним? Яна бир луқма. Рафиқаси Ойлар хоним хаёлпарамст, оққўнгил ёстиқдошининг элга Сайди Умр бўлиб танилишида ёнма-ён туриб берди. Чидади. Еди-югурди.

Сайдижон Фанлар академиясида беш-олти йил ишлаган бўлди. Адабий тафсилотшунослиқдан номзодлик ёқлади. Мактаб кўрган. Яхши устоднинг (марҳум Солиҳ Қосимнинг) яхши шогирди. Яқин ўттиз йилдан буён Тошкент дорилфунунида домлачилик қиласди. Мирзо Улугбек номидаги улуғвор мадрасанинг тупроғини ялайди. Ҳафсалани қаранг. Ўн йил декан

муювини, декан бўлибди-я шоввоз. Эсиз Ойлар. Эсиз Умр. Мулкий нуфузи ўргадан сал пастроқ. Салоҳияти сарбаланд.

Сайдийнинг баъзи бир қаламкаш қаҳрамонлари (ўзим ҳам, жумладан) муаллиф кўрганидай ва истаганидай соҳибкаромат эмасдир балким. Оддий одамгарчилиги йўлида юрган одамлар. Ўйлайманки, улар ўз тимсоллари даражасига кўтарилишга жаҳд қиласди... Лоақал Сайди Умр афандидан уялиб қолмаслик учун бўлса ҳам.

*Гайбуллоҳ ас-Салом*

## МУНДАРИЖА

<b>Икки эшик ораси. Биринчи курс толибларига</b>	<b>6</b>
1-ф а с л. Чорраҳа	7
2-ф а с л. Қиёмат қарз	18
3-ф а с л. Тафаккур сұқмоқларида	29
4-ф а с л. Биринчи сабоқ	43
5-ф а с л. Ибрат	51
6-ф а с л. Қүш уясида күрганини қилади	64
7-ф а с л. Ўзбекистон муштарақ	74
8-ф а с л. Оталар ва болалар	88
9-ф а с л. Хат ёзишга тобингиз қалай?	97
10-ф а с л. Бобур Мирзо Сизга насиҳат қила- диrlар, азизлар	108
11-ф а с л. Аҳволинг нечук, ётоқхонам?	111
12-ф а с л. Ўйлайман, демак борман	119
1. Дунёнинг ишлари	119
2. Кўзгу	125
3. Одамлар	130
4. Мантиқ	136
5. Нигоҳ	139
6. Иймон ва эътиқод	140
7. Табиат ва инсон	143
Сўнгги бекатдаги битиклар	143
Бити्रувчи толибларга	147
Муаллифлар ҳақида бир шингил	148
Гайбулоҳ ас-Салом	148
Сайди Умр	149

ҒАЙБУЛЛОҲ АС-САЛОМ  
САЙДИ УМР

ТОЛИБНОМА

*(Сени ўйлайман, болам)*

«Шарқ» нашриёт-матбаа  
концернининг Бош таҳририяти  
Тошкент — 1997

Муҳаррир *Х. Р. Султонова*  
Безакловчи рассом *А. Баҳромов*  
Бадиий муҳаррир *Ф. Башарова*  
Техник муҳаррир *Л. Хажкова*  
Мұсаққызы *З. Солисова*

Босишига 16.01.97 да рухсат этилди. Бичими 84x108  $\frac{1}{32}$ , Балтика гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоги 8,4. Нашр босма табоги 7,8. Буюртма № 887. Адади 5000 дона.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси,  
700083, Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кӯчаси, 41 уй**

## F.17 Ғайбуллоҳ Ас-Салом, Сайди Умр.

Толибнома: (Сени ўйлайман болам).-Т.: Шарқ, 1996.— 160 б.— (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги).

Замонлар ўзгаради, одамлар ўзгаради, урф-одатлар, таомиллар ўзгаради. Кишиларнинг бир руҳий ҳолатдан (тургунлик ва лоқайдикдан) бошқа бир ҳолатта (фаолликка, ҳурфиксирликка, тадбиркорликка) утиш даврида қарашлар, маслаклар бир маромда қотиб қолмайди. Қадриятлар қайта қадр тоға бошлади. Шу зайл жамиятнинг юқори малакали мутахассисларга бўлган талаби ва буюртмасида ҳам янгиликлар, силжишлар содир бўлади. Истиқбол шарофати билан талабаларимизнинг вазифалари, бурчлари, масъулиятлари қандай бўлиши керак? Қўлингиздаги китобда ана шу саволлартга бир қадар жавоб беришга ҳаракат қилинган. Муаллифлар, ўзларининг узоқ ийлилк тажрибаларига таяниб, илмий билагонлик, мантиқ, мутолаа, малака, маънавият, одамийлик, табиат ва инсон, ахлоқ-одоб, иншо, услубиёт, муншаот, тарихийлик, ворислик, замонавийлик баҳсларида сабоқ берадилар. Мутолаа давомида мана бу ўйтта амал қилинг, азиз ўқувчи: уқиб ўқи, ўқиб уқ.

**МУЛОҲАЗА УЧУН**

---

МУЛОҲАЗА УЧУН

---

**МУЛОҲАЗА УЧУН**

---

МУЛОҲАЗА УЧУН

---

**МУЛОҲАЗА УЧУН**

---